

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ

НИЗОМИЙ
ДИЛБАНДЛАРИ

ТАЗКИРА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2012

УБК: 821.512.133(092)

КБК 83(5Ў)

Ҳ-63

Ҳомидий, Ҳамиджон.

Низомий дилбандлари: тазкира / Ҳ.Ҳомидий. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 248 б.

УБК: 821.512.133(092)

КБК 83(5Ў)

Азиз ўқувчи! Қўлингиздаги тазкирада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бағрида адаб илмининг сеҳридан огоҳ бўлиб, бадиий ижоднинг турли жабҳаларида Вағанимиз маънавияти равнақиға улкан ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган таникли ижодкорлар ҳақида хикоя қилинади. Улар яратган асарлардан намуналар берилади. Тазкирани яратишда муаллиф ёзувчиларнинг архиви, асарлари, анталогиялар, ҳамкасбларининг тадқиқотларидан, жумладан, профессор Собиржон Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китобидан баҳраманд бўлди.

Тақризчи: Филология фанлари доктори,
профессор Бокижон Тўхлиев.

Компютерда кўчирувчи: Матлуба Жабборова.

Китоб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2011 йил, 24 декабрдаги қарорига мувофиқ нашр этилди.

ISBN 978-9943-06-413-3

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012 й.



ИЛМ, АДАБ МАСКАНИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ташкил қилингандан бери (1935) республика-мизнинг барча таълим-тарбия муассасаларига бир неча юз минглаб муаллимлар, услубчилар, тарбиячилар, муаллим – муҳандислар, спорт усталари, муаллим – чехракушолар, мусика ва ҳарбий таълим мутахассисларини етказиб берди. Турли йилларда ушбу ўқув даргоҳида фаннинг ҳар хил соҳалари билан бирга рус, козок, корейс, татар, турк филологияси муаллим – педагоглари ҳам тарбиялаб чиқарилди. Университетимизни битказган собиқ талабаларимиз орасида жамоат ва давлат арбоблари, академиклар, буюк алломалар бор. Машҳур академиклар Сиддиқ Ражабов, Шоназар Шоабдурахмонов, Эркин Юсупов, Яхё Ғуломов, Пўлат Ҳабибуллаев, Юнус Тошпўлатовларнинг илмий ва педагогик фаолиятлари ҳам бевосита бизнинг университет кафедралари билан боғлиқ ҳолда кечган. Бугина эмас, университетимизда ўқиган, илмий фаолият олиб борган Муҳаммад Давлетшин, Натан Маллаев, Жондор Туленов, Маҳкам Мирзааҳмедов, Георгий Маков, Степан Лиходзиевский, Аҳмад Содиков, Раҳматулла Маллин, Шароф Ўлмасбоев, Малик Набиев, Холиқ Абдурахмонов, Абдумалик Раззоқов, Маҳмуд Халиуллин, Саидзода Усмонов, Аъзам Шерматов, Мазлума Аскарлова, Малик Муродов, Собиржон Иброҳимов, Ҳамдам Абдуллаев, Собиржон Мирвалиев, Мейербек Ўрозов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Туроб Айдаров, Карим Ҳайитметов, Абдукарим Зикрияев ва бошқа профессорлар республикаимиз илм-фани таракқиётига улкан ҳисса кўшишди. Университетимиз республикаимиз ўрта мактаблари, академик лицей, касбухонар коллежлари ва Олий ўқув юртлари учун дарсликлар

яратишда асосий марказлардан бирига айланди. Масалан; филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Муродович Маллаевнинг ўрта мактаб, педагогика институтлари ҳамда университетлар талабалари учун ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби якин 30 йил давомида барқарор дарслик сифатида хизмат қилди.

Бизнинг университетимиз республикамызда педагог кадрлар тайёрлаш ўчоғигина бўлиб қолмасдан, маънавиятимизнинг, айниқса, адабиётимизнинг барча жабҳаларига шогирдлар етказиб бераётган адаб масканларидан ҳисобланади. Ўтган асрнинг 40-йилларидан тортиб ҳозирга қадар университетимизнинг турли факультетларида тарбия кўрган, аксарияти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари, ижодкорлар 70 дан зиёддир. Ҳатто Тожикистон халқ ёзувчиси Фотех Ниёзий ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида Тарих факультетида таҳсил кўрган; бир вақтлари “Мосфильм”да узок йиллар режиссёрлик қилган Миша Зокиров рус филологияси факультетини битирган. Ҳозирги замон ўзбек прозасининг шаклланиши ва тараққиётида Ўзбекистон халқ ёзувчилари “Низомий”да таҳсил кўрган Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Суннатулло Анорбоев, Шухрат, Ўктам Усмонов каби забардаст адибларимизнинг ҳиссаси катта. Ўзбек драматургияси ва шеърятининг юксалишида Иззат Султон, Зулфия, Рамз Бобожон, Шукрулло, Восит Саъдулла, Мамарасул Бобоев, Исҳоқ Ўктам, Туроб Тўла ва бошқаларнинг улушлари бекиёсдир. Бугина эмас, бизнинг собиқ талабаларимиз Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Владимир Барабаш, Наримон Орифжонов, Рауф Толиб, Ҳамза Имомбердиевлар ижодисиз ҳозирги ўзбек болалар адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий шеърятимиз инкишофида Ёнғин Мирзо, Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Шукур Дадаш, Ҳайдар Муҳаммад, Барот Исроил, Тўлаган Тўхтаевларнинг муайян улушлари бор. Жумладан, Юсуф Шомансур зукко олим, таржимон, дostonнавис, лирик шоир бўлиш билан бирга, “Қора марварид” романи билан ҳозирги насримизни бойитди. Демак, Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика университетининг ҳозирги ўзбек адабиёти равнақи ва тараққиётида муайян хиссаси бор. Мустақиллик йилларида ҳам ана шу анъана талаба ёшларимиз томонидан муваффақият билан давом эттирилиб келинмоқда. Талабаларимиздан Абдурахмон Жўраев, Зокир Пардаев, Достон Эшматов, Суннатилла Дангалов, Ҳабиба Шерова, Нафосат Ўрокова, Бахтиёр Розиков, Гулчехра Умирова, Амриддин Абдулло, Нилуфар Қаюмоваларнинг илк китоблари адабиёт шайдолари томонидан илиқ кутиб олинди. Ўйлаймизки, узоқ тарихга эга бўлган, бир вақтлари замонамиз алломаси Максуд Шайхзода, оташнафас шоир Усмон Носирнинг назари тушган шоир ва драматург, доцент Ўткир Рашидлар бошқарган “Чашма” тўғараги бағридан янги Зулфияхонимлар, Шукрулло-ю, Хайриддин Салоҳ, Ўктам Усмоновлар етишиб чиқади.

Азиз китобхон! Кўлингиздаги тазкира – “Низомий дилбандлари” деб номланган китоб сизда ушбу олийгоҳда тарбия кўрган ижодкорлар хақида яхлитроқ тасаввур ҳосил қилдиради, деган умиддамиз.

У.И.ИНОЯТОВ,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ

(1909–1985)



Ўрта Осиёда шуҳрат қозонган фольклоршунос олима, нозиктаъб шоира оташнафас публицист Музаїяна Алавиya 1909 йили Тошкент вилоятининг Пискент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Музаїяна Алавиya Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқишни давом эттирди. Олий таҳсилдан кейин Музаїяна Алавиya бир неча йил ўрта мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди. 1944 йилдан умрининг охиригача олима Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Халқ оғзаки ижоди бўлимида илмий ходим, катта илмий ходим вазифаларида ишлади; филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

Ижодий фаолиятини ўтган асрнинг 40-йилларида бошлаган Музаїяна Алавиya кўплаб шеърлар битди, минг йиллик анъаналаримизни давом эттириб, ғазаллар яратди, долзарб мавзуларда ҳикоялар ёзди. Унинг бадиий ижоди – шеър ва ҳикоятлари “Менинг кувончларим” деб номланган китобига жамланган. Музаїяна Алавиya умр бўйи кўп минг йиллик тарихга эга бўлган фольклоримиз неъматларини юртмаюрт кезиб тўплади ва уларни қиёсий-типологик жиҳатдан солиштириб, энг сара намуналарини аниқлаб, нашр этиш билан шуғулланди; кўп жилдлик ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини чоп эттиришда бевосита иштирок этди; хусусан, ўзбек халқ кўшиқларини ёзиб олиб оммалаштириш, уларни

илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишда Музайяна Алавиянинг хизматлари катта. Олима нашрга ҳозирлаган асарлар матнидан ҳозир ҳам ёш тадқиқотчилар баҳраманд бўлмоқда.

Ўзлуксиз изланишлари, бетиним ижодий меҳнати ўз самараларини берди. Олиманинг турли йилларда бирин-кетин “Ўзбек халқ кўшиқлари” – янги лапарлар: “Алла”, “30-йиллар халқ кўшиқлари”, “Ўзбек халқ маросим кўшиқлари” каби монографиялари нашр этилди. Музайяна Алавия бир қанча ахлокий-таълимий, адабий-маърифий мақолалар муаллифидир. Адиба бу йўлдаги бир неча йиллик заҳматларини жамлаб “Инсонийлик ҳақида”, “Камтарлик – энг яхши хислат” сингари комил инсон тарбиясига асқотадиган қўлланмаларни яратди. Музайяна Алавия ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш ва нашр эттириш йўлидаги хизматлари учун бошқа ҳамкасблари билан бир қаторда Беруний номидаги Давлат мукофотини олишга мушарраф бўлган. У кишининг “Аллалар”, “Ўзбек халқ кўшиқлари” китоблари қайта-қайта нашр қилиб келинган. Музайяна Алавия замонамизнинг забардаст адиблари Ғафур Ғулом, Анисий, Мунирхон Муинзода, Бокирлар билан яқин дўст эдилар.

ҚОРХАТ

Қиш кириб, ёғмоқда энг биринчи қор,
Қорли қишнинг бир бошқача хусни бор,
Табиат кўрсатиб одми кўркини:
Оқдан кийиб, оқдан қўйди бўркини.
Қарға шўнғиб, тоғда каклик сайрайди,
Тошдан – тошга сакраб кийик ўйнайди,
Қишловларда қўй-у қўзи боқишиб –
Ҳар жой, ҳар жойларга ўтлар ёқилиб.
Омбор тўла, қазноқ тўла дон-дунга,
Файз-барака билан келиб шу кунга,
Кексалар ҳам қалин гуппи кийишиб,
Қариликка оқ соқоллар ярашиб,
Дўст уйига бормоқдалар суҳбатга,
Нима етсин суҳбатдаги роҳатга,
Сермой қайнар келинлар куртаваси,

Сут талконнинг баланддир мартабаси.
Кўйинг-чи, кишнинг ҳам гашти бор анча,
Ярашади хурсандчилик қилсанг қанча,
Шунинг учун мен сизга ёздим қорхат.
Биз айтгандай тўкин бўлсин зиёдрок,
Сутли, жиззали ҳам ёнғок самак нон,
Бир тўккиз патир-ла қилсангиз меҳмон.
Ўзгача мазали тандир самбўса,
Гўштдан ҳам қовоқдан ёпаман бўлса.
Яхна қилинг қуш ҳам қўйнинг этидан,
Сахийликнинг сира қолманг кетидан,
Турсин безаб тирикликнинг тозаси.
Кўп керакмас ознинг ширин мазаси.
Оман бодомингиз бўлсин ғалвирак,
Хандон писта билан бўлади эрмак.
Тўккиз турли ҳолводан оз-оз олинг,
Бир идишга қандолат, наввот солинг.
Дилафрўз нашвати, серсув нокидан,
Хил-хил узум узумакдай токидан.
Мураббодан тортиб, турли шарбатдан,
Тайёрланган бўлсин ёзги неъматдан.
Қуюқ-сууюқ учун ёқсангиз олов,
Беҳисиз бўлмасин дамланган палов.
Биз мамнун бўлайлик кази-картага,
Хуллас, топганингизни қўйинг ўртага.
Тожиҳон, Дилбархон, келсин Марҳабо,
Ҳар бири самимий доно, дилрабо.
Ўн киши бўлса, бас, борган меҳмонлар,
Сухбатга киролмасин сўзи ёлғонлар.
Муқаддас опамиз дутор чалсинлар,
Ўйинчилар даврага шодлик солсинлар,
“Яллама ёрим”га бизлар бўлиб жўр,
Юзлар оловлансин, юракларда кўр.
Лутфий, Нодирадан ўқийлик ғазал,
Муҳайёхон дуторни чертади гўзал,
Баҳру байт айтайлик билганимизча,
Ота-оналардан кўрганимизча.

Шоду хуррам бўлиб ёғдирсак олқиш,
Мендай дўстингиздан шудир бир хоҳиш.

МУШОИРА

Му н и р ¹:

Жаҳонда меҳрибон жанона ҳар кимга китоб ўлғай,
Бу жанон лутфидан дилларга роҳат беҳисоб ўлғай.

Му з а й я н а :

Бу жанон лутфидан ҳар бир киши тенг баҳраманд ўлса,
Жаҳонда ҳал мушқил одамига беазоб ўлғай.

Му н и р :

Ажойиб дилрабодир сабҳа-сабҳа маъни-ю, лафзи,
На андин нозу истиғно, на қаҳру не итоб ўлғай.

Му з а й я н а :

Узоклашса бари ташвишдан ҳам бўлса мустағни,
Талаб аҳли магар шу чоғ жаҳонда камёб ўлғай.

Му н и р :

Қачонким қайси мавзудин киши баҳсу савол айлар,
Анинг овозсиз лафзи саволига жавоб ўлғай.

Му з а й я н а :

У шахди нобдан тотгай, унутгай ўзга лаззатни,
Бу нўши кишисига эткач ҳар дам шитоб ўлғай.

Му н и р :

Агар киминг кудурат захридин аччиғланиб қолса,
Анинг мазмунидан тотким, ажойиб шахдноб ўлғай.

Му з а й я н а :

Бу сўз дарёсига ғаввос бўлиб кирмоқ тилак эрди,
Дурри мақсадни топгунча дариг умрим ҳубоб ўлғай.

Му н и р :

Музайянанинг абёти Музайян этди фикримни
Анинг меҳри Муниридан кўнгилда обу тоб ўлғай.

1955 йил

¹ Таникли шоир Мунирхон Муинзода.

ГАЛИНА ЦОДИКОВА

(1910–1978)



Таникли адиб Галина Ильинична Цодикова 1910 йили Бошқирдистоннинг Раевка станциясида ишчи оиласида таваллуд топган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Цодиковалар оиласи Тошкентга кўчиб келади. Бўлажак ижодкор Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Мактабгача тарбия факультетига ўқишга киради. Олий тахсилдан сўнг Галина Цодикова Республика рус ёш томошабинлар театрининг педагогика бўлимини бошқарди, ўсмирлар газетаси, нашриётлар ҳамда радиоэшиттиришлар кўмитасида бўлим мухаррири бўлиб ишлади.

Адиба Галина Цодикова бир қанча очерк, хикоя ва қиссалар муаллифидир. Адибанинг “Чин дугоналар”, “Илк кадамлар”, “Чўпон невараси” қиссалари, ўтган асрнинг 70-йилларидаги республикаимиз рус тилида болалар адабиётида муҳим воқеа бўлганди. Бундан ташқари, адибанинг мактаб болалари, чорвадорлару пахтакорлар меҳнатини тасвирлаган очерк ва кўплаб хикоялари республикаимиз вақтли матбуотида мунтазам эълон қилиниб борган. У болалар адабиётига ҳарбий-ватанпарварлик, табиатни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш мавзусини олиб кирган ёзувчи ҳисобланади. Адибанинг “Узоқдаги заставада”, “Чегарачи Антон ва унинг кичкинтой дўстлари” қиссалари бир томондан ўсиб келатган ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, ёшлар-

да наботот ва ҳайвонотга, она табиатга меҳр уйғотишга қаратилган. Ёзувчининг бир қанча ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб, алманахларда, алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.

БУРГУТЧА

(“Узоқдаги заставада” киссасидан парча)

Антон бугун кечаси яна бир чегарачи аскар билан прожекторларни кўриклашга борадиган бўлади. Улар никобланиб, юзларини яшириб, ҳеч ким танимайдиган қиёфага кириб, ўт-ўланлар орасига яшириниб олишди.

Антон бутазорга жойлашди. “Йўлдош” деб номланган ити ҳам ёнида.

Қоронғу тун.

Осмон ойсиз. Кўкни қоплаб олган булутлар ойни ҳам, юлдузларни ҳам яширган. Прожекторлардан тушган кучли нур дасталари заминни ёритиб юборган. Нур дастаси йўналган тарафлар худди кундузги кундай ёп-ёруғ, чароғон бўлиб ётар, теварак-атрофда, ҳамма томонда буталар, тошлар, майсалар кўзга аниқ ташланади.

Ана, битта куён прожектор нуридан кўзи камашиб, турган жойида тўхтаб қолди. Прожекторлар нури ерни ёритиб ўтиб, бошқа томонларга сакраб кетди, адирлик томонни ёрита бошлади, ундан нарида тоғ чўккилари элас-элас кўзга ташланади. Қоялар лип этиб ўтади кўз олдидан. Нур дастаси энди бирданига қарама-қарши томонга қараб туради. Бирдан ўчиб, яна атрофни қоронғилик қоплайди.

Атрофни зулмат қоплайди.

Сукунат.

Сўнг яна матор варанглаб ишга тушади-ю, ёп-ёруғ, ўйноқи нур чор-атрофга сакраб кетади. Яна атроф чароғон, ҳар бир бута, ҳар бир тош “мана, бу ёқдаман” дегандай кўзга ташланади.

Бир пайт прожекторчи йигит прожекторни ёқиб-ўчириб, ўйнай бошлади.

Тун мана шундай ўтади.

Бунақа ёруғда бирортаям жонзот ором тополмай, кўрканидан у ёқдан-бу ёққа бежаловат чопа бошлайди.

Нур дастаси қоялар томонга йўналди. Шу пайт нур йўналган томонда думини ликиллатиб бир тулки кўриниб қолди. Тулки ўтиб бораётиб, бутазорда қуш уясини кўриб қолди-да, панжасини уяга тикиб, полапонларга ҳамла қила бошлади.

Буни тепада ўтирган прожекторчи йигит ҳам кўриб ўтирган экан, худди ўғрини кўргандай хайкириб юборди:

– Ҳой қарокчи, нима қилаяпсан?!

Тулки ўзига йўналган нурдан кўзи камашиб, жон ҳолатда қоча бошлади, лекин қочиб бораётиб ҳам панжасидаги ўлжа тушган полапонни ташламасди.

Талонга учраган уя – бургут уяси эди. Бечора бургутчалар мунгли қаққағлаб, қоя томонга интилиб уча бошладилар, улар ҳам учишни ҳам эплотмас, қаққағлаб бориб қоятошларга урилар, қанотлари базўр пириллатиб, учмоқчи бўлар, сўнг ўлдим-озорда пастга қараб излаб тушар эди.

Антон буларнинг барини дурбинда кузатиб ўтирган эди. Ана, бир бургутчани чангаллаб олган тулки, ана уялари тўз-тўз бўлиб кетган бечора полапонлар!...

Учишни эплотмаётган полапон бургутчаларни кўриб, Антоннинг юраги ачишиб кетди. Қани энди ҳар биттасини ушлаб олиб, уясига чиқариб қўйса, анови чорасиз ўлжа полапонни ёвуз тулкининг қўлидан қутқариб, уядошларига қўшиб қўйса... Айтгандай, полапонларнинг биттасини тутиб олиб, уни Аликнинг туғилган қунига совға сифатида олиб борса ҳам бўларди-я, аммо ҳозир бунинг иложи йўқ-да – хизмат жойини ташлаб чиқиб кетиш мумкин эмас. Ахир, у постда-ку, постни ташлаб чиқиб кетиб бўладими?

Антон эрталаб қаровулликни топширгач, негадир кечаги тўз-тўз бўлган бургут уяси ёдига тушиб, шу томонга юрди. Қараса, ерда бир неча қуш парлари ҳам сочилиб ётибди. Ёнидаги ит ҳам патни хидлаб кўрди-ю, ўзини бутазор томонга урди. Антон итининг бўйнига узун ип боғлаб олган эди, итининг изидан у ҳам тапур-тупур бутазорга чопди. Ит олдга қараб чопаверди, изидан эргашиб Антон ҳам келаяпти. Бир

пайт ит буталар орасида яшириниб-бикиниб олган полапон олдида тўхтаб қолди.

– Тирикмисан, оғайни?! – қувонганидан кичкириб юборди Антон, қушчани қўлига оларкан.

Бургутча кичкинагина бўлиб кўрингани билан, бўш келадиганлардан эмас экан, Антоннинг қўйинини чўкиб-чўкиб олди.

– Вой, бу жўжаҳўрозни қаранглар, қўркмайди-я!

Бургутча оғзини катта очди. Яна чўкимокчи, шекилли. Кўзлари порлаб-бўзариб, яна чўкийман деб турибди. Худди гапга тушунадигандай, одамга қараб-қараб қўяди. Бошини буриб, атрофга олазарак қараб қўяди. Иложини топса, тирноқларини ботириб олмокчи. Қўрқув дегани хаёлида ҳам йўқ, ушласанг – чўкийман, деб турибди. Бу – кечаги тулки панжасига тушган полапон бўлса кераг-ов, чўкиб-чўкиб, тиришиб-уруниб озодликка чиқиб олган бўлса, яхши.

Антон қушчани қўйиб юбормади.

Бургутча тинчланди. Кўникди, шекилли.

Антон қушчанинг жиш танасига ёпишиб турган парларни силар экан, қўллари остида гурп-гурп зарб ураётган қушнинг юрагини ҳис қилди. Полапон митти юраги энди хотиржам уриб турибди.

Антон қушчага бир ачинса, тўз-тўз бўлиб кетган бургут уясига яна бир ачиниб, йўлга тушди. Бир пайт яшқасида сув борлиги эсига тушиб, бургутчага кафтида сув тутмокчи бўлди. Ичсин-да, азамат. Тулкининг панжасидан кутиламан, баданида суви ҳам қолмагандир. Аммо бургутча Антоннинг ҳаракатларига тушунмади, сувга интилмади. Антон кафтидаги сувни қушчанинг чумдуғи (тумшуғи) остига тиради: ол, ич.

Қушча бошини буриб-буриб юборди, нима бало, сув ичиб кўрмаганми?

Антон бургутчанинг чумдуғини қўллари билан зўрлаб очиб, унинг оғзига сув пурқади. Бургутча тикилиб-тикилиб, томоғидаги сув томчиларини ютиб юборди-да, “яна бер” дегандай Антонга интилди – у энди сувнинг таъмини яхши

билиб-таниб олган, Антонга тикилиб яна сув ичишни тилаб турарди.

Полапон чўкишни эмас, сув томчиларини кўмсаб, Антонга караб-караб кўймоқда.

Қанотларини йиғиб олди.

Ҳатто тирноқларини ҳам яширди. Тумшуғини буравермасдан, Антонга чўза бошлади.

Қушча кўзларини ўкдай кадаб турар, гўё тилга кирса:


Сувингдан бер, одамзод!

Ёки:

Раҳмат, оғайни! – демокчидай.

Антон қушчани панама-шапкасига авайлаб жойлади-да, ётоқхонага караб йўлга тушди...

Рус тилидан **Музаффар Аҳмад** таржимаси.



ИЗЗАТ СУЛТОН

(1910–2001)

Йирик аллома, драматург ва романнавис Иззат Султон 1910 йили Ўш шаҳрида туғилган. Ўрта мактабдаги ўқишдан сўнг у Тошкентга келиб педагогика техникумида ўқиди, уни тугатгач бир оз вақт ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси тахририятида хизмат қилди. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида тахсил кўриб, кундузи аспирантурани ҳам тугатади.



Иккинчи жаҳон уруши йилларида Иззат Султон республика радиоэшигттиришлар қўмитаси раисининг ўринбосари, 1945–1948 йилларда эса, Ўзбекистон министрлар совети раисининг муовини вазифаларида ишлади. Шундан кейинги йилларда эса, Москва давлат университетиди ўқитувчилик қилди. Умрининг охириги йилларигача адиб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бўлим мудири вазифасини бажарди.

Илмий ва бадиий ижодга ўтган асрнинг 30-йилларида кириб келган Иззат Султон 1939 йили юртимизда биринчи бор “Адабиёт назарияси” дарслигини ёзди; замонавий адабиётнинг энг долзарб масалаларига – ижодий метод, Ҳамза ижоди ҳақида, 20-йиллар ўзбек адабиётининг услуби хусусида, тарихий-адабий жараён хусусида фундаментал, назарий ва амалий моҳиятга молик, ёзувчи услуби хусусида алоҳида китоб, монографиялар яратди; ўзбек ва рус тилларида ўзбек

Китобдаги аксарият суратлар профессор Ф.Абдурахмонов чизган портретлардан олинган нусхадир.

адабиёти тарихини яратишга бош-қош бўлди. У кишининг бевосита раҳбарлиги ва саъй-ҳаракати остида икки жилддан иборат “Адабиёт назарияси”нинг академик нашри, “Адабий тур ва жанрлар” китоблари вужудга келди.

Филология фанлари доктори, академик Иззат Султон республикамиз адабиётшуносларининг саркори эдилар. У кишининг раҳбарлиги ва раҳнамолигида кўплаб ёшлар фан номзоди, доктори илмий даржаларига эришган. Адибнинг шогирдлари орасида академиклар, жамоат ва давлат арбоблари бор. Юртимизда драма жанри тараққиётида устоз Иззат Султоннинг ҳиссалари улкан. Адиб ўтган асрнинг 70-йилларида “Ҳамза” романини ёздилар. У кишининг “Алишер Навоий” (шоир Уйғун билан ҳамкорликда), “Билмайин босдим тиканни”, “Бургутнинг парвози”, “Номаълум киши”, “Фидойилар”, “Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлари” сингари асарлари бир неча йиллар давомида республикамиз театрларида намойиш қилиб келинган. Ёзувчининг сценарияси асосида “Алишер Навоий”, “Матонат”, “Сенга интиламан” бадиий фильмлари суратга олинган. Фурқат хақидаги “Шоирнинг калби” операсининг либреттоси ҳам Иззат Султон қаламига мансуб.

Мустақиллик йилларида устознинг “Адабиёт назарияси” китобининг қайта ишланган, тўлдирилган нусхаси (2005) нашр этилди. У киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони соҳиби, Бегмат номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреатидир. Иззат Султоннинг шогирдлари орасида фан ва жамоат арбоблари, академик ва профессорлари бисёр. Шогирдлари профессор Н.Раҳимжонов адибнинг ҳаёти ва ижодий мероси хақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилдирадиган “Бадиий асар биографияси” китобини яратган.

ҚАҚНУС

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи лавҳа

Шаҳар истироҳат боғи. Бир чеккада – ўриндик. Боғ ёнбағридаги серкатнов кўчанинг шовкини баралла эши-

тилиб турибди. Шовкин пасайган бир пайтда, боғ якинида дафъатан тўхтаган енгил машина овози эшитилади. Кейин ўша ёқдан можаро бошланиб кетади. Биз узоқдан эркак (Калонбек) ва қиз (Чўлпоной) овозини эшитамиз.

Эркак овози. Хой, қиз, туш машинадан!

Қиз овози. Нега? Нима бўлди?

Эркак овози. Туш деганда кейин, туш!

Қиз овози. Машинага мени ўзингиз чиқарган эдингиз-ку?

Эркак овози. Аввал чиқарган эдим, энди “туш” дейман.

Туш тезроқ!

Қиз овози. Сабаб?

Эркак овози. “Сабаб” эмиш-а!

Машина эшигининг очилган овози эшитилади. Ўша томондан отиб ташланган жомадон саҳнага тушади. Жўнаб кетган мошинанинг шовқини. Кейин Чўлпоной ҳайрон ва хафа холда пайдо бўлади. У жомадонни ердан олиб, ўриндикка ўтиради. Ўзини босишга, нафасини ростлаб олишга уринади. Шу ерда сайр этиб юрган Акбар кўринади. Унинг кўзи хафа холда ўтирган Чўлпонойга тушади. Қизнинг мусофирлигини сезибми ёки хафалигига ачинибми, унга яқинлашган Акбарга Чўлпоной эътибор бермайди. Акбар ниятидан қайтиб, йўлига равона бўлди. Чўлпоной ўткинчига энди эътибор бериб, унинг орқасидан қарайди. Анча нари кетган Акбар бировнинг чакирганини эшитгандек, кўкқисдан тўхтади ва ўзига қараб турган қизга бир зум тикилиб, сўнг яқинлашади.

Акбар. Хой қиз, сен...сен чакирдингми?

Чўлпоной (*ҳайрон*). Менми?

Акбар. Ҳа, сен.

Чўлпоной. Сизними?

Акбар. Мени эмас! Дадангни чакирдинг.

Чўлпоной. Менинг дадам йўқ.

Акбар. Аммо сен чакирдинг. “Дада!” дединг. Аниқ эшитдим.

Чўлпоной (*аччиқлана бошлайди*). Тушингизни сувга айтинг, ота!

Акбар (*ўзига ўзи*). Тавба! (*Қиз таниш кўрингандек, унга тикилди.*)

Собира

(Комилни эсеркиб ташлайди)

Жим ўтир!

Ўзувчи

Яна бир савол.

Акбар

(аччиқланиб)

Саволми, сўрокми?

Ўзувчи

Худо сакласин-е! Акбар акани

Кимнинг ҳуқуқи бор сўрок қилишга!

(Суқунатдан сўнг)

Баъзи бир чоғларда туғилмайдими

Сизда бир хавотир: тарих поезди

Аллақочонлари жўнаб кетган-у,

Сиз эса...

Акбар

(унинг сўзини бўлади)

Йўк, йўк, йўк! Кечикмайман мен!

Чунки шошилмадим... Жангчи пайтимдан

Яхши биламанки, янги қўшиннинг

Бутун бисотини илк эшолондан

Кейин келадиган иккинчи поезд

Шатаклар келади. Қутмақдаман мен

Шу янги поездни зору интизор.

Афсус, шу поезддан ҳамон дарак йўк.

(Қўлидаги газетани кўрсатиб, алам билан.)

Дашномлар ҳали ҳамон давом этмоқда!

(Ғазаб билан.)

“Алданган авлоднинг, умри беҳуда

Сарф бўлган авлоднинг вакили”мишман.

“Ғафлат уйқусининг асири”мишман!

Аҳвол мураккаблашаётганини фаҳмлаган Меҳри ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетади.

Собира

(қуйиниб)

Бириндай дейди, иккинчиси бундай,

Сизга нима қайғу? Нечун оламга
Ғавғолар соласиз.

Акбар

(ўжарлик билан)

Ғавғо соламан!

Сотволди

“Бакирок туянинг бўлгани яхши,
Бакириб-бакириб тургани яхши”.

Акбар

Ҳа, бакирокман мен! Тушунмак истаб
Шу замонамиз, тунларни бедор
Ўтказяпман мен. Кўп нарсаларни
Тушуна олмадим. Аммо тушундим:
Ҳар янги инқилоб халқ ахлокини
Яксон қилмоқликдан бошланар экан.
Шу сафар ҳам шундай: қайта қурилиш
Марҳумлар руҳини таҳқир этишдан
Бошланаяпти яна... Етмиш йил бурун
Биз эзгу орзулар асири эдик.

Нодон эдик бизлар, басир эдик биз,

Раҳбарга, ҳассага муҳтож эдик биз.

Ҳасса тутказувчи раҳбар топилди.

Муқаддас деб билган юмушимизга

Жон-дилимиз билан берилдик тамом...

Бугун айтмоқдалар: нопок йўллардан

Бошлаганди бизни у ёвуз раҳбар.

Ёзувчи

Басир кўзларининг очилиши бу.

Акбар

Кўзларимиз очик. Аммо ҳассага

Муҳтожмиз ҳамиша.

Сотволди

Ҳа, “тарки одат

Амримаҳол”, дерлар.

Акбар

Ҳассамизни биз

Йўқотиб қўйгандик. Оқибатини
Ўйласам, албатта, уйкум кочади!

Назир

Мунчалар ваҳима!

Ёзувчи

Недан қўркасиз?

Акбар

(газетани баланд қўтариб силкитади)

Анави денгизчи юрак-бағридан

Дохийлар сувратин шилиб ташлаган

Ўзига қасд этган не бўлди, ахир?

Сотволди

Эшитганман уни ҳалок бўлган, деб.

Акбар

Дохийлардан кечган, имонсиз қолган

Жамиятимизнинг ҳалокати ҳам

Муқаррар эмасми? Наҳот ўн йиллар

Бунёд этганимиз муқаддас бино

Қуламоқлигига сизлар розисиз?

Ёзувчи

Нима қилайлик биз, тарих ҳукми шу.

Акбар

Инсонлар-чи, инсон? Инсон ўлмайди.

Инсоният мангу. Имонсиз қолган

Инсонлар туради не дастур билан

Яна оёқ узра?.. Нечук яшайди?

Комил

(истеҳзо билан)

Кеча ҳассасини йўқотган авлод

Бугун ҳайиқмасдан янги замоннинг

Ҳаёт йўлларини очмоқ бўлади!

Акбар

(газабдан, беихтиёр бақиради)

Унингни ўчир сен, нонкўр, мунофиқ,

Орзу нималигини билмаган авлод!

(Ҳамма даҳшатда).

Собира

Адажон, унутманг: Комил – ўғлингиз!

Акбар

Менинг ўғлим ўлган!

Назир

Набирангиз бор!

Акбар

Набирам ҳам ўлган!

Ҳамма даҳшатда. Сукунат. Ёзувчи ва Сотволди шошиб
чиқиб кетади. Ўнгайсиз узок сукунат. Уни ташқаридан кел-
ган ваҳимали овоз бузади. Биз бу овозни таниймиз.



МАМАРАСУЛ БОБОЕВ

(1911–1969)



Таникли лирик шоир, дostonнавис Мамарасул Бобоев 1911 йили Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шахрида таваллуд топган. У ўрта мактаб тахсилдан сўнг Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумида ўқиди. Мамарасул Бобоев 1934–1938 йиллар орасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олди. У 1941–1946 йиллари

иккинчи жаҳон урушида катнашган.

Урушдан сўнгги йилларда Мамарасул Бобоев республика газета, журнал ҳамда радиоқўмитасида бўлим мудир, муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди. 1939 йилдаёқ “Улуғбек” тарихий достони билан эл назарига тушган шоир “Ватан шаънига” (1939), “Шодиёна” (1950), “Қуёш йўли” (1951), “Янгра рубоб” (1961), “Айни ёз” (1961), “Юрагимнинг айтганлари” (1963) сингари шеърый тўпламларини нашр эттирган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Мамарасул Бобоев Эроннинг шимолий ҳудудларида бўлган. Унинг “Эрон осмони остида” туркум шеърлари ана шу давр таассуротлари асосида яратилган. Хусусан, гилам тўқувчи болалар ҳаёти тасвирига бағишланган асарлари ўша йиллари шеърыйат мухлисларида катта кизиқиш уйғотган эди. Шоирнинг Ватан ҳамда ватанпарварлик мавзусида битган катор шеърлари ҳам мутлақо ўзига хосдир.

Мамарасул Бобоев забардаст таржимон ҳам эди. Унинг зукколиги туфайли жаҳон адабиётининг М.Ю.Лермонтов,

Н.М.Некрасов, Самад Вурғун, Қайсин Қулиев, Мусо Жалил, Огонес Туманян, Расул Ҳамзатов сингари буюқларининг сара асарлари ўзбек халқининг ҳам маънавий мулкига айланди. Демак, Мамарасул Бобоев ўз халқини дунё халқлари адабиёти дурдоналари билан ошно этишга катта ҳисса қўшган экан.

АНА ШУНДАН ГЎЗАЛЛИГИНГ ҲАМ...

Боғларингми, чиройинг, юртим,
Ё ранг-баранг хушбўй чаманзор?
Ё қуёшнинг ёруғ манзили—
Осмонингми очган ҳуснингни?
Ё тоғларинг чирой, азмими,
Мағрур қилиб безаган сани?
Шафтолилар, олмазорларнинг,
Гул фаслими, ё хирмоними?
Ёки тенгсиз, сўлим чиройин,
Ишқомларнинг хиёбоними?
Гўзаллигинг, юртим, камолинг —
Дарёларинг, ирмоқларингми?
Ёки порлок, ёруғ жамолинг —
Юлдузларинг, чироқларингми?
Булбул куйин кўп тинглаганман,
Боғларингда ой шуъласида.
Ҳуснинг балки булбулдай ёнган,
Ошиқларинг ашуласида?
Қайда чолғу майин янграса,
Юрагимни создай чаламан.
Ҳофизларинг ашула килса,
Гўзаллигинг шу деб, қоламан.
Юртимизнинг тупроғи гўзал!
Дўстларимдан кўп бор эшитдим,
Мен ҳам далангни кезганда ҳар гал,
Бу фикрни кўп қилиб ўтдим...

1956 йил

ОЛИМ

Дўст ва ўртоқ ҳаммаси англар,
Нечун элда зўр эхтиром,
Нечун бунча хурмат жаранглар,
Қайда унинг айтилса номи!
“Э, бормисан!” – деб ёппасига –
Қувонамиз пайдо бўлганда.
Шодлик, одам кийёфасида,
Ўрталикка кириб тўлгандай...
Кўк баргларга эрта тушган қор –
Каби кумуш сочи хурпайган,
Ёш кўзларга чўккан ўй, викор,
Улуғсифат бир чирой берган.
Бунча хурмат, унинг юлдузи,
Кўзга иссик бўлганигами?
Ё ҳаракат хулки ва сўзи
Акл билан тўлганигами?..
... Шам ёритар
Ва шу хизматда –
Сарф этади ёруғ нурини,
У ҳам фанда халқ хизматиға
Бағишлаган бутун умрини.

МАНГУ УМР

Эрталаб нонушта килар кампир, чол...
Патефон овози тинганича йўк,
Тахтада хилма-хил мева, каймоқ, бол,
Баридан бир ҳисса ейилганича йўк.
Қуюк нонуштада кампир билан чол,
Тиллари ҳазилдан тийилмас сира,
Силкинар кулгудан мош-гуруч сокол,
Кампир лаблари ҳам йиғилмас сира.
Талпинар бобога набираси шўх,
Чолу кампир хурсанд:
Ажойиб айём.
Шу шўх жигарпора соғ бўлса мудом,
Қаримайди улар, тугамайди, йўк,
Улар умри мангу этади давом.

ЗАФАР ДИЁР

(1912–1946)

Ўзбек болалар адабиётининг тамал тошини кўйиб, уни кичик шеърлар, дoston, эртак, ривоят, публицистик мақола, хикоя ҳамда лирик жанрлардаги асарлари билан бойитган шоирлардан бири Зафар Диёрдир. Бўлажак серкирра ижодкор Зафар Диёр 1912 йили Наманган вилояти Чуст туманининг Самсоктепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилади.



1916 йили унинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Бўлажак таниқли шоир мактабда ўқиди; шаҳардаги 7-болалар уйида тарбияланди. Ўрта мактаб таҳсилдан сўнг Зафар Диёр 1927 йилдан эътиборан Наримонов номидаги педагогика техникумида ўқий бошлади. Унинг илк шеърый машқлари техникум деворий газетасида эълон қилина бошлади. Техникум Самарқандга кўчирилиши муносабати билан Зафар Диёр шу шаҳарда яшади ва илк шеърларини яратди. Техникум хатмидан сўнг Зафар Диёр ўрта мактабларда ўқитувчилик қила бошлади ва 1933 йили “Кўшиқлар” китоби нашр этилди. 1934 йили Самарқанддан қайтган Зафар Диёр “Шарқ тонги” газетасида адабий ходим ва масъул котиб вазифасини бажаради. 1941–1946 йиллар эса, у ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасида ишлади. Бу орада Зафар Диёр Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди. Ана шу жараёнда шоир узлуксиз изланди, ижод қилди; кўплаб шеърлар, эртак, очерк, дostonлар яратди. Натижада “Машинист” (1936), “Тантана” (1938), “Шеърлар” (1939), “Муборак” (1940), “Бизнинг

куролинизм” (1941), “Бизнинг оила” (1942), “Совға” (1943) сингари шеърлий тўпламлари юзага келди. Бундан ташқари, турли йилларда Зафар Диёрнинг яна “Чаман”, “Асарлар”, “Сув билан суҳбат” ва бошқа китоблари ҳам чоп этилган.

Зафар Диёр ўзбек болалар адабиётида чинакам шодлик ҳамда Ватан куйчиси сифатида ўзига хос сўз ва овозга эга санъаткордир. Унинг барча ёшдаги болалар ҳаёти ва рухий кечинмалари, қувонч ва интилишлари тасвирига бағишланган “Ғунчалар”, “Капалак”, “Серкуёш ўлка”, “Яшна, Ватан” шеърлари янги ёзилгандай ўқиб келинмоқда. Шоирнинг “Сув билан суҳбат”, “Кичкина боғбон ҳақида достон”, “Юксак тоғ, кенг ўтлоқ ва мард ўртоқ ҳақида қисса”, “Кел, учайлик шимолга”, “Нега хўроз кичқирази тонггача?”, “Кичкина жангчи” асарлари, бир томондан, ёш авлодни мард, жасур, ватанпарвар, элсевар, бошқа халқларни ҳам ҳурмат қилиш руҳида тарбияласа, иккинчи томондан, касб-хунар эгаллашга, илм ўрганишга, табиатни авайлашга, меҳнатсеварлик, табиат неъматларини исроф қилмасликка, одамларга наф келтириб яшашга ундайди. Зафар Диёр шеърлари ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашга ҳамиша бирдай хизмат қиладиган сара асарлардир. Қишлоғида шоирнинг уй музейи бор, шу ердаги ўрта мактабга Зафар Диёрнинг номи берилган.

ГУНАФША

Гунафшахон, гунафша,
Кулишларинг чиройлик;
Боғимизда очилиб
Туришларинг чиройлик.
Ҳамма чиқар далага
Гунафшалар тергали;
Мен ҳам йиғдим бир даста
Опамизга бергали.
– Мана, опа, гунафша.
Қаранг, қандай чиройлик;
– Юринг, – деди, – опамиз, –
Гунафшалар терайлик.
Гунафшалар очилди,

Чакканга так, чакканга;
Атир хиди сочилди,
Чакканга так, чакканга.
Лаззат олиб хидидан
Боларилар учади;
Ипак қанот капалак
Барглари кучади.
Сени мактаб куйлайди
Боғ айланиб кушчалар:
Дарак бериб баҳордан
Қувонтирдинг шунчалар.
Кўксимизда хид сочиб
Туришларинг чиройлик!

КАПАЛАК

Ҳой, капалак, капалак,
Қанотларинг ипакдек;
Мунча шошиб учасан,
Тўхта сўзлайин андак.
Учратаман ҳар куни
Сени гўзал боғчамда;
Сўриб гуллар шарбатин,
Ўлтирасан олчамда.
Шошиб, дархол учасан;
Сира туткич бермасдан,
Гулдан-гулга кўчасан.
Мендан асло қочмагин,
Дўст биламан ўзимга;
Пилдир-пилдир учишинг,
Оҳ, ёқади кўзимга.
Уч, учабер, учабер,
Сира озор бермайман,
Севгим, фикрим ҳам сенда.
Капалакжон, капалак;
Қанотларинг ипакдек;
Дўст бўлайлик иккимиз,
Тўхта, силайин андак!

ВОСИТ САЪДУЛЛА

(1914–1986)



Замонамизнинг атоқли ғазалсаролари Ҳабибий, Анисий, Чустий, Бокийлар даврасида бўлиб, уларнинг ўғитларини олишга мушарраф бўлган Восит Саъдулла 1914 йили Андижон шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, бўлажак шоир Тошкентга келиб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. Беш йиллик таҳсилдан сўнг Восит Саъдулла дастлаб ўрта мактабларда она тили ва адабиётдан дарс беради. Кейинчалик Андижон давлат педагогика институтининг Ўзбек адабиёти кафедрасига ишга ўтиб, талабаларга адабиёт назарияси ва тарихидан маърузалар ўқийди.

Ижод майдонига иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда кириб келган Восит Саъдулланинг шеърлари вақтли матбуотда эълон қилина бошланди, алманах ва тўпламлардан жой олади. Шоир бармоқ ва аруз вазнида баробар ижод қилди. Унинг биринчи шеърый китоби 1939 йили “Гулла-яшна” номи билан чоп этилган. Шундан сўнг турли йилларда Восит Саъдулланинг “Оҳангдошлик”, “Гул фасли”, “Яркирок”, “Юз ғазал”, “Онажон” сингари ўнлаб тўпламлари, танланган асарлари китобхонлар қўлига тегди. Ўзининг барча жанрлардаги шеърларида шоир замондошлари рухий кечинмаларининг ранг-баранг қирраларини бадиий ифодалашга интилади; ғазалларида анъанавий шакл ҳамда бадиий-тасвирий воситалар орқали лирик қаҳрамоннинг

ички кечинмаларини ўйноки байтларда инъикос эттиришга эришади.

Юртимизда драматургия жанрини ғоявий тематик жихатдан ҳам, шаклий нуктаи назардан ҳам, энг муҳими, бадий маҳорат томондан ҳам тараққий эттиришда Восит Саъдулланинг алоҳида ўрни бор. Зероки, адибнинг биринчи драматик асари “Янги тўй” 1938 йили сахна юзини кўрган бўлса, кейинчалик “Эрк” (Султон Жўра билан ҳаммуаллифликда), “Хуросон юлдузи”, “Ихтиёрсиз муғомбирлик” сингари пьесалари республика ҳамда вилоят театрларида сахналаштирилган. Улар театр танқидчилигида юкори баҳоланган.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида Восит Саъдулла янада баракали ижод қилди. Турли йилларда шоирнинг бир неча китоблари, сайланмаси нашр қилинди.

Айни пайтда Восит Саъдулла замон билан ҳамнафас адиб сифатида кўплаб очерklar битди; ҳозирги адабиётимизнинг долзарб муаммолари хусусида кўплаб илмий мақолалар ёзди, баъзи адиблар ҳақида ижодий-биографик портретлар яратди. Шубҳасиз, булар адабиётимиз тарихини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маданиятимиз ва адабиётимиз ривожини йўлидаги хизматлари учун Восит Саъдулла “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган.

ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

(Устоз Уйғунга)

Бу қадар ижодга, шеърга хурматни
Берди табиати шоир замона.
Қай шоир ўтмишда кўрибди, айтинг,
Бундай азизлигу зўр шодиёна.

Ижод тўйин эмас, китобин кўрмай,
Ўлганларин айтсам сонсиз, саноксиз.
Навоийдан тортиб, Фурқатларгача,
Ўтганлар кам эрур сургун, қамоксиз.

Хамон кулоқларда Машраб ноласи,
Увайсий фарёди, Муқимий доди.
Улар ҳам тирилди бизнинг даврда,
Шеърый анжуманда сақланар ёди.

Шундай замондасиз, кўлга олиб соз,
Баҳор севинчларин шеърга солдингиз.
Эл билан тенг ўсиб, тенг қилиб парвоз,
Ижодга бир мактаб бўлиб қолдингиз.

Олди Усмондан то Эркинларгача
Шеърга хамиртуруш, хавосин сиздан.
Қуёш ўлкасида бундан кейин ҳам
Чикмас шоир сизни кечирмай кўздан.

Бағрингиздан кучиб, қутлуғлар бугун
Ўзал Украина сарин еллари.
Уфа йўлларидан келмоқда табрик,
Сиз севган Токтошдай очик диллари.

Бригадир Кариму Назир отанинг
Фарзандлари ҳозир элда қахрамон.
Ҳаёти шаҳардек ҳар бир кишлоқда,
Сизга мунтазирдир янги бир жаҳон.

Халқнинг тўйи бўлди ижод тўйингиз,
Бу шеър баҳорининг байрами демак.
Ҳар янги асарда қилган ўйингиз
Шеърят қасрига чинакам безак.

Тетиклик бағишлар юрт берган қалам,
Кўлингиз кўрмайди ҳассани бутгул...

ИСТАСАНГ

Лоладек кистир кулоғингга сўзим, ёр, истасанг,
Сирри асрор айтайин, гар мендан изҳор истасанг.

Чўлу сахрога чиқаргин сув – хаёт, шартим шудир,
Шунда сенга мен бўлай, элда вафодор истасанг.

Шундай иш қил, келсин элга яхши номингдан ғурур,
Васли озорига бардош айла, дилдор, истасанг.

Парда қил, қалбингни черт, жондан муҳаббат торини,
Гар висол чоғида сен мардона – гулёр истасанг.

Сувда аксим сув париси, кўкда аксим ой эрур,
Кўкка бок, дарёга боргил, мен шу бедор, истасанг.

Кўз эмас, аклинг югуртир, сен хаёт мазмунига,
Жўр бўлиб давр авжига куйлашни ҳар бор истасанг.

Ҳар баҳор, Восит, муҳаббат боғига ўтказ ниҳол,
Ёру жоннинг билан гар сайру гулзор истасанг.

1943 йил

РЎМОЛЧА

Саклагайман боргунча бу эсдалик рўмолчани,
Минг ўсар кўрганда кўнглим кашталиқ рўмолчани.

Тебранар олсам шамолда жонлидай япроқлари,
Ёр юборган тухфаси гулдасталиқ рўмолчани.

Ёдланур кўрсам Наманган боғида юрганларим,
Севгилар ҳар чокидан пайвасталиқ рўмолчани.


Уйқу келмас кўзларимга кўрмасам бир ҳар кеча,
Меҳри тушган жангда дилга шунчалиқ рўмолчани.

Кўмсаганда нозанин ёримни дил таскин топар,
Бир нафас кўксимга кўйсам хасталик рўмолчани.

Ёр, рўмолчанг мен билан килди саёҳат неча йил,
Сўзласам тарихи бор бир қиссалик рўмолчани.

Умрим ичра саргузаштим йўк рўмолча кўрмаган,
Сакла, Восит, меҳри ишқ орасталик рўмолчани.

1953 йил



ЗУЛФИЯ

(1915–1996)

Атокли шоира, жамоат арбоби, халқаро мукофотлар соҳибаси Зулфия (Исроилова) 1915 йили Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Мактабдаги таҳсилдан кейин бўлажак машҳур шоира Зулфия аввал хотин-қизлар педбилим юртида, сўнгра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқишни давом эттирди; Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт



илмий текшириш институти аспирантурасини тугатди. Бир шеърийат базмида Зулфия опа билим юрти ва пединститутда зуллисонан олим, шоир Ҳакимжон Ҳомидийдан адабиёт бўйича сабоқ олганликларини таъкидлаган эдилар.

Ўтган асрнинг 40–50-йилларида республика нашриётларида муҳаррир, бўлим мудирини бўлиб ишлаган Зулфия кейинчалик “Ўзбекистон хотин-қизлари” (ҳозирги “Саодат”) журнаliga ишга ўтиб, бўлим мудирини, бош муҳаррир (1953–1980) лавозимларида ишлади. Зулфия жамоатчилик ва журналистик фаолиятини муттасил тарзда поэтик ва публицистик ижод билан узвий боғлаб олиб борган забардаст санъаткордир. У умри давомида “Ҳаёт варақлари” (1932), “Қизлар кўшиғи” (1938), “Уни Фарҳод дердилар” (1942), “Ҳижрон кунларида” (1944), “Далада бир кун” (1953), “Тонг кўшиғи” (1953), “Юрагимга яқин кишилар” (1958), “Куйларим сизга” (1965) сингари кўплаб китобларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди. Ушбу китобларга кирган асарларда шоира, бир томондан, заҳматкаш халқимизнинг барча жабҳалардаги

фидокорона меҳнатини, лирик қаҳрамон руҳиятини тас-
вирласа, иккинчи томондан, жонфидо ўғлонларимизнинг
иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги қаҳрамонликларини
мадҳ этган, жаҳон афкор оммасининг фашизмга қарши ғазаб
ва нафратини ифодалаган.

Маълумки, Зулфия 1956 йили Дехлида ўтказилган Осиё
ва Африка ёзувчиларининг биринчи халқаро конференци-
ясида иштирок этди ҳамда ўзининг машҳур “Мушоира”
манзумасини яратди. Асарда шоира дунё халқларининг
ҳамкорлиги-ю дўстлиги, умумбашарий ғояларни юксак по-
этик жўшқинликда ифодалай олганлигини ўша йиллари
жаҳон илм-адаб аҳли яқдиллик билан эътироф этишганди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Зулфия забардаст публи-
цист ҳам эди. У “Сўроқлайди шоирни шеърим”, “Ойдин”,
“Қуёшли калам” сингари асарларида замонамиз алломалари
Ойбек, Ҳамза, Ойдин ҳамда Ҳамид Олимжонларнинг нурли
сиймоларини яратди. Зулфия бир неча халқаро мукофотлар
совриндори ҳамдир.

Зулфия таржимон сифатида ҳам адабиётимизни янада
бойитишга муносиб улуш қўшган. У жаҳон халқларининг
Вера Инбер, Леся Украинка, М.Ю.Лермонтов, Эди Огноц-
вет, Марварид Дилбозий, Амрита Притам сингари шоир-
ларининг асарларини ўзбек тилига ўгирди. Айни пайтда,
шоира асарлари рус, ҳинд, хитой, немис, инглиз, болгар
ва бошқа тилларга таржима қилинган. Тошкентнинг гўзал
гўшаларидан бирида шоира ҳайкалининг ўрнатилиши
ҳамда иқтидорли қизлар учун Зулфия номидаги республи-
ка Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги шоиранинг
ҳамиша халқимиз ва давлатимиз ардоғида эканлигини
кўрсатади. Ўзбекистон Халқ шоири Зулфия республика
Давлат мукофоти совриндори, бир неча орден ва медаллар
соҳибидир.

СОҒИНИБ

Шу кунларда баҳорга зорман,
Навжувонлик ўти танда йўк.
Куз сингари заъфар рухсорман,

Мевалар ҳам шохлардан узук,
Шу кунларда баҳорга зорман,
Танхасталик эзади руҳим,
Танҳо эмас, қаторда борман,
Яна мени излайди суқим.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгил.
Яхшиямки, қаламга ёрман,
Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби бемисол.
Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман,
Ё нўноқ кўл бутаган ниҳол,
Шу кунларда баҳорга зорман...

БАЛКИ...

Кўзингда чакмокка ўхшаш ўтли нам,
Рангинг синикиши лаб титраши сир.
Балки ҳисни бўғиб, ироданга жим,
Ёлворасан, куч бер, бўлмай деб асир?

Кўмиб юбормокчисен, сен тул ёшлигинг,
У – фақат яшнашга қодир табиат.
Балки бахт бекаси атаган кишинг –
Руҳи ҳам истамас хазонинг бевакт?

Билсанг, дарахтни синдирар бўрон,
Ниҳол бўлса, яна ўсар гуркираб.
Балки, йўқ таъналар, андиша гумон,
Бахтга ҳақинг ютар, дилинг зиркираб?

Ярим тақдир гўё синик кўзгумиш,
Ҳаёт тақозоси бахт бекамликдир.
Балки тўққиз гулинг билмасдан сўлиш,
Пок ҳиснинг амрига кирмак керакдир?

МЕН ЎТГАН УМРГА

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса, телбача суйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан килмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқталаб унда ҳар сабоқ.
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иззат нима – билдим.
Шу-да бир яшаш!...

ҚАЙДА ЎЗ СЕВИНЧИМ?..

Ўқилмаган мактуб,
Тақилмаган зийнат
Нодаркорлар ичра ётар кесакдай,
Узокрок,
Хилватроқ кунжакка ирғит,
Нақ жарроҳ пичоғи – кайфинг кесардай!
Шундай ҳам нобутун кўксинг қўйсин тинч!
Тухфалардан баланд,
Синчковликка ёт,
Севинч!
Қайда ўша қайтмовчи севинч?
Қўлга тутолмагум бебаҳо бисот!

ҲАКИМ НАЗИР

Атокли адиб, серқирра ижодкор, ҳам болалар адабиёти, ҳам катталар адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшиб келган Ҳақим Назир 1915 йил Тошкентда қосиб оиласида дунёга келган. Дастлабки таълимни онаси Малика отиндан олган Ҳақим Назир ўсмирлигида пойафзал фабрикасида ишлаб, кечки ишчи ёшлар мактабида ўқиган. Ўрта мактабни битиргач, Ҳақим Назир Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган; 1954 йилда Москвадаги Олий адабиёт курсини тугатган. Илк меҳнат фаолиятини ишчи сифатида бошлаган Ҳақим Назир узоқ йиллар давомида республика болалар матбуотида, радиоэшиттириш қўмитасида, нашриётларда, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида муҳаррир, бўлим бошқарувчиси, бош муҳаррир, адабий маслаҳатчи ва бошқа вазифаларни адо этди. Қайси вазифани бажармасин, адиб муттасил ижод қилди. Натижада, илк китоби “Қишлоқдаги жиянларим” (1948) дан бошлаб “Беш баҳо”, “Чўл хавоси”, “Яхши ном”, “Мени танийсизми?”, “Али билан шер”, “Болажонларим”, “Бир оғиз сўз”, “Кўкорол чироклари”, “Ёнардарё”, “Тохир-Зухра киссаси”, “Дадамни топиб беринглар”, “Кенжатой”, “Лочин қанотлари”, “Одамнинг кадри”, “Шошилич телеграмма” сингари 50 дан зиёд асарлар яратди. Адиб қайси мавзуда ва жанрда ижод қилмасин, уларда қишлоқ меҳнатқашларининг, болалар ва ўсмирларнинг илм ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш, Ватанни обод қилиш, табиатни асраб-авайлаш, юксак



ахлоқ-одобни тарғиб этиш ғоялари; кичикларга шафкатли, катталарга ҳурмат, мурғак қалб орзу-интилишлари тасвири диққат марказида туради. Ёзувчи ўзбек болалар драматургияси ривожига ҳам муносиб улуш қўшган. Унинг “Чиранма ғоз, хунаринг оз” драмаси узок йиллар Республика Ёш томашбинлар театрида намойиш этилди.

Кўплаб қисса, хикоя ҳамда романлар муаллифи Ҳаким Назир кейинги йилларда баракали ижод қилди. Ёзувчининг “Ок фотиҳа ёки болалик саргузаштларим”, “Ёдимдасиз, азизларим” саргузаштлари кенг китобхонлар оммаси томонидан яхши пешвоз олинди. Кичкинтойларга аталган бир туркум хикоялари лотин алифбосида “Эркатойларим” (2003) номи билан нашр этилган. Ҳаким Назирнинг Республикамиз адабиёти ҳамда маънавияти равнақи йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг “Танланган асарлари” Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлган; 1984 йили унга “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилган; 2000 йили эса, адиб “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.

СУЮНЧИ

Хикоя

Тойир билан Зойир мактабга бораётиб, йўлдан даст-рўмолга ўроғлиқ нарса топиб олишди. Очиб қарашса – пул экан. Унча-мунчамас, тагин... “Нима қиламиз буни-а?” дея шериклар ҳайрат ичида бир-бирларига бақрайишди.

– Эгасини топиб топширишимиз керак, – деди Тойир.

– Э, қаёқдан топардинг эгасини! – деди қўшилишмай Зойир.

– Ундан кўра-чи, бу ўлжа пулга бир нарса олишимиз керак.

– Нима олардинг?

– Анув болалар магазинига борсак, бир нима топармиз. Ҳа, унда велосипедлар бор. Битта чиройлигини олсак, шерикчиликка мазза қилиб миниб юрардик-да.

– Э, бўлмайди! – деди Тойир катъий қилиб.

Мактабга бориб, дарсда ўтирганларида ҳам шивир-шивир қилаверишди-ю, ўқитувчи опаларидан гап эшитиб олишди. Танаффус вақтида Тойир бўлган воқеани ўқитувчига айтиб берувди, ўқитувчи сергак торти-да:

– Нима килмоқчисизлар бу пулни? – деб сўради.

Тойир Зойирга айтган гапини қайтарганди, ўқитувчи:

– Ҳа, албатта, эгасини топиб топшириш керак, – деб маъқуллади.

Ҳозирча эса бу пулни маҳалладаги чойхонага обориб бериб туришни маслаҳат кўрди.

Болалар дарсдан қайтишда шундай қилишди. Самоварчи йигит “баракалла” айтиб пулни олиб қоларкан, эртага унга бир учрашиб ўтишларини буюрди.

Самоварчи чойхонага келиб турадиган мижозларини беш кўлдай биларди. Айниқса, кунига пешин намозидан чиқиб, чойхўрлик қиладиган қарияларни азиз меҳмонлардай иззат-икром билан кутарди, жон-дилдан хизмат кўрсатиб, дуоларини оларди. Негадир, бугун шу отахонлардан ўзининг қувноқ-хушчаққалиги билан ажралиб турадиган Ғафур оқсокол келмаганди, самоварчига ҳам, қарияларга ҳам ўрни билинди. Бир-бирларидан уни суриштираётганди, Ғафур ота кириб келдию ҳаммаларининг чеҳралари ёришди. “Нучук камнамосиз, оқсокол? Намозда кўринмадингиз?” – дея сўроққа тутишди. Ғафур оқсокол хомушроқ кўринди. “Ҳа, баҳай, саломатлик жойидами?” – деган саволга: “Жойида!” – деб калта жавоб қилди. Унинг товушида авзойида пича қарахтлик сезилиб турарди. Чекка-чеккадан: “Нега дамингиз паст, оқсокол, сабабини билайлик, ахир?!” – деб кисташаверувди, оқсокол:

– Нимасини айтардим, – деди кўнглидагини очишга мажбур бўлиб, – арзимаган бир ишқал чиқиб, шунга алаҳсиб колдим-да...

– Нима ишқал экан?

Ғофур ота очиғига кўчди: эрталаб почтадан нафақа пулини олган. Бир нима харид қилишни кўзлаб магазинга борган. Шунда ҳамёнини қовласа, пули чикмаган. Ҳайратга тушганча, у ёқдан-бу ёққа юриб пулини қидирган.

– Нима харид қилмоқчийдингиз, оқсокол?

– Қиз набирам неча йил тирноққа зор бўлиб, яқинда фарзанд кўрувди. Шу эварага тузукроқ бир совға ҳарид қилишни маслаҳатлашувдик катта бувиси билан...

– Бўлар иш бўлди, бош-кўзингиздан садақа. Ҳамон зарур бўлса биз сизга пул бериб турамыз, – деб уни юпатди хамроҳларидан бири. Қариялар олдига чойнақда чой, патнисчада нон, канд-курс келтириб қўяётган самоварчи йигит Ғофур отанинг сўзини эшитаркан, қулоғи динг бўлди.

– Нима, нима, отахон, пул йўқотдим дедингизми? – деб унга тикилди.

Чолдан пули қанча бўлиб, қачон, қаерда йўқотганини англаб олди. Илдамлик билан самовар ёнидаги столда турган рўмолчага ўроғлик пулни унинг қўлига тутқазди.

– Мановини кўринг-чи...

Ғофур ота дастрўмолни ёзди, ичидаги даста пулни апилтапил санади-ю, ҳаприққанича:

– Тўққиз юз! Худди ўзи-я! Муни каттан топдинг, ўғлим? – деб юборди.

– Топган менмас, болалар. Кўчадан топиб келишиб, эҳтиётдан менга ташлаб кетишувди.

– Қаердайкин ўша барака топкурлар, бир кўришим керак! – деди чол ҳаяжон ичида ва болаларнинг турар жойларини суриштирди. Самоварчи:

– Улардан биттасини танидим – Тойир деган бола, паст кўчада турадиган Раззоқ сўфининг набираси. Ёнидаги қўшниси экан. Қидириб овора бўлманг, отахон. Эртага улар мактабдан қайтишда менга учрашишади, ваъдалашганмиз, шунда кўрасиз, – деб тинчлантирмоқчи бўлди. Ғофур ота тинчланмади. Ҳозир бормоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди.

– Ҳа, оксоқол, тезроқ атаган суюнчингизни бериб, жужукларни хурсанд қилмоқчимисиз?

– Жужуклар суюнчиси ўз йўлига-ку. Шундоқ болажонларни етиштираётган ота-оналари, устозларигаям атаган алоҳида суюнчиларим бор – дил сўзларим...

ИСҲОҚ ЎКТАМ

(1915–2002)

Ўзига хос тил ва услуб соҳиби, шоир ва драматург Исҳоқ Ўктам 1915 йили Қўқоннинг Оқмачит қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Бўлажак адиб ўрта мактаб хатмидан сўнг Тошкентга келиб Низомий номидаги педагогика институтининг Тарих факультетида ўқиган. Узоқ йиллар давомида Исҳоқ Ўктам Республика вазирлар маҳкамасида турли масъул вазифаларни адо этган; Республика радио эшиттириш кўмитаси, Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, журналлар таҳририятларида ишлаган.



Исҳоқ Ўктамнинг асарлари 1940 йилдан Ўзбекистоннинг турли вақтли матбуот нашрларида эълон қилина бошланди. Адиб кўплаб очерк ва ҳикоялар муаллифидир. Унинг айрим пьесалари Республикамиз театрларида, ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган. Драматургнинг “Дўстлар сўзи”, “Бир тўй тарихи”, “Чўл осмони остида”, “Виждон бурчи” асарлари ўтган асрнинг 70-йилларида кенг илм-адаб аҳлининг эътирофига сазовор бўлган, драматургиямиз тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилган.

Бадий очеркнавис ва драматург сифатида қалам тебратган Исҳоқ Ўктамнинг “Пьесалар” (1960), “Сув товуши” (1972), “Ҳикоялар” (1975) сингари қатор китоблари чоп этилган. Айрим пьесалари кардош тилларга таржима қилинган ва нашр этилган.

ТАҚДИР

Ҳикоя

– Мен айтмоқчиманки, – дерди Асатилло ака, – тузуккина, ўзимизга муносибгина жойдан Набижонга қиз топсак, хўп деса, унашиб қўйсак, ҳар иккиси балоғатга етгунча, куда-андачилик килиб юрсак. Бу дунёнинг лаззати ҳам шу-да, хотин!

– Бу фикрингиз чакки эмас дадаси... – деди Марямхон опа. Шунда Асатилло аканинг чехраси ёришиб, юрагидаги гапни айтди.

– Хўш, кимга оғиз очсак экан-а?..

– Ўйлаб кўринг-да, – деди Марямхон опа, – кўрган-кечганлардан биронтасининг..

– Бу, Имомали ака қандай бўлар экан? Хотини яқинда киз туғди-ку.

– Қўйсангиз-чи, ўшани, – деб чимирилиб қўйди Марямхон опа, – хотинининг жағи очик. У билан куда бўлиб, кейин ҳар куни юлишиб ўлайми?

– Нишонбой-чи?

– Асло одам танимадингиз-танимадингиз-да, дадаси, хотини сувга тушган нондек бўшашмай қолсин. Келиб-келиб ўшанга куда бўламлими?

– Унисини ундок, бунисини бундок десанг, ким ёкади ўзи сенга?!

Марямхон опага ҳеч ким ёқмасди: бирини “уришқок”, бирини “зоти паст”, бирини “кекқайган”, бирини “қаққайган” деб эрининг сўзини қайириб ташларди.

Хотинининг инжиклиги жонига теккач, барини қоқди-да, чойхонага чиқиб кетди. Лекин хаял ўтмай қайтиб кирди.

– Кўчага чиксам, Тўхтасиннинг оғзи қулоғида, ҳозир хотиним кўзёрди дейди.

– О, бечора Асалхонай, хайрият, эсон-омонгина қутулиб олибди... жудаям барно хотин-да, ўзиям қуданг бўлса, ана шу Асалхондакангиси бўлса экан, армонда кетмас эдинг киши... Ҳай, айтганча, нима туғибди?

– Қиз, қизалок, – деб жавоб берди Асатилло ака.

– Вой, асл муддао-да. Йирокнинг фироки курсин. Мана, куда ҳам олдимиздан чикиб кўя қолди. – Марямхон опа негадир ўйланиб қолди. – Зор қолсин, бисоти бизчаликмас-да.

– Ҳе, бисот дейсан, кўзинг қачон бисотга тўяди, нима, унинг бисотини олармидинг?! Ўзи, қизи яхши бўлса бас-да!

– Шунақа-ю, аммо орзу-ҳавас деган нарса ўз-ўзидан бўлармиди?! – деди Марямхон опа.

– Ҳаркалай, Асалхоннинг дилбарлигига учмасак, нима-си ҳам бор уларнинг... Айтмоқчи, “хўп” дейишармикан?

– Ҳе, хотин, бизга хўп демай, кимга хўп дейишарди. Ҳа, ундан кейин “хўп” дейиши ҳам ўз-ўзидан бўлади дейсанми, – деб уқтириб кетди Асатилло ака. – Бир-иккитасига, бундакасига ишим тушмаганиданми, ақлим ётинқирамай турибди.

– Вой отаси, намунча ховлиқмасангиз?! Беш кечаси бор...

– Борди-ю, ройиши бўлса-чи, бешиктўйига шўппайиб бораверасанми?– деди Асатилло ака.

– Бу ёғини ўзимга қўйиб бераверасиз...– деди Марямхон опа.

Шундай қилиб, Марямхон опани ғам босди. Ишни қаердан бошлашини билмасди. Бўлажак қуданикига битта кўйнинг ўзини етаклаб бориш қанақа бўларкин? Ахир, сарпо, дастурхонга мева-чева...

Асатилло акалар билан Марямхон опалар бир ҳафтадан кейин зиёфатга таклиф қилинди. Дастурхон анвойи таомлар билан безатилган. Тўхтасин билан Асалхон фарзанд кўришгани, Марямхон билан Асатилло ака фарзандлари Набижонга муносиб қайлиқча топиб “бешиккerti” қилганлари учун мамнун эдилар.

Шундай қилиб, Асатилло ака билан Марямхон опанинг муродлари ҳосил бўлгандай эди. Вақти ғаниматда Қундуз бахши билан Шаҳри отинлар ўйнаб юрган Набижонни судраб келишиб, эндигина бешикка солишган Тўтихонни “қулоқтишлар” ҳам қилишди.

Марямхон опанинг ошикиши чексиз эди. Тўтихон, Набижонлар тезроқ ўсиб-улғая қолишса-ю, иккисининг бошини ковуштириб қўя қолишса. Кейин пар ёстикқа ёнбошлаб: “Ҳой келин, ховли шипир, кир юв, ўринни йиғ, нонушта келтир, овкатни пишир”, – деб хуморидан чиқса...

Марямхон опа неча бор Асалхонга “ўзимиздан киёс, ўргилиб кетай куда, қизингиз ўкиб рўзғор терватармиди, киз боланики битта болалик бўлгунича-да” деб шама қиларди.

Аммо Тўтихон ҳам, ота-онаси ҳам ўқишни давом эттириш тарафдори эдилар. Бир кун Асатилло ака:

– Ҳе, Тўхтасин, сенда тутурик борми ўзи? – деб қисувга олиб қолди.

– Қизимни ўқитмоқчиман, вассалом! – Тўхтасин ўз сўзида туриб олди.

– Ҳали шундай денг...

– Ҳа, шундай.

Асатилло ака билан Марямхон опалар ўғиллари Набижонни алла болам, ёғли кулчам қилиб, кўлини совук сувга ҳам тегизишмай “тарбиялашди”. “Қўявер, ўкиб шаҳар олиб берармидинг?” деб, мактабга боряптими, йўқми, кизикишмади.

– Битта-ю, битта боламиз, – дерди Марям опа, – кимсан, Асатилло омборчининг ўғли битта нонга зор бўлиб қолармиди, худо берган мол-дунёмиз етти пуштимизга етади.

Набижонга ота-онанинг берган “эркинлиги” ёғдек ёкиб тушарди. Унинг чўнтагидан пули аримасди. Чойхонада чойхўрлик, ошхўрлик қанда қилинмасди. Қўлига китоб олса уйқу босиш дардига мубтало бўлган Набижон, Тўтихонга тупроқда юрган қарғанинг изига ўхшатиб хат ёзиб турарди. Аммо бирор марта жавоб хати олмасди. Набижон сўнгги хатида “муҳаббат” ўтида куйиб ёнганини изҳор қилиб “Тўтихон, Ширин деган ҳам Фарҳодини шундақа ёндириб, куйдириб юраверадими? Шахло кўзингни, қалам қошингни ўйлай-ўйлай Мажнун бўлаёздим-ку. Одам ҳам шунчалик берахм бўладими? Қулоғингизни тишлаганимиздан бери шунча йил ўтиб кетибди. Наҳотки, икки лукма ширин сўз эшитолмай, икки элик хатингизни ўкиёлмай, олмақоқидек қуришиб кетяпман. Э, ўша илмингдан ўргилдим...”

Олдинлари Марямхон опа Асатилло ака “тақдирга тан беришиб”, ўзларини ўзлари юпатиб юришди. Нега деганда, Тўтихондан айнаб, бўлак кизга унаша қолайлик-да, дейишадиган бўлса, Асалхон, Тўхтасин билан қудачилиги эл-юртда оғизга тушиб кетган.

Шу “орзу-ҳавас” деб Марямхон опа бисотидан ажралаёзди. Шу вайдан тишини тишига қўйиб, Тўтихоннинг институтни битириб келишини кутишадиган ҳам бўлишди. Аммо Тўтихон ҳар гал келган-кетганда рўйихушлик бермас, Набижонга, Марям опага ақалли тил учида бўлса ҳам саломатлик тилаб қўймасди. Бунга улар:

Қиз бола, шарм-хаёли, андишали. Шу сабабли уялса керак, – деб ўзларига ўзлари тасалли беришарди.

Бу орада йигирма уч йил ўтиб кетди. Икки “қуда” ўртасида озмунча ҳангомалар бўлмади дейсизми?

Қўйинг-чи, Тўтихон билан Набижоннинг юлдузлари бир-бирларига тўғри келмади. Чунки Тўтихон илм тагидан кетди. Набижон эса, ота-онасининг каноти остида нур тегмай сарғайиб, нимжон бўлиб ўсди. Узоқ районлардан бирига ўқитувчи бўлиб кетган Тўтихон ўша ёқдан онасига “Ойи-жон, мен бахтимни топдим” деб хат ёзди.

Бу воқеа Асатилло акалар оиласида зилзилага сабаб бўлди. Марямхон эрини, униси бунисини койишди. Ўғил бечора бўлса “Сенларнинг Тўтихонинг деб, мен ажойиб кизлардан курук қолдим” дея бошига уриб йиғларди.

– Яна тақдир дейсизлар-а, – деди бир кун Набижон, – ҳе, ўша ўт тушган тақдирларингни!..

Мана шунда у ҳар киши ўз тақдирини ўзи белгилашини билди. Ўқишга қўнғил қўймаганлиги, “Отам топган мол-дунё меники-да”, деб меҳнатдан чўчийдиган бўлиб қолганига минг бор афсус чекарди Набижон. У ғишт қолипдан кўчиб қолганлигини эслаб, руҳан эзилар, азоб чекарди. У келажаги порлоқ кизга ҳавас билан қарарди.

Унинг қалбидан эскилик қолдиғига нафрат ошарди. Лекин... шу лекин Набижоннинг тишига тегарди.

Мана шундай қилиб, у бундан йигирма уч йил бурун қулоқ тишлаганича қолиб кетаверди.

ЁНҒИН МИРЗО

(1917–1990)



Машхур шоир, таниқли журналист ва драматург Ёнғин Мирзо (Худойберган Мирзаев) 1917 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Тўлиқсиз ўрта мактаб таҳсилдан кейин бўлажак ижодкор Ёнғин Мирзо дастлаб техникумда, кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқишини давом эттирди. Таҳсилни тугатгандан сўнг, Ёнғин Мирзо узоқ йиллар ҳозирги “Тонг юлдузи”, “Ўзбекистон овози”, “Ўзбекистон маданияти” газеталари, радиоэшиттиришлар кўмитасида турли лавозимларда ишлади. Адибнинг илк шеъри 1933 йили болалар газетасида эълон қилинган. Шундан сўнг унинг асарлари республика газета ҳамда журналларида мунтазам чоп этиб борилди; шоир ранг-баранг жанрларда, турли хил мавзуларда ижод қилди. Натижада иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ёзувчининг шеър, хикоя ҳамда очерклари “Менинг Ватаним”, “Бригадир”, “Қахрамонларимиз” сингари китобларида жамланган. Асарларининг номлариданок уларда ватанпарварлик, халқимизнинг яратувчанлик меҳнатида кўрсатган жасорат акс эттирилгани кўриниб турибди.

Шундан сўнг шоирнинг ранг-баранг мавзулардаги шеър ва кўшиқларини ўз ичига олган “Ўғил муҳаббати”, “Севги – менинг романтикам”, “Мафтунингман”, “Муқаддас калом” сингари тўпламлари нашр этилди. Демак, шоирнинг кўплаб шеърларига республикамизнинг таниқли оҳангсозлари куй

басталаб, улар атокли хофизларимиз ижросида кенг халк омасига етказилган. Шунинг учун ҳам, ўша йиллари эл орасида “Ёнгин Мирзо – кўшикчи шоир” деган гап тарқалган эди.

Республикамиз драматургиясининг инкишофида Ёнгин Мирзонинг ҳам ўз улуши бор. Зероки, адиб бу жанрнинг турли кўринишларида кўплаб асарлар яратган. Драматургнинг “Севгини деб”, “Ғунчалар очилгунча”, “Бахт”, “Чавандозлар”, “Алмосотин”, “Бургутча”, “Зилола” каби асарлари бир неча йиллар давомида республика ҳамда вилоят театрлари сахналаридан тушмай келди.

БУХОРО

Қанча чинор дарахтин –
Умрин кўрган дарёсан.
Халким чеккан кулфатин
Шоҳидисан, ёдгорсан!
Заъфарон бўлди юзлар...
Кулбаларнинг чангидан,
Юракларнинг зангидан,
Тун эди, кундуз-сахар!
Торобий, Ибни Сино –
Ўғилларинг, Бухоро,
Эрк деб бўлган дарбадар.

Эй Бухоро,
Оҳанрабо,
Ҳавасларни торта бер.
Топиб камол,
Очиб жамол,
Чиройдан сен орта бер.
Тонгдек нурланди замон
Халк жасоратидан.
Хушнуд бўлди ҳар инсон
Қуёш ҳароратидан.
Ўзингга бериб оро,
Доно шаҳар, хур шаҳар
Қад кўтардинг, Бухоро

Бахтидан мағрур шаҳар...
Дилларга кириб кўклам,
Севинчдан киприкда нам,

Битмас бахт ҳикояси.
Халқинг яшар зиёда.
Пахта, ипак, корақўл...
Бойликларинг мунча мўл,
Довруғинг зўр дунёда!
Эй Бухоро,
Оҳанрабо,
Ҳавасларни торга бер.
Топиб камол,
Соҳибжамол,
Чиройда сен орта бер!

СЕН УХЛАГАНДА....

Мен заводдан қайтганда оқшом
Ором олар болишда бошинг.
Бахтли кўзим, мен ўйлаб боқсам,
Икки баҳор кўрибди ёшинг.

Сен ухлайсан тинч, фароғатда,
Тамшанасан, куласан майин...
– Ўғлим умри ўтсин роҳатда!
Шунинг учун ишлай тинмайин.

Сен ухлайсан, келажагинг-чун
Пўлат қуяр кенжа Бекобод.
Олис-олис ерларда бу тун
Инсон чўлни этади обод.

Сен ухлайсан, аммо пахтакор
Ғўзасига сув берар шу чоқ.
Сенга қўшиқ тўкир бастакор,
Шоир шеър ёзади уйғоқ.

Сен ухлайсан, аммо Марғилон
Сенга атаб тўқийди шоҳи.
Чегарада бедордир посбон,
Бахтинг асрар сезгир нигоҳи.

Фарҳод ГЭСда балкимокда нур,
Томирларга оқар кон бўлиб.
Тегирмонда тортилар бугдой,
Пиширлар ширмой нон бўлиб.

Сен ухлайсан, Ватан ухламас,
Тунда сўнмас меҳнат машғали.
Тўйиб ухлаб, ол эркин нафас,
Оппок тонгга фурсат бор хали...

Ширин ўғлим, фароғатинг деб,
Сахар кетиб оқшом қайтаман.
Сенинг порлок гул ҳаётинг деб,
Халким барпо қилмоқда чаман.

1948 йил

ТЎРТЛИКЛАР

Лабингда табассум ғунчасин кўрдим,
Юзингда ширмой нон кулчасин кўрдим,
Куралай кўзингда чарос акси-ю,
Тошкентнинг ой чиккан кечасин кўрдим.

* * *

Икки нарса бир-бирига абад йўлдошдир,
Бири тиғдор аёз бўлса, бири куёшдир.
Ҳаёт билан ўлим умр тарозусининг
Палласида тортишувчи иккита тошдир.

* * *

Поёни йўқ ишкни дарё деб бўлмас,
Кундан дилга тушган зиё деб бўлмас.

Гул ҳам эмас, гавхар эмас – ишк тенгсиз!
Ширинлигин тунги рўё деб бўлмас.

* * *

Бир улфатсиз ушатмайман дастурхондан нон,
Ёлғизликдан захар ютмоқ мен учун осон!
Севинчи ҳам, ҳасрати ҳам, садоқати ҳам
Қалбга кирган, уйимда ҳам хамиша меҳмон.

* * *

Чин инсоннинг хусни бўлар кўздан йирок,
Юзи эмас, ақли бўлар қалбга чирок,
Денгиз хусни – кўпик ўчар, тубидаги
Уюм-уюм инжу-хусн яшар бирок!



ТУРОБ ТЎЛА

(1918–1990)

Нозиктаъб лирик шоир, дostonна-
вис, драматург, жамоат арбоби, талаб-
чан ношир Туроб Тўла 1918 йили кўшни
Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига
қарашли Турбат қишлоғида деҳқон ои-
ласида туғилди. Ўрта мактаб хатмидан
сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика институтининг Ўзбек тили
ва адабиёти факультетида (1935–1941)
таҳсил кўрди. Олий ўқув юртини ту-
гатгандан сўнг Туроб Тўла “Ўзбекфильм”да бўлим мудир,
Ўздавнашрда муҳаррир, Республика Киночилар уйининг ко-
тиби, санъат ишлари бошкармасининг бошлиғи, Ўзбекистон
ёзувчилар уюшмаси қошидаги Адабиёт тарғиботи маркази-
нинг бошлиғи вазифаларида ишлади.



Жамоат ишларини узлуксиз ижодий ишлар билан
боғлаб олиб борган Туроб Тўла ўзидан кейин улкан ме-
рос колдирди. Улар орасида бокира шеърлар, публицистик
мақолалар, пьесалар, сценарий, опера ва балетлари мавжуд.
Туроб Тўланинг илк шеъри 1939 йили эълон қилинган бўлса,
иккинчи жаҳон уруши йилларида “Шодлигим” (1941), “Та-
бассум” (1944) тўпламлари нашр этилди. Улардаги аксари-
ят асарларда шоир ўзбек халқининг мардлик, жасоратини,
душманга қарши ғазаб-нафратини ифодалаган. “Бахт тон-
готари”, “Сенинг ҳақингда”, “Қанот қоқинг, кўшиқларим”,
“Нафосат”, “Камалак” тўпламларига кирган асарларида
адиб халқимизнинг урушдан кейинги тинч қурилиш йил-
ларидаги яратувчилик меҳнатини тасвирлаган. Шоирнинг

“Ширмоной”, “Попнинг кизлари”, “Кўчалар” сингари ўнлаб кўшиқлари ҳофизларимиз томонидан севиб куйланиб келган ва Ўзбекистон радиосининг олтин захирасидан ўрин олган.

Атоқли адиб республикамызда драматургия жанрининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Унинг замонавий ва тарихий мавзуларда битган “Қари киз”, “Қиз булок”, “Момо ер” (Чингиз Айтматов асари асосида), “Қаҳр”, “Нодирабегим” сингари асарлари бир неча йиллар давомида сахналаримизни обод этиб келди.

Бундан ташқари, Туроб Тўла Ватанимиз кинофикацияси жонқуярларидан бири сифатида ҳам соҳа тараққиётига муносиб улуш қўшган. У “Раис”, “Марғилонлик киз”. “Талант”, “Фуркат”, “Шашмаком”, “Қаҳр”, “Тўққизинчи аср монологи” каби фильмларнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Адибнинг сценарияси асосида яратилган “Мафтунингман” фильми ҳамон ўз кадрини йўқотмаган. “Зулматдан зиё” (Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи асосида) операси, “Самарканд афсонаси” балетларининг либреттоси ҳам Туроб Тўла қаламига мансуб.

Туроб Тўланинг республикамыз адабиёт ҳамда маданият инкишофи йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ҳамда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвонларини олишга мушарраф бўлган. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири ёзувчи номи билан аталади.

УМРИМ БЎЙИ

Билсанг, умрим бўйи вафодорингман,
Меҳру муҳаббатим сендадур бутун.
Суратингга боқиб-боқиб тўймайман,
Булбул қизил гулга бўлгандай мафтун.

Қурум босган юзинг кўрай, кўкка боқ,
Жаҳон ҳам танисин қахрамонини.
Қиличингни кўтар яна баландрок,
Зафар тонги тутсин жанг осмонини.

Сенинг ҳар бир босган кадамингга тенг
Шу лаҳзада топган зарра шодлигим.
Сенинг кўлинггадир тақдирим, бахтим,
Келажагим, шоним ва озодлигим!

ҚАЛЬ ТОРИ ЖАРАНГЛАЙДИ

Боғларимга май кирди,
Гулларга чирой,
Сувда патир кулча бўлиб оқди ой.
Шеъримга най берди,
Қалбимга илҳом,
Қалбим яна хурсанд бўлди бир талай.
Кўзларимга нур тўлди,
Қалбимга ҳузур,
Яна боғларимнинг сийнаси майин.
Булбулларга тил кирди,
Сўрарлар узун:
“Икбол шу боғда деб келдик атайин”.
Уларга мен бахт бердим,
Уларга мен байт,
Илҳом парисини эҳсон этдилар.
Субҳидам куйлашдик,
Куйлашдик шодон,
Менинг билан сафда бирга кетдилар...

БАҲОР ЭЛЧИЛАРИ

I

“Живир-живир... Эски кадрдон!
Келдик мана, эшигингни оч!”
Деразамни очдим,
Бодом шохида
Наврўз келтирибди қалдирғоч.
Кўклам осмонига ёнбошлаб,
Ёяр қуёш алвон-алвон нур.
Балки баҳор элчилари учун
Ташлагани асл алвондир.

Мен чиқдим-у, бодом шохидан
Тўда қушлар гурр этиб кетди.
Тағдўзи дўппили бодомнинг –
Гулларини дув тўкиб кетди...
Дув тўкиб кетди-ю,
Узоқ қараб қолдим,
Хаёлдай тез учиб кетдилар.
Қара, нафис канотларини
Кўк тўшига уриб ўтдилар.

II

Баҳор келди, гул-лола,
Чаккангга так, чаккангга,
Икболи мўл киз бола,
Чаккангга так, чаккангга.
Лолага тўлди дала,
Лолага тўлди дала.
Сараси тарғил лола,
Сараси тарғил лола.

Бодом гули оқ экан,
Барглари кайтоқ экан,
Наврўз насими билан
Чиройи порлок экан.

Гул билан баҳор келди,
Лаззатли наҳор келди,
Чаман бўстонимизга
Сепин ёзиб ёр келди,
Сепин ёзиб ёр келди.

ШУХРАТ

(1918–1993)

Кўп киррали ижод соҳиби, адабиётимизнинг забардаст намояндаларидан бири Шухрат 1918 йилда Тошкентнинг Ҳазрат Имом маҳалласида хунарманд оиласида туғилган. У мактабда, сўнгра транспорт техникумида ўқиган. Шундан сўнг Шухрат 1936–1940 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. Шўро даврида эркин фикрли зиёлиларни қатағон қилиш гирдобини ҳам ўз домига тортди. Натижада, у 50-йилларда Шимолий Қозоғистон ва Сибир камокхоналарида ҳибсда бўлди. Озодликка чиққан адиб умрининг охиригача ижод қилди; республикадаги журналларида фаолият кўрсатди. Ижодини техникумда ўқиб юрган кезларидаёқ шеър ёзишдан бошлаган. Шухрат ҳозирги адабиётимизни “Ҳаёт нафаси” (1947), “Қардошлар” (1950) тўпламлари, “Орзу ва қалб”, “Она меҳри” дostonлари, “Фарзанд”, “Сўнмас чечаклар”, “Кавказ дафтари”, “Қиз табассуми”, “Буюк муҳаббат” китоблари билан бойитган. Устоз умри бўйи рубоийнамо тўртликлар ёзди. Кейинчалик улар “Бемалол яшасанг бўлади” номи билан алоҳида китоб шаклида босилди. Уларда шоир ватанпарварлик, миллий гурур, ҳамжихатлик, инсоф-диёнат каби ғояларни қуйма мисраларда юксак бадиийликда ифодалашга эришди.



Ёшлар ҳаёти тасвирига бағишланган “Бизнинг кўча”, “Балогат”, “Қудук” асарларида ватанпарварлик, жасорат, эл-юрт химояси йўлида фидоий бўлиш сингари ғоялар та-

раннум этилган. Ўзбек романапислигини мавзу кўлами жиҳатидан ҳам, образлари силсиласи нуқтаи назаридан ҳам, ўзига хос бадиийлиги томонидан ҳам тараққий эттиришда адиб Шухратнинг ўрни бор. Агар “Шинелли йиллар” (1947–1957) романида ҳалқимиз фарзандларининг иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган мардлиги, қаҳрамонлиги ўзига хос бир услубда тасвирланса, “Олтин зангламас” (1967)да маърифат фидойилари бўлмиш ўқитувчилар ҳаёти тасвирланган; “Жаннат кидирганлар”да эса, ватангадоликдек мудҳиш воқеа, диёнатсизлик кенг камровда ўз аксини топган. Адиб республикамызда драматургия санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Зероки, Шухратнинг “Беш кунлик куёв”, “Қўша каринглар” комедиялари театрларимизда муваффақиятли сахналаштирилган.

Шухратнинг миллатимиз маънавияти, адабиётимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат “Эл-юрт хурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденларининг соҳибидир.

РАҲМАТ, УСТОЗ

(Ҳамид Сулаймон вафотига марсия)

Очик қолди Сиз чиккан эшик,
Уни ҳеч ким ёпмайди энди.
Сиз тебратган мўътабар бешик –
Боши узра номингиз қўнди.

Сиз кетдингиз, биз қолдик ўқсиб,
Сиз кетдингиз айни ёз чоғи.
Йўлингизга гул-чечак сепиб,
Етим қолди “Шеърят боғи”.

Деразадан боқади ҳамон,
“Шеър боғи”дан Навоий Ҳазрат.
Меҳри унинг Сизга бир жаҳон,
Энди Сизга мангу ҳамсухбат.

Форс тилида қайта сўзлатиб,
Гавҳарини қилдингиз кўз-кўз,
О, форсда ҳам қанчалар лағиф,
О, қанчалар ёник, оташ сўз!..

Қиш ҳам келди, ёғди оппок қор,
Оппок қорни кўрмадингиз Сиз,
Баҳор келди, кўм-кўк навбаҳор,
Навбаҳорни кўрмадингиз Сиз.

Қордек оппок эди қалбингиз,
Навбаҳордек гўзал, сервикор.
Юракларда шундай қалбингиз,
Эй, илмда толиқмас сарқор.

Сиз кетдингиз ўзга оламга,
Бу оламда ишингиз қолди.
Ишингизни билган одамда,
Сўнмас бўлиб ишқингиз қолди.

Ишқки, улкан, нур билан тўлуғ,
Ишқки, елкан даҳр-денгизда.
Ишқки, бугун, эртаси ёруғ,
Мадҳи ўлкам йигит-қизида.

Сиз кетдингиз, Сиз юрган йўллар,
Хиёбонлар хувиллаб қолди.
Сиз кетдингиз, кўришган қўллар
Юрагига муз қалаб қолди.

Номингизни тилга олганда,
Юрак ҳар гал санчиб кетса ҳам,
Меҳрингизни қилмайди қанда,
Сизни жондан севган ҳар одам.

Яшадингиз мағрур, мардона,
Шарафингиз дилларда қолди.

Сиз бошлаган ишингиз, ана,
Достон бўлиб дилларда қолди.

Сизнинг идрок, ақл журъати,
Хоразм Ҳофиз авлоди
Қабрингизга гул сочиб кетди.
Авлодларга йўл очиб кетди.

Раҳмат Сизга, устози аълам,
Киприklarда қалқиса ҳам нам,
Сиздек зотлар яшаб ўтгандан
Шундай ёруғ ва гўзал олам.

10.05.1980

ТЎРТЛИКЛАР

Қалбим, жисмим, руҳим ўзбек,
Фикру зикрим, туғим ўзбек.
Бағрим очик, тилим ширин,
Кўрса мени ким ўзидек!

* * *

Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар,
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлур.
Дунёда ғам-ғусса, адоват тугар,
Ҳар умид хоссаси шодликка тўлар.

* * *

Ўзбек, тожик, кирғиз, туркман ва козоқ –
Улкан, соғлом бир қўлдаги беш бармоқ.
Ёзса, кенг кафт, буни дўстга узатар,
Юмса, зўр мушт, бу рақибга чўнг тўкмоқ.

* * *

Болари ибратдир яшашга, бироқ
Болари сингари кезма боғма-боғ.
Сен ўзинг боғ ярат, токи дўсту ёр
Боғингни аридек қилсин ихтиёр.

* * *

Энг сўнги онгача ардоклаганим,
Шу она тупроғим, шу она тилим.
Бари бир мехирга тўймади таним,
Бари бир армонда кетди бу дилим!

* * *

Замонлар келади, яхшини яхши,
Ёмонни ёмон деб очик айтади.
Ҳозирча баъзи бир ғаламис киши,
Тил ёглаб, мавқ пойлаб вақтдан ютади.

* * *

Юрагим нимани буюрса ёздим,
Баъзида яйрадим, баъзида оздим.
Баъзида ёқамни, ҳақ бўла туриб,
Тухматчи кўлидан аранг кутказдим.

* * *

Гар ботир адашса, душман тоғида
Икки йўл топади сўлу чоғида:
Ё нажот, ё ўлим! Лекин билинг у,
Душманга тиз чўкмас жон сўроғида.

* * *

Гул тердим жаҳоннинг неча боғидан,
Ва не-не шаҳарлар кенг очди кучок.
Бегона кишилар пар ёстиғидан
Туғилган ўлкамнинг харсанги юмшоқ.

ҲАМИД ҒУЛОМ

(1919–2005)



Атокли адиб, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом 1919 йил Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Ҳамид Ғулом Ўрта Осиё индустриал институти (1935–1937) ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетларида (1938–1941) ўқиди. Москвадаги М.Горький номидаги жаҳон адабиёти институтини битиргач, “Литературная газета”нинг Ўзбекистондаги мухбири бўлиб ишлади. У турли йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, “Шарк юлдузи” журнали бош муҳаррири вазифаларини адо этди.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида ижод майдонига кириб келган Ҳамид Ғулом иккинчи жаҳон уруши мавзусида – Ватанпарварлик руҳида асарлар ёзди. Шундан сўнг адибнинг бирин-кетин “Кўшиқларим”, “Днепр бўйида”, “Ғалаба йўлида”, “Олмос қизи” китоблари чоп этилди. Ватанпарварлик, босқинчиларга қарши жанговар кураш, ҳамжихатликка даъват бу асарларнинг етакчи ғоявий мотивидир.

Ҳамид Ғулом ўзбек адабиётининг забардаст романивис адибларидандир. Агар ёзувчининг “Машъал” романида халқимизнинг йигирманчи аср бошларидаги ҳаёти ва кураши тарихи тасвирланган бўлса, “Сенга интиламан”, “Бинафша атри” романларида кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш,

хусусан, Мирзачўлдаги жамоа хўжаликлардаги меҳнаткаш халқнинг яратувчанлик ҳаёти ифодаланган. Адибнинг “Тошкентликлар” романи Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Ҳамид Ғулом оташин публицист, тиним билмас таржимон, таниқли драматург сифатида ҳам катта ижодий мерос қолдирган. Ёзувчининг “Хиросимо балладалари”, “Қитъалар уйғок”, “Қуба ҳақидаги ҳикоялар” сингари асарларида халқлар дўстлиги, тинчликсеварлик ғоялари бадиий акс эттирилган. Адибнинг “Ўғил уйлантириш”, “Тошболта ошиқ”, “Ажаб савдолар” қабилидаги асарлари республика театларида сахналаштирилган. Серқирра ижодкор жаҳон халқларининг А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Шекспир, Т.Шевченко сингари ўнлаб ёзувчилари асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган. Адиб Фирдавсий “Шоҳнома”сининг уч жилдлик ўзбекча нашри таржимонларидандир. Ёзувчининг адабиётимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукумагимиз томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвонлари, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.

АССАЛОМ, ЎЗБЕГИМ

Ассалом, улуғ халқ, ўзбегим,
Дили пок, қутлуғ халқ, ўзбегим.
Ассалом, хур тақдир, истиклол,
Иқболим, шарафим, ўзлигим.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.
Йўл – кўркем, эл кўркем, дил – кўркем,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

Меҳнатда чиниққан эл улуғ,
Улуғдир чароғон истикбол.
Мард халқим, эрк – шараф, эрк – қутлуғ,
Бахтингдир бу байрам истиклол.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.

Йўл – кўркам, эл – кўркам, дил – кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

ДАВРОН

Ёшликдагидай соз уравер, юрак,
Мен ҳали кўп йиллар яшашим керак.

Сабабки, чин даврон энди бошланди,
Халкимга шараф-шон энди бошланди.

Эзгу мақсадим: эл камолин кўрай,
Юртимнинг бекиёс жамолин кўрай.

Ўн икки йил, фақат Истиклол тонги,
Мангуликка туташ бахт-икбол тонги.

Белни маҳкам боғлаб, ким шимарса енг,
Унга саодат ёр, унга олам кенг.

Кимки, Ўзбекистон деса – тилда бол,
Кўксини тоғ қадар кўтарар иқбол.

Минг фазилат берган Аллоҳ инсонга,
Ҳам оддий фуқаро ва ҳам Султонга.

Шу минг фазилатнинг тожи Вафодир,
Халким, сен улуғсан, сен бунга кодир.

Садоқат – бошингда нурли куёшинг,
Дилдан фахрланар азиз Юртбошинг.

Аллоҳ умр берсин ҳар бир одамга,
Ҳар бир одам келгач нурли оламга.

Ишқ, вафо умрбод йўлдоши бўлсин,
Эрк–бошида нурли куёши бўлсин.

Эрк ғояси бўлган халқ фарзандиман,
Навойиси бўлган халқ фарзандиман.

Халқ улуғ, халқ – жўшқин дарёйи азим,
Халқ шонли дарғага қилади таъзим.

Алқисса, мақсадим: умр кўрайин,
Авлодим сафида мен ҳам юрайин.

Сабабки, чин даврон энди бошланди,
Халқимизга шараф-шон энди бошланди.

ТОШКЕНТИМ

Сен қуёшим, сен бахтим,
Мен сенга сиғинаман.
Қаерда бўлмай, шаҳрим,
Мен сени соғинаман.

Агар тарих тун бўлса,
Сен менинг кундузимсан.
Осмон юлдузга тўлса,
Энг ёруғ юлдузимсан.

Қоҳирада юрардим,
Дедилар: шу ерда қол.
Нега қолай! Сен дардим,
Сен – иқбол, сен – истиқбол.

Жоним сенга тасаддук,
Чучук сувинг – кавсарим.
Тошкентим, сенга қуллуқ,
Сен – паноҳим, сарварим.

Токиода японлар,
Сийлашди мени жуда.
Барибир ўша онлар
Сен бўлдинг дил ичида.

Одам учун ҳеч қачон,
Иккита бўлмас Ватан.
Биттадир унга осмон,
Биттадир чўлу чаман.

Одам икки Ватанда
Бир пайтда туғилмайди.
Икки ҳис бўлса танда,
Унга ном битта, дейди.

Одам учун муқаддас
Ўз уйи, ўз диёри.
Ўзгани этса хавас,
Тарк этгай уни ёри.

Тошкентим, сен ягона,
Шаҳримсан, диёримсан.
Ўзгаларга афсона,
Менинг гулбахоримсан!


Кўкдаги хилолингга,
Кўркингга жон тасаддук!
Шонли истиклолингга,
Эркингга жон тасаддук!



САИД АҲМАД

(1920–2007)

Атокли адиб, драматург, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад 1920 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Бўлажак ёзувчи ўрта мактаб таҳсилдан сўнг тасвирий санъат билим юртида ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Саид Аҳмад узок йиллар давомида ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси, “Шарқ юлдузи”, “Муштум” журналлари таҳририятларида муҳаррир, бўлим мудири бўлиб ишлади.



Ўтган асрнинг 40-йилларида Саид Аҳмаднинг кетма-кет “Совға”, “Матонатли юрак”, “Фарғона ҳикоялари” сингари китоблари нашр этилди. Уларда халқимизнинг иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда барча соҳалардаги жасорати, мардонавор меҳнати ўз бадиий ифодасини топган. Урушдан кейинги йилларда Саид Аҳмад “Қадрдон далалар”, “Ҳукм” повестларини, “Қирқ беш кун”, “Уфқ”, “Жимжитлик” романларини яратиб, ҳозирги замон ўзбек насрининг янги тараққиёт босқичига кўтарилишига улкан ҳисса қўшган забардаст романнавис сифатида шаклланди. Унинг бу борадаги ўзига хос ютуғи О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, У. Норматов, С. Мирвалиев, И. Ғафуров каби мунаққидлар томонидан чуқур таҳлил этилган.

Саксонинчи йилларга келиб Саид Аҳмад яна бир неча ҳикоялар тўпламларини нашр эттирди; ўзбек драматургияси ривожига муносиб ҳисса қўшди. Ёзувчининг “Куёв”, “Келинлар кўзғолони” драмалари республикаимиз театрларида

сахналаштирилган; “Ўзбекфильм” киностудияси унинг сценарияси асосида “Муҳаббат фожеаси” бадиий фильмини суратга олган.

Истиклол йилларида Саид Аҳмад янги куч ва ғайрат билан ижод қилди. У устозлари ҳамда сафдошлари ҳақида кўплаб хотиралар, ибратомуз хикоялар ёзди; “Хандон писта” (1994), “Бир ўпичнинг баҳоси” (1995), “Қорақўз Мажнун”, “Йўқотганларим ва топганларим”, “Киприкдаги тонг” китобларини яратди. Саид Аҳмад ўзбек таржима адабиёти хазинасини муҳим асарлар билан бойитган санъаткорлардандир. Адиб О.Гончар, Б. Полевой, А. Мусатов сингари ўнлаб жаҳон халклари ёзувчиларининг энг сара асарларини ўзбек тилига зўр маҳорат билан ўгирган мутаржим ҳам ҳисобланади. Бу катта ижодий меҳнат ўз вақтида таржимашунослар томонидан қиёсий йўсинда таҳлил қилиниб, муносиб тарзда ҳолис баҳоланган, таржимон заҳмати аниқ далиллар асосида кўрсатилган.

Саид Аҳмаднинг республикамиз адабиёти, умуман, маънавий-маърифий ҳаётининг тараққиётига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Республика Давлат мукофоти лауреати, “Дўстлик” ордени соҳибидир.

ТЎЛҚИНЛАР

Хикоя

Қишлоқ йўлига бурилганимда адир орқасидан қовун тилимидек оппоқ ой кўтарилди. Гуллаб ётган ўриклар хира пардага бурканди. Йўл четидан янги ниш урган саримсоқ ҳиди келди. Ковакни тарк этган кўклам элчиси қуриллади. Тўнқарилиб қолган тилла қўнғиз жуда яқинда дизиллаб-дизиллаб жим бўлди.

Кўклам нафаси гуркираб турган мана шу йўллардан юрмаганимга ўн саккиз йил бўлган. Бу орада қанча сувлар оқиб кетди... Қанча воқеалар бўлиб ўтди...

Йигитлар фронтда жон олиб, жон бераётган оғир кунлар эди. Дала ишлари аёлларга қолиб кетган, ҳаммаси тажанг,

хаммаси асабий эди. Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, кўллари меҳнатда, фронтчиларни зориктирмаслик, душманни тезроқ яқсон қилиш учун тинимсиз ишлар эдилар. Сталинград остоналаридаги жангларда душманнинг учта танкини ёндирган қахрамон Ўсарбой Омонбоев оиласи ҳақида очерк ёзиш учун худди шу йўлдан юриб қишлоққа келган эдим.

Қишлоқ анча файзсиз бўлиб қолган, йўллар ўйдим-чукур, иш ҳайвонларининг тинкаси қуриган, емга ёлчимаган сизирлар сутдан қолган эди. Аёллар дурустгина кийинишмас, пардоз-андоз кўнгилларига сиғмасди. Кимнинг қанақалиги билиниб қолган ўша пайтларда урушга чап бериб, бормай қолган эркак зоти кўзларига бало бўлиб кўринарди.

Ўсарбойнинг хотини Жўрахон эри фронтга кетган аёллардан бригада тузиб, юқори ҳосил олишда бутун областга овоза бўлган йигирма беш ёшлардаги қора қош, лўппи юз, кўкракдор, полвон аёл эди. Ўсарбой қахрамон унвони олган куннинг эртасигаёқ келганимда бир воқеанинг устидан чиққан эдим. Жўрахоннинг бригадаси ишлаётган катта йўл четидаги теракка кизил этик кийган хотинчалиш бир йигит белидан хали қудунги бузилмаган саккизтепки атлас билан боғлаб қўйилган эди. Унинг атрофини ўраб олган хотинлар гоҳ хиринг-хиринг қулишар, гоҳ уни қарғашарди. Биров йигитнинг юзига упа суради, биров қошига ўсма қўяди.

Жўрахон икки қўлини белига қўйиб унга дўк урарди.

– Шунақами? Уруғликка қолганмисиз? Бу хотинларнинг эрлари фронтда ўк тагида юрибди-я, шуларга кўз олайтирдингми? Ҳа, номард! Ҳой, Зеби, лабига кизил сурт! Ишдан қайтишда шу аҳволда гузарга олиб чиқамиз. Халойиқ кўрсин. Башарасига тупурсин. Қани, иш-ишингга жўна ҳамманг!

Хотинлар йигитни шу аҳволда қолдириб, чопиққа тушиб кетишди.

Шийпонга чиқаётганимизда Жўрахондан бу йигитнинг гуноҳини суриштирдим.

– Зебига айланишиб қопти. Шундай суксурдай эри борки, кўрганнинг кўзи тегади. Тирноғига арзимади бу ҳеббим. Тушлиқда Норин бўйига кел, саккизтепки атлас совға қиламан, дебди. Ушлаб олдик.

Жўраҳон бу гапларни шундай ғазаб билан айтардики, кўзлари чакнаб, пешоналари тиришиб кетарди.

– Ўзиниям шундоғ дўппосладикки, кўйиб берсам, хотинлар ўлдириб кўйишадиган, зўрға ажратиб олдим. Эри эсон-омон қайтиб келгунча биронтасинининг ҳам шаънига ёмон гап юктирмайман. Иссиқми, совуқми, ҳаммамиз бирга баҳам кўрамиз, қайси бирининг эридан хат-хабар узокса, бараварига юпатамиз. Бирга йиғлаймиз, бирга куламиз. Шунинг учун ҳам, ишнинг оғирлиги унча билинмай кетади. Ахир, бу бечораларга ҳам қийин, авжи ўйнаб-куладиган пайти...

То колхоз меҳмонхонасига етиб боргунимча мана шу воқеа эсимга тушди. Ҳозир Жўраҳон анча қариб қолгандир? Ўсарбой урушдан эсон-омон қайтиб келдимикин?

Меҳмонхона қоровули хали сув куйилмаган ҳовуз олдида самоварга тараща солаётган эди. У ёши етмишларга бориб қолган дилкаш чол экан, алла-паллагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Гап орасида Ўсарбойни суриштирдим.

– Омон-эсон келди. Ҳозир парткомимиз шу. Жуда режали, яхши бола. Бечора иш билан овунади. Бўлмаса, аллақачон ҳам еб кўяр эди уни. Шу вақтгача уйланмади. Қандок қилиб ҳам уйланади...

Чолнинг гапларига тушунолмадим. У нима дегани? Ё Жўраҳон унинг келишини кутмай, турмуш қилиб кетганми, шундоқ йигитнинг юзига оёқ тираб-а?! Наҳотки, бутун колхоз аёлларини кўз қорачиғидек асраган доно хотин унга бевафолик қилган бўлса? Ишонмайман!

– Нима бўлди? Жўраҳон...

Нима дейишимни билмай гўлдирадим. Чол бошини сарак-сарак қилиб уҳ тортди:

– Боёқиш Жўраҳон Ўсарбой келмасдан олти ой бурун казо қилган эди...

Икковимиз анча вақтгача жимиб қолдик. Гуллаб ётган шафтоли шохига осилган электр лампасига ўзини ураётган ёрқанотлар дастурхон устига тўкилади. Ҳовуз четидан айланиб ўтган цемент ариқда тўлиб оқаётган бўтана сув кирғокқа шалоплаб урилади. Чол чойнакни этагига ўраб, бағрига босганича ҳамон жим эди. Кўнглим алланечук бўлиб кет-

ди. Жўрахон ҳақида ундан бошқа гап сўрамадим. Сўрашга журъат килолмадим ҳам.

– Шунақа, ўғлим. Жўрахон тенги йўқ асл хотин эди. Хотин кишининг қўлидан шунча иш келишига ана ўшанда ишонганмиз. Жамоа бамисоли бир хонадон-у, Жўрахон унинг онахони бўлди-қўйди. Қани, бирон киши унинг йўриғидан чикса-чи. Қуни билан дала кезади, кечалари уйма-уй юриб, аъзоларнинг тирикчилигидан хабар олади. Яхши гап билан илон инидан чиқади, деганлари рост экан. Такасалтанглик қиладиганларга ҳам қаттиқ гапирмади. Ўзи, ўша пайтда ҳамма ҳам бир оғиз яхши гапнинг гадоси эди-да. Бирини қизим деди, бирини синглим деди. Ишқилиб, ҳаммани ширин сўз билан ишга солди. Ўсарбойдан сурункасига етти ой хат келмай қўйди. Жўрахоннинг юзи кулади-ю, ичи йиғлайди. Умри қиска экан, хатини ҳам, ўзини ҳам кўрмай ўлиб кетди, боёқиш. Одамзодни иш овутади, бўлмаса ғам еб қўяди. Ўсарбойга қараб туриб ичим ачишади. Урушни қарғайман. Нима қилсин, иложи қанча!

Чол гапини тугатиб, ичкари кириб кетди. Сўрида гилам устига танга-танга бўлиб тўкилган шафтоли гулларига қараб хаёл сураман. Мени бу ерга бошлаб келган нарса Жўрахон ҳақида китоб ёзиш нияти эди. Уруш йиллари фронтга мададкор бўлган аёллар ҳақида китоб ёзмоқчи бўлганимда, даставвал хотирамга Жўрахон келган эди. Бу асл хотин ҳақида биронта китоб ёзилмай турибоқ, унинг ажойиб ҳаёти дostonга айланиб кетганини кўрдим. Унинг жонли, ҳеч қачон ўлмайдиган барҳаёт умри кўз олдидан ҳаяжонли роман саҳифаларидек бирма-бир ўтарди.

– Меҳмон, энди ётинг, чарчаб келгансиз, хўроз ҳам иккинни чақирди.

Барибир ётиб ухлаёлмадим. Очик деразадан ойнинг ярим ўроғи мўралаб, теракзор орқасига ботиб кетди. Кеч шабадаси уй ичига димокқа хуш келадиган аллақандай гиёҳларнинг исини олиб келади. Шафтолизорда саъванинг гоҳ фиғонли ноласи, гоҳ шиддаткор чак-чақи тинмайди. Жуда узоқда, сокин кечанинг тинчини бузиб дарё шовиллайди.

Эрталаб коровул чол уйғотганда кун ёйилиб қолган эди. Узоқ-яқиндан трактор шовқини эшитилади. Қушларнинг

чуғур-чуғури авжда. Чол дастурхон коққан жойда мусичалар ушоқ талашиб патиллашади. Тиник осмонда бу кайнок, фароғатли масканни кўриклаётгандек лайлак айланади. Унинг оппок қанотлари куёш тиғида дам қиличдек ялтираб, дам оқ ипақдек товланади.

– Ҳозир Ўсарбой келиб қолади. Эрталаб шу ерда нонушта қилиб, кейин дала айланади, – деди чол елиб-югуриб чой дамларкан.

Сал фурсат ўтмай икки киши келди. Улардан қайси бири Ўсарбой эканини дарров пайкаб олдим.

У ҳали ёши элликка бормай юзини ажин босган, жиккаккина бир киши эди. Ўнг қўлининг бош бармоғи сарғайганидан махорка чекишини билиб олиш кийин эмасди. Нонушта пайтида Жўрахон ҳақида китоб ёзмоқчилигимни айтдим. Жўрахон номини тилга олишим биланок Ўсарбой янгиланган дардини яширишга уриниб, чолнинг қўлидан чойнакни олиб, ўзи қуя бошлади. Кўзини яшириш, нима биландир алахсиш учун шундай қилаётгани сезилиб турарди.

– Майли, – деди у офтобда жўжаларини қаноти остига олиб, хурпайиб ётган товукқа тикилиб, – жуда хурсанд бўламиз.

– Аввал Жўрахон опанинг кабрларини бир зиёрат қилсам деган эдим...

Ўсарбой ғалати ҳолга тушди. Унинг бу ҳолати, кўз қарашлари, рангининг гоҳ бўзариб, гоҳ оқариши Тошкентда бўлган бир воқеани эслатиб қўйди. Трамвайда беш ёшлардаги бир бола ёнимга ўтириб қолиб, ундан қаёққа кетяпсан, деб сўраганимда, уйдан детдомга кетяпман, деган эди. Ота-онанг йўқми, деб сўрадим. Бор, деб жавоб берди бола. Бўлмаса, даданг ҳам, онанг ҳам сени ёмон кўришар экан-да, детдомга беришибди, дедим. Ўшанда боланинг кўзи олазарақ бўлиб қолган, худди Ўсарбойнинг ҳолига тушиб, қийналган эди. Кейин у қийнала-қийнала, паст овоз билан “дадамларнинг ҳам, ойимларнинг ҳам кўзлари кўр”, деган эди. Жуда хижолат чеккан эдим, шу мурғак бола қалбини тирнаб ётган аламли фарёдини тилига чиқаришга мажбур қилганим учун ҳали-ҳали ўзимни кечиролмасдим. Яна нима қилиб қўйдим?

Нахотки, Ўсарбойнинг ҳам ичида шунга ўхшаш тилга чикса тилни, дилда колса дилни куйдирадиган фарёди бўлса?! Нима қилиб қўйдим?..

Ўртага жуда ҳам совуқ жимлик чўкди. Чол бир ютиниб олди. Ўсарбой ўрнидан туриб, ховуз бўйига бориб махорка ўради. Чолнинг юпка лаби титраб, зўрға: “Жўрахоннинг қабри йўк. У сувга чўкиб кетган...” дея олди.

Тушга яқин чол билан икковлон пиёда дарё томон кетдик. Йўлда у Жўрахоннинг ҳалокатини айтиб борди.

– Ўшанда адирдан сел келган эди. Чорвалар ҳали тоққа жўнатилмаган, шу дарё четидаги сайхонда ўтлаб юрган эди. Сел жуда хунук келди. Кўп дарахтни, уйларни нобуд қилди. Қўй-қўзиларни оқизиб кета бошлади. Сувда мол билан эчки дуруст сузар экан. Қўй жонивор думбасидан чўкиб, ўзини эпллолмай қоларкан. Ҳамма оёққа турди. Жўрахон жон олиб, жон бериб ўзини сувга отар, ҳали қўй, ҳали қўзини оёғидан судраб чиқарди. Кечаси, биров-бировни кўрмайди. Ёмғир савалаб турибди. Бирдан чўпон ота сувнинг ўртасида гоҳ кўриниб, гоҳ чўкиб, қўл силкита бошлади. Жўрахон ўша томонга сузиб кетди. Чакмоқ нурида дарё ўртасида унинг қўйлагини бир кўриб қолганимни биламан, холос. Яна чакмоқ чакканда дарё бетида ҳеч нарса кўринмай қолди. Тўлқин чўпон отани нариги қирғоққа иргитиб ташлабди. Бир ҳафтагача қайиқ билан Жўрахоннинг жасадини кидирдик. Топилмади... Ҳаммамизни доғи ҳасратда қолдириб кетди.

Адир ошишимиз биланоқ дарё шамоли эсди. Қирғоққа яқин келганимизда харсанг устида махорка чекиб ўтирган Ўсарбойни кўрдим. Унинг гавдаси кичрайиб, юзидаги ажинлари кўпайиб кетганга ўхшади.

Ҳеч биримиздан садо чикмасди.

Дарё жуда сокин. Жўрахон азим дарёга айланган-у, меҳнати сингган, пешона тери тўкилган далалар атрофида жавлон уриб айланарди. У юзлаб ирмоқлардан қон томиридек оқиб, кишиларга, майса-гиёҳларга ҳаёт суви олиб келарди.

Адирдан териб келган лолаларни тўлқинлар устига сочдим.

Дарё шовуллар, тиник, беғубор кўкда қушлар жавлон уриб учишарди.

МАВЛОН ИКРОМ

(1921–2010)



Фидойи журналист, табиат ошиғи, болалар шоири Мавлон Икром 1921 йили Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган; иккинчи жаҳон уруши фронтларида фашизмга қарши курашган. Урушдан кейинги йилларда у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган. Олий даргоҳни тугатган Мавлон Икром кўп йиллар давомида ҳозирги “Тонг юлдузи”, “Тошкент ҳақиқати”, “Ўзбекистон маданияти” газеталарининг, “Муштум”, “Шарқ юлдузи” журналларининг таҳририятларида турли вазифаларни бажарди; Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим муҳаррири бўлиб ишлади, Тошкент телеканалида фаолият кўрсатди. Мавлон Икром 1961–1963 йиллари Москвадаги Олий адабиёт курсида ҳам таҳсил кўрган. У бир неча йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ҳам ишлаган.

Гарчи Мавлон Икромнинг дастлабки шеърлари иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллардаёқ республика газета ва журналларида эълон этила бошланган бўлса ҳам, илк шеърый мажмуаси 1955 йили “Гулдаста” номи билан нашр қилинган. Шундан сўнг шоирнинг “Кўнгил гули”, “Ёш партизан”, “Мовий тўлқинлар”, “Яхши кайфият”, “Гуллар водийси”, “Ўғил”, “Ёшлигим қайтди” сингари ўнлаб китоблари, дoston ва балладалари чоп қилинди.

Мавлон Икром ўзбек шеърлятида табиат тасвирига бағишлаб энг кўп асар ёзган ижодкордир. Унинг овчи сар-

гузашти ва кундалиги шаклида битилган катор очерк ва хикояларида бу мавзу янада кенг камровли тарзда тасвирланган. У ўзбек адабиётига шу мавзуни олиб кирган. Адиб ўзбек таржимачилигига ҳам муносиб улуш қўшган. Ёзувчи А.Барто, А.Блок, А.Тўқай, Тўктағул, Я.Купала, М.Танк, Қ.Кулиев ва бошқа ўнлаб жаҳон халклари шоирларининг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

ГУЛДАСТА

Тонгда гулзор оралаб,
Одим ташладим аста,
Хушбўйидан саралаб,
Тузмок учун гулдаста.

Бир кучоқ бўлди хиллаб
Терган атиргулларим;
Кенг жаҳонга гуриллаб,
Бўйи татир гулларим.

Гулларки, меҳр қўйиб,
Ўстирганман боғимда,
Тунда булбуллар қўниб,
Сайрайди бутоғида.

Қиркоғайни, ок, кирмиз,
Гулираъно, нилуфар,
Навот ранг, турфа, нарғиз,
Маст килувчи муаттар –

Ҳаммаси боғимда бор,
Боғинг, айт, қайда, дерсиз?
Айтсам, бу гуллар зинхор
Ўсмас у жойда, дерсиз.

Менинг боғим собиқ чўл,
Ҳозир гуллар макони.
Яъни гўзал Мирзачўл,
Шўх булбуллар макони.

Келмаган армонда дер:
– Мирзачўл – чўл-да, албат,
Келганлар дармонда дер:
– Чўл эмас, тенгсиз жаннат!

КИТОБ

Гоҳ сарин оқшомда, гоҳ –
Киприк чўзганда куёш,
Китобдир менга хамроҳ,
Қаҳрамоним, суҳбатдош.

Китобга қўйдим ихлос,
Мазмуни дарё экан.
Дарёмас, бу баҳо оз,
Туганмас дунё экан.

Ўқи, ёритар онгни
Ҳикмати билан китоб!
Ёритгандай жаҳонни
Шуъласи билан офтоб!

ЭККАНГА РАҲМАТ!..

Бобом экаркан кўчат,
Бокардим ҳавасмандек.
Дедилар: – Ўғлим Шавкат,
Сен ҳам бир туп қантак эк!

– Хўп! – дедим, – чуқур кавлаб,
Ўрик ўтқаздим тезда.
Бобом кўчатга қараб
Дедилар ўша кезда:

– Аминман, бу ниҳолинг
Ўсиб, беради ҳосил.
Шакар – бол бамисоли,
Таъми тарс ёради тил.

Одам одамга гамхўр,
Ўтган – кетганлар ейди.
Еганлар қилиб ҳузур,
“Экканга раҳмат!..” дейди.

Ўша-ўша баҳор, куз
Ўтказаман мен ниҳол.
Кўчатларим бўлди юз:
Ўрик, олма, терак, тол...

МОВИЙ ТЎЛҚИНЛАР

Тўлқинлар, тўлқинлар, мовий тўлқинлар,
Ўйларимни чирмаб олиб кетдингиз.
Чайқалиб, шовиллаб кундузи, тунлар,
Қалбимга жўшқинлик солиб кетдингиз.

Хордиқни билмайман ўшандан буён,
Ҳар туним ўтади соз чалиб хушҳол.
Кўшиқлар кўшиққа пайванд бўлган он
Кўёш хайрлашиб, ой жилмаяр лол.

Тун бўйи, кун бўйи қўлимда созим,
Мени асир этмиш қайнок эҳтирос.
Кўнгил куй истайди,
Куйлашим лозим,
Бахтини йўргаклаб олган элга хос!

Тўлқинлар, чайқалинг, тошинг беором! –
Денгиз чайқалмоғи, тошмоғи керак!
Шоирга қанотдир, эҳтирос, илҳом,
Юрак талпинмоғи, ёнмоғи керак!

ШУКРУЛЛО



Атокли шоир, ёзувчи ҳамда драматург Шукрулло Юсупов 1921 йили Тошкентда туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг бўлғуси адиб дастлаб педагогика техникумида ўқиди. Сўнгра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди. У дўсти, машхур таржимон Хибзиддинхон Муҳаммадхон хакида шундай ёзади: “Институтга киргач, бир куни Хибзиддинхон мени кўриб ёнига чақирди. Сўнг бирга сайр этиб юрган курсдошлари билан таништирди: “Мана бу шоир Шухрат, бу – Зафар Диёр, бу – шоир Восит Саъдулла, бу адабиётчи Аҳмад Алиев, бу бошловчи ижодкор – Маҳмуд Муродов...” (Шукрулло, Инсондан яхшилик колсин, “Ўзбекистон овози” 5 май, 2011). Демак, Шукрулло ана шу таниқли адиблар билан ҳамсабоқ бўлган. Институт таҳсилидан сўнг Шукрулло Республика нашриётларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлади. Ўтган асрнинг 30–40-йилларида шоирнинг “Биринчи дафтар”, “Қалб кўшиклари” тўпламлари, “Чоллар” дostonлари чоп этилди. Уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқлар дўстлиги, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ғоялари тараннум этилди. Шоирнинг “26-тонг отари”, “Икки қоя” сингари асарлари ўзбек дostonчилигида фавқулодда ходиса бўлди, бу жанр тақомилига муносиб улуш бўлиб кўшилди.

Шукрулло ҳозирги адабиётимизда классик шоирларимиз ижодидаги ҳикматномаларни, ахлокий-таълимий дидактик йўналишни моҳирлик билан давом эттириб келаётган забар-

даст ижодкордир. Унинг турли йилларда чоп этилган “Умрим борича”, “Хаёт илҳомлари”, “Инсон ва яхшилик”, “Инсон – инсон учун”, “Зарралар”, “Суянчик”, “Яшагим келади”, “Сенинг бахтинг” китобларида инсонпарварлик, ҳамжихатлик, бу дунёдан факат яхшилик уруғини сепиб ўтиш, юксак инсоний ғоялар, ахлоқ-одоб хусусидаги мушоҳадалар ўз ифодасини топган. Кичик бир шеърда ёки икки мисрада катта ахлоқий, маънавий, фалсафий фикрларни изҳор этиш факат Шукрулло дидактикасига хосдир.

Ҳозирги ўзбек драматургияси ҳамда насрининг ривожига Шукрулло муносиб улуш кўшди. Унинг “Хатарли йўл”, “Табассум ўғрилари”, “Ўғрини карокчи урди” драмалари узок йиллар давомида Ватанимизнинг нуфузли театрларида томошабинларга намойиш этилди. Адибнинг “Кафансиз кўмилганлар”, “Тирик руҳлар” каби долзарб мавзуларга бағишланган асарлари илм-одоб аҳли томонидан илиқ кутиб олинган. Адиб насри ҳам мутлақо ўзига хосдир. Агарда “Кафансиз кўмилганлар” билан “Тирик руҳлар”да ёзувчи бошидан кечирганларини, кўрган-билганларини ҳаққоний тарзда гавдалантирса, “Жавоҳирлар сандиғи”да Шарқ адабиётидаги кичик ҳикоят жанрини давом эттириб, китобхонга кўп ҳаётий масалалар хусусида ахлоқ-одоб ҳақида ўғит беради. Шукрулло Ўзбекистон халқ шоири, Республика Давлат мукофоти соҳибидир.

ИЛҲОМ

Ёлвораман, илҳом париси,
Ўз эркимга холи кўй бир дам.
Бола-чақа, тўйлар орзусин
Бошқалардек ўйлайин мен ҳам.

Шафқат этгил, тунда уйғотма,
Бир кеча бер уйқумга ором.
Севги бўлиб бағримга ботма,
Сеҳринг билан мени қилма ром.

Бошқалардек гулларнинг атрин,
Тотиб бўлай боғим ичра маст.
Сен ўшанда дехқон меҳнатин,
Солмай тургин ёдимга бирпас.

Менга ҳам бахт боққанда кулиб,
Тотмасимдан гаштин бир йўла.
Кимларнингдир дардин эслатиб,
Юрагимга солма ғулғула.

Ўз бахтимдан ўзим қувониб,
Ўз ғамимни чекайин ўзим.
Дунё дардин ёдимдан қувиб,
Бир дам бергил қалбимга тўзим.

Илҳом шафқат этдими менга,
Ё қаҳрими, билмадим, бироқ
Энди дунё ташвишларига,
Неча кунки, бефарқман мутлоқ.

Ноҳақликдан энди йўқ қуймоқ,
Илҳом завқи безовта қилмас.
Гулга боксам, босади мудроқ,
Қалбим дарддан туғёнга келмас.

Энди илҳом, ким бўлдим, айтгил?!
Ёлвораман, айтиб, қил изҳор!
Ёлвораман, ёнимга қайтгил,
Халқ дардидан айирма зинҳор!

КУЗ

Кундуз. Осмон юзин буркади булут,
Гўё чирок ёнгач, туширилди парда.
Кўча тупроғидан кўтарар қуюн
Шамол, табиатга қилгандай зарда.

Терак учларига кўнмоқи бўлиб,
Осмону фалакда кушлар чийиллар.
Йўлидан чалғитиб, шоҳларни силкиб,
Олтин япрокларни тўзғитар еллар.


Ёмғир шивалади, бир тўп болалар
“Уй-уйга”, дея таркалиб кетди.
Толзорларни кезган кўм-кўк анҳорнинг
Ёмғир камчисидан қабарди бети.

Кўприкларга боқиб кутган дўстларим
Шунда етиб келди, кўп қилмай мушток.
Самовар навоси, тарнов шарроси
Улфатлар базмига айтилган машшоқ.

ТЎКМА КЎЗ ЁШИГНИ

Тўкма кўз ёшингни, йиғлама, гўзал!
Мажнунтол сингари ёйма сочингни.
Менинг гуноҳимни кечиргил бир гал,
Бир дам қояга бок, кўтар бошингни.

Томчи томиб турар қоядан чак-чак,
Бир томчи тошларга солибди ажин,
Ахир тош эмас-ку мендаги юрак...
Кўз ёшингни тўкма, менга ҳам ачин.



МИРМУҲСИН

(1921–2005)



Атокли адиб, дostonнавис, ўзбек адабиётида хориж мавзуларида сара асарлар яратган Мирмуҳсин (Мирсаидов) 1921 йили Тошкентда кулол оила-сида дунёга келган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг бўлажак серкирра ижодкор Мирмуҳсин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. Институт таҳсилдан сўнг

Мирмуҳсин республика матбуотида ишлади, узок йиллар давомида “Муштум” ва “Шарк юлдузи” журналларида бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди.

Ижоди ўтган асарнинг 30-йиллари ўрталарида бошланган Мирмуҳсин дастлаб “Қамар” дostonини, шеър ҳамда хикоялардан иборат илк тўпламларини китобхонлар эътиборига ҳавола этди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан ке-йинги йилларда Мирмуҳсин халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик тараннум этилган “Эр юрак”, “Ватан” шеърлий тўпламларини яратди. Унинг “Уста Ғиёс”, “Дўнан”, “Широқ”, “Невара” каби дostonлари 50-йиллар дostonчилигида ўзига хос ходиса бўлганди. У “Зиёд ва Адиба” билан ўзбек шеърлий романчилигини бошлаб берди. 60-йилларда адиб хикоя, қисса, дostonлардан таркиб топган бир қанча китобларни нашр эттирди, хорижий мавзуларда кўплаб хикоялар ёзди. Унинг “Дорбозлар”, “Жамила”, “Қизил дурралар”, “Чўри”, “Оқ мармар”, “Тунги чақмоқлар” сингари китоблари шу йиллардаги серкирра ижоднинг маҳсулидир.

Ўзбек романчилиги таракқиетида Мирмухсиннинг ҳам ўрни катта. Унинг ранг-баранг мавзуларда битилган “Меъмор”(1974), “Темур Малик”, “Турон Маликаси” (1997) романларида шонли халқимиз тарихининг муайян даври кенг камровли тасвирланган бўлса, “Умид” (1967), “Чиниқиш” (1970), “Дегрез ўғли” (1970), “Чотқол йўлбарси”, “Илдизлар ва япроқлар”, “Илон ўчи” сингари романларида замондошларнинг ёркин образлари яратилган. Ёшлар ҳаёти, кураши ва бахти ўзига хос ҳаққоний тасвирланган “Умид” романи кенг жамоатчилик баҳси ва эътирофига сазовор бўлганди. Адибнинг барча асарларида халқимизнинг узок ўтмишдаги ватанпарварлик, қаҳрамонлик, миллий ғурур йўлидаги жасорати тасвири билан яратувчанлик меҳнат жараёнидаги турмуш тарзи, рухий кечинмалари тасвири доим уйғунлашиб келган. Шу жиҳатдан “Меъмор”, “Темур Малик” романлари тарихий мавзудаги сара асарлар сирасига киради.

Атоқли адиб, шоир, журналист Мирмухсиннинг адабиётимизни бойитишдаги улкан хизматлари муносиб тақдирланган. Адибнинг “Умид” романи Республика Давлат мукофотиغا муносиб кўрилган. У Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқ маорифи аълочиси. Ёзувчи “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибидир.

ХАЙРУШКА

(“Чотқол йўлбарси” романидан парча)

Эрта билан уйқудан кўз очган Гулгун ўз каровати ёнидаги чиройли тумба устида “Zju Zju” деган француз атири турганини кўрди. Бундай атирни у тўйга борганида, ўша олимнинг қизлари хонасида кўрган эди. Бундан бошқа “fidji” деган атирни ҳам ҳидлаб кўрган. Жуда ҳам хушбўй, жуда ҳам зўр эди. Ярим ялонғоч Гулгун кўрпани оёғига итариб, кўл узатиб, кутичани олди-да, нариги каровотда пишиллаб ухлаб ётган Таманнога ҳам қарамай, биллур идишдаги қаҳрабо ранг атирга тикилиб, ҳидлади. Шу пайтда бирон деразадан уни яширинча кузатган бирон кимса унинг бўртиб

чиккан оппок кўкси, кабутарсимон чиройли бўйнию елкаларини, кўрпадан чикиб колган сонларини бемалол кўриши мумкин эди. Муаттар бир хид димоғини чоғ этди, у негадир дугонасидан қизғаниб, қайта-қайта ҳидлади. Тумбочкаси устида бундай кимматбаҳо атир пайдо бўлиб қолганига таажжубланмади. Нега таажжубланмаганига ўзи ҳам тушунмасди. Ноёблик олдида иттифоко пайдо бўлган ноёблик бир-биридан ҳадиксирамай кўшилиб кетаверар экан-да! Бу кандайдир ғайриодатий бир ҳол эдики, шунча хушёрлиги билан Гулгун буни ўйлаб ҳам ўтирмади. Уйқудан эркаланиб кўз очган Таманно ҳар кунги одатича Гулгунга тикилиб, уни ҳазил-мазах қилмоқчи бўлиб турган эди, унинг кўлидаги атирга кўзи тушиб, “нима?” дегандек бош ирғади. Гулгун атирга ўз хирсини кўйиб, кўз-кўз қилди.

– Бу “Зю-зю!”

– Кўриб турибман, – деди Таманно оғзини катта очиб, хомуза тортиб.

– Тумбочкам устида пайдо бўлиб қолибди.

– Бу – акамнинг қилиғи... У қачонлардир кеннайимга “Шеньюар” атирини ҳам олиб келган эди...

Чақадиган бир нимани ушлаб олгандай, Гулгун шу лаҳза кўлидаги атирни тумба устига қўйди.

– Бу сенгами?

– Сенга, – деди Таманно ёстикдан бош кўтариб. У ҳам Гулгундек ярим яланғоч, чиройли кўкси кўриниб турарди, – сенга, олавер! У атай сенга олиб келган.

– Нега менга? Қизиқ!

– Берганнинг юзига қарама! Олавер! Улар магазинчи, савдогарлар. Акам жинни-ку!.. Сенга олиб келибдим, олавер!

– Йўк, бекор қилибдилар!

– Биргалашиб ишлатармиз. Хохласанг, мен ҳам суртиб турарман.

Ўртага бир неча дақиқалик сукут тушди. Гулгун каравот оёғи томонга ташлаб қўйгани – кўк селон халатини тортиб олиб, елкасига ташлади. Негадир гўзал танини бекитди.

– Акамлар шунақалар... – деди яна Таманно қулиб, – э-э, улар жуда ёмон!

Акамни опамлар, адамлар яхши кўришади. Эрка ўгил. Индамайман. Бўлмаса, буларнинг қилиб юрган ишлари учун ошнолари билан бирга барчасини тўппонча билан отиб ташласа арзийди.

Гулгун миқ этмади. У тумбочка устидаги “Зю-зю”га яна бир караб қўйди. “Зю-зю” секин-аста катта бир одамга ўхшаб, Гулгунга тикилди. У бу хонадоннинг эркаси ва ҳоқими Хайрушкага ҳам ўхшаб кетарди. “Мен сизга аталганман, сизникиман...” дегандай бўларди. “Мени асло маҳмадона Таманнога бера кўрманг, мен фақат сизга аталганман, бундай “Зю-зю”лар фақат сизга муносиб...” дегандай гаплар эшитилди. Гулгун кўксини қўллари билан бекитди. У атир шишасидан уялгандай бўлди.


Хайрушка ўттиз беш ёшларга борган, қадди-қомати келишган, сўзга уста йигит. Хотин-қизлар диққатини дарҳол ўзига тортади. У ўзига нигоҳлар қадалганини сезгач, камгап ва сипо бўлиб олади. Ичида гап кўп – дунёнинг тагига етган кишилардек ақлли гаплар ҳам айтиб қўяди. Аммо унинг баъзида рўпарасида диққат билан тикилиб турган кўхлик жувонга парво қилмай, эътибор бермагандек, ўзини арши аълодан келтириб яна бир неча баландпарвоз гаплар айтиш одати ҳам бор. Бу гаплар аслида пўрсилдокнамо гаплар эканини янги суҳбатдошлари сезмай қолади, уни яхши биладиган одамлар эса, мийиғида кулиб қўяди. У илгари юқоридан келиб, машҳур кишилар номини кўпроқ тилга оларди. Уни ёшлигида маҳалладагилар “Хайрушка” деб аташарди, яхшигина дутор чалиб ашула ҳам айтарди. Буни қарангки, отаси бутун бошқа олам, боласи бутун бошқа олам бўлиб чиккан.

Хайрушканинг ўз фалсафаси бор; дунёда қўлга тушмайдиган ҳеч бир хотин йўк. Қаловини топсанг қор ёнади. Бунинг учун фақат йўл топа билиш керак. Уларни гап билан алдаш, шароитга мослашиш, осмондан келиб мактаниш... унинг найрангларида фақат бири эди. У бир йили ўз онаси Марҳаматхонни ҳам жуда ноқулай аҳволда қолдирган эди; камалиб колган бир база мудирининг ўғирлиги фош бўлганида терговчи Хайрушка Музаффаровни ҳам сўроқ қилиб, ота-онани юрак ўйноғи қилган...

Она кўлидаги брильянт кўзли узугининг серкирра кўзига тикилиб туриб, юраги орқасига тортиб кетган эди. Мошдек яркироқ тош бир ботмонлик тегирмон тошидек оғир бўлиб туюлди. У бошига тушиб, мажакламокчи ҳам бўлган. Қулоғидаги икки зирак ҳам брильянт эмас, қулоғига осилиб турган икки сарик чаёнга ўхшаган. У ҳатто қўл текизгани ҳам кўрққан. Ҳар қалай, Хайрушка бу ишдан кутулиб қолди.

Шу йиллари Хайрушка “фан кандидати” деган илмий даража олишни жуда ҳам орзу қилиб юрарди. Шаҳримиздаги магазинлардан бирида эркаклар костюми сектори мудирини бўлиб ишлаб туриб, айти вақтда “диссертация устида иш олиб борди”. Кўп одамлар “фан кандидати” бўлиб олган, “кандидат” бўлиш ҳозир бир қурум зиёлинамо кимсалар орасида қадим чарлистон шим кийиш мода бўлганидек модага айланди. “Нима, Шокосимдан менинг нима кам, ўшанинг аклича ақлим йўқми?”, – деди ўзига-ўзи Хайрушка. Ўғлининг нимага лаёқати борлигини яхши биладиган Файзулла Аҳмедович аввал қулди, кейин: “Э, қўйсанг-чи, ўғлим, биров эшитиб қолса уят бўлади, – деди. – Ҳамма ҳам кандидат бўла бериши шартми?” – деб шахтини қайтарди. Ўғлининг ёшлиқдан ишга тоқати йўқ, зехни сал пастлигини биларди.

Хайрушка отасидан бу гапни эшитиб хафа бўлди. Ўз ўғлини “камситган” отани у бир жеркиб ташламокчи ҳам бўлди. Бу ишга журъати етмади-ю, аммо бир неча кун қовоғини солиб, гаплашмай юрди. “Бўлса бўлаверсин, сизга нима?”, – деди Марҳаматхон қунлардан бир қуни чучвара еб ўтиришганида Файзулла Аҳмедовичга.



РАМЗ БОБОЖОН

(1921–2008)

Атоқли шоир, драматург, жамоат ар-боби Рамз Бобожон 1921 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У дастлаб мактабда, сўнгра Таълим-тарбия техникумида таҳсил кўрди. Кейин эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Олий ўқув юрти хатмидан сўнг Рамз Бобожон ёшлар газетасида бўлим мудири, муҳаррир, нашриёт ва радио кўмиталарида бошлик, муҳаррир бўлиб ишлади. Бундан ташқари, Рамз Бобожон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Ватан” жамиятида ҳам ишлаган.



Бадий ижод майдонига 30-йилларнинг ўрталаридан кириб келган Рамз Бобожон “Шеърлар” (1939), “Ҳадя” (1940), “Олтин камалак” (1949), “Водий бўйлаб” (1949), “Танланган асарлар” (1958), “Севги сирлари” (1963), “Сенга, севгим” (1969), “Биринчи парвоз” (1980), “Муҳаббатга таъзим” (1980), “Сенинг меҳринг” (1996) каби бир қанча китобларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди, сайланмаларини чоп қилди. Асарларининг номидан ҳам кўриниб турибдики, шоир ёш замондошларининг ҳис-туйғуларини, нозик руҳий кечинмаларини назм ришталари орқали нафис ифодалай оладиган муҳаббат куйчиси экан. Рамз Бобожон забардаст дostonнавис ҳамдир. Унинг халқлар дўстлиги мавзусидаги “Қадрдон дўстлар” достони ўз даврида илм-адаб аҳли томонидан илиқ кутиб олинган эди.

Ўзбек драматургиясини мавзу нуқтаи назаридан ҳам, гоявий йўналиши жиҳатидан ҳам бойитиш ва тараккий этиришда Рамз Бобожоннинг хиссаси катта. Адибнинг “Тоға ва жиянлар”, “Инсу жинс ёки тирик мурдалар”, “Лўлилар”, “Юсуф ва Зулайхо” сингари асарлари кўп йиллар давомида республикамиз театрларида намойиш этилди. Ҳатто “Лўлилар” Москва театрларида ҳам сахналаштирилган.

Ўзбек таржимонлари орасида сермаҳсул ижодкор – Рамз Бобожоннинг ҳам алоҳида ўрни бор. Зероки унинг А.С.Пушкин, Ю.М.Лермонтов, Н.А.Некрасов, А.А.Твардовский сингари забардаст шоирлар ижодий меросидан қилган термалари таржимашунослар томонидан юқори баҳоланган. Рамз Бобожоннинг ана шу муттасил ижодий заҳматлари кенг жамоатчилик томонидан муносиб кадрланган. Унга 1987 йили “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилган ҳамда адиб “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. Забардаст адиб, жамоат арбоби Рамз Бобожон умрбоқий асарлари билан халқимиз хотирасида қолган.

СЕВГИЛИМ!

Ёдимда ўша тун,
Оқ-оппоқ олмадай оймомо...
Юлдузлар йиғилса бир бутун,
Сочилса шоирга манзума...

Севгилим!
Ёдимда шалола
Дарёга қўшилиб оққани,
Уйқудан туролмай Камола
Уялиб,
Гўдакдай боккани...

Севгилим!
Ёдимда оккушлар
Тўш уриб дарёда сузгани,
Юлдуздан тўкилган қумушлар
Тўлқин-ла ўйнашиб ўзгани...

Севгилим!
Ёдимда илк бора
Севгини тилимга олганим,
Дардингни дилимга солганим,
На килай,
Ўзингга ҳавола!

НЕГА ИНДАМАЙСАН?

Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Ёнган юрагимни яна ёқсанг, ёк!
Сенсан саодатим, сенсан тилагим,
Севгилим, дилбарим, кўзларимга боқ,
Кўзларим тубида ёнар юрагим...

Нега индамайсан, нега тилинг лол?
Ким айтиб беради севги эртагин?
Вафо деганинг бу ҳақми ё ҳаёл?..
Кўзларим тубида ёнар юрагим,
Нега индамайсан, нега тилинг лол?


* * *

Кўкда ой, пастда сой – ажаб манзара,
Дарахтлар учида йилтирарди нур.
Баъзан булут тошар, тиниклик хира...
Баъзан гангитарди хаёлот кургур!
Наздимда оймома кичрайгандай,
Умри адо бўлиб қолгандай. кемтик...
Гўё видолашиб, пичирлагандай...
Мен эса ҳайратдан турар эдим тек...
Лекин ўйланардим, ўйга ботардим,
Умримни қилгандай ойга сарҳисоб.
Ҳолбуки, бу кунни бир вақт бир китоб –
Эхтимол, ўша кун, ўша соатнинг
Қадрига унчалик етмагандирман.
Балки болаликдай бахт-саодатни –
Ардоклаб, кўз-кўз ҳам етмагандирман...
Энди, ортга боксам, илон изи йўл,

Баланд-паст, чағир тош, узоқдан-узоқ...
Баъзан соғинаман силкитгандай қўл,
Хотиралар йўлга ёқади чирок.
Кексалик кеккайиб турар кошимда,
Фасллар умримга балки тарозу...
Бир ўй чакмоқ чақиб, дейди, бошимда:
Адашма, бу кунинг эртанги орзу!

* * *

Хиёбон бағрига отилдинг гулдай
Ва ўзинг ногаҳон гул бўлиб қолдинг,
Баҳор сеҳрлаган ошиқ кўнглидай,
Энтикиб-энтикиб чуқур тин олдинг.
Балки бир кучоксан, бир боғнинг ўзи...
Балки ўхшаши йўқ илоҳий гулсан.
Сендадир, севгилим, қалбимнинг кўзи,
Мен сенга, сен эса, севгига қулсан.



ХИБЗИДДИН МУҲАММАДХОНОВ

(1921–1992)

Ўзининг теран тадқиқотлари, публицистик мақолаларию таржималари билан ўзбек адабиёти тараққиётига муайян улуш қўшган таниқли ижодкор Хибзиддин Муҳаммадхонов 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти-нинг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Институтни тугатган Хибзиддин Муҳаммадхонов газета ва журналлар таҳририятларида фаолият кўрсатди. 1944 йилдан эътиборан Ўзбекистон радиоэшиттиришлар кўмитасида муҳаррир, раис муовини бўлиб ишлади; “Ўзбекистон маданияти” газетаси ҳамда журналларда бош муҳаррир ўринбосари, давлат нашриётида бош муҳаррир сингари вазифаларни адо этди.



Ўз ижодини ўтган асрнинг 40-йилларида адабий танқидчи сифатида бошлаган Хибзиддин Муҳаммадхонов Асқад Мухтор, Шукрулло ҳамда Мусо Жалиллар ижодини ўрганиб, жиддий мақолалар ёзди: “Поэтик образ учун”, “Адабиёт равнақи йўлида”, “Ёшлар ижоди хусусида” сингари бир неча монографиялар яратди. Ўша йиллари Хибзиддин Муҳаммадхоновнинг замонавий адабиётимизда маҳорат муаммосига, шеърят поэтикасига доир кескин мақолалари жиддий баҳсларга сабаб бўлган эди.

Ҳозирги ўзбек адабий жараёнида забардаст таржимон Хибзиддин Муҳаммадхоновнинг алоҳида ўрни бор. Зероки, у жаҳон халқлари адабиётининг турли жанрдаги дурдоналарини ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантиришда

жиддий меҳнат қилган. Буюк Л.Толстойнинг “Болалик”, “Ўсмирлик”, Г.Серебрякованинг “Оловнинг ўғирланиши”, М.Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти”, В.Катаевнинг “Полк ўғли”, П.Павленконинг “Бахт” асарларининг ўзбекча таржималари Хибзиддин Муҳаммадхонов қаламига мансуб. Адибнинг публицистик мақолалари-ю таржималари ўз даври мунаққидлари томонидан муносиб эътироф этилган ва баҳоланган.

Атоқли таржимон, серзавқ журналист, ношир, публицист Хибзиддин Муҳаммадхоновнинг маданиятимиз ва адабиётимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони ҳамда бир неча орден ва нишонлар соҳибидир.

ТЕЛБА – ДЕВОНА

Л. Толстойнинг “БОЛАЛИК” асаридан парча

Хонага эллик ёшлар чамасидаги бир киши кириб келди. Унинг чўзинчок захил юзини чўтир босган, узун сочлари, оппок ва сийрак соқоли қизғиш тусда эди. Бўйи новчалигидан эшикдан кириш учун бошинигина эмас, балки бутун гавдасини буқиши керак эди. Эгнига чакмонга ва руҳонийларнинг ридо остидан киядиган узун кийимига ўхшаган йиртик бир нарса илиб олганди; кўлида каттақон ҳасса бор эди. Хонага кирган захоти жон-жаҳди билан ҳассани полга уриб дўкиллатди-да, кошларини чимириб, оғзини катта очиб, даҳшатли ва ғайритабиий бир қаҳ-қаҳа билан кулди. Унинг бир кўзи ғилай бўлиб, шу кўзининг оқи узлуксиз кимираб ва бусиз ҳам хунук юзини янада ёқимсиз қилиб кўрсатар эди.

– Аҳа! Кўлга тушдинг-ку! – деб кичкирди у ва югурганича Володянинг ёнига келиб, унинг бошидан ушлади-да, тепасидан тикилиб қарай бошлади; сўнгра жиддий вазиятда ундан узоклашиб, столга яқин борди-да, клёнкага пуфлаб, уни чўқинтира бошлади. – О-ҳ, эсизгина! О-ҳ, аттанг!.. Меҳрибонларим... учиб кетишади, – деди у, йиғламсираган овоз билан Володяга термилиб; кейин эса, ростакам оқаятган ёшларини енги билан арта бошлади.

Унинг товуши дағал ва хириллар, ҳаракатлари шошқин ва бесаранжом, гаплари маъносиз ва пойма-пой (у сира олмош ишлатмай гапирар эди) лекин сўз ургулари шундай таъсирли туюлар ва сап-сарик, хунук гоҳ шундай қайғули бўлиб кўринардик, гапларини эшитган киши ўзини ачиниш, кўрқув ва қайғу аралаш аллақандай бир ҳиссиётдан тийёлмас эди.

Бу телба – девона ва дайди Гриша эди.

Бу одам қаерлик ўзи? Ота-онаси ким? Нима сабабдан шу кўйга тушиб колган? Буни ҳеч ким билмас эди. Фақат шуни билардимки, у ўн беш ёшидан бошлаб шу кўйга тушган экан, ёзин-кишин яланг оёқ юрарди, монастирларга борарди, кўзига ким яхши кўринса, унга кичкина санам ҳадя қиларди ва ғалати сирли гаплар айтардики, баъзан одамлар буни кароматга йўярдилар. Ҳеч ким уни бирон пайт бошқача бир аҳволда кўрган эмасди. У ора-сира бувимнинг олдига келиб турарди. Баъзилар уни бадавлат бир оиланинг бахтсиз бўлиб туғилган фарзанди, ўзи бегуноҳ одам деса, бошка бировлар шунчаки дангаса мужик дерди.

Охири орзикиб кутилган ва ҳар ишни ўз вақти-соатида қиладиган Фока келди-ю, биз пастга тушиб кетдик. Гриша хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаб, алмойи-алжойи гапириб, хассасини зинапояларда дўкиллатганича кетимиздан келар эди. Отам билан татап меҳмонхонада қўл ушлашиб юриб, нима тўғрисидадир секин-секин гаплашишар эди. Марья Ивановна тўғри бурчаклари билан диванга тақаб қўйилган креслолардан бирида виқор билан ўтириб, ёнидаги қизларга жиддий, аммо босиқ овоз билан насихат қиларди. Карл Иванич бу хонага кириши биланок, Марья Ивановна унга бир каради-ю, ўша заҳоти ўгирилиб олди ва унинг юзи шундай бир тусга кирдики, бундан, мен сизни пайқамаётимман, Карл Иванич, деган маънони укиш мумкин эди. Қизларнинг кўзларидан тезроқ бизга қандайдир жуда муҳим бир хабарни айтмоқчи эканликлари сезилиб турарди; бироқ жойларидан туриб, бизнинг олдимизга келсалар, Мимининг қондасини бузган бўлар эдилар. Аввал биз Мимининг ҳузурига бориб: “Bonjour? Mimi!” деб ер тепиниб кўришишимиз керак эди, шундан кейингина гаплашувга рухсат бўлар эди.

Қандай бадхазм аёл экан бу Мими! Унинг олдида ҳеч нимани гапириб бўлмасди: ҳар бир гапни одобсизликка йўяр эди. Яна бунинг устига мудом: “Barlez donc francais”¹ деб зўрларди; шундай деганида аксга юриб одамнинг мирикиб русча гаплашгиси келарди; ёки овқат вақтида бирон таомни маза қилиб еб, тананг яйраб, ҳеч ким халақит бермасайди, деб турганингда, у албатта “Mangez donc avec du pain” ёки “Comment se que vous tenez votre fourchette?”² деб қоларди. “Ахир, унинг биз билан нима иши бор!” – деб ўйлардик. – Ўзининг қизларига ўргатаверсин-да, бизга ўргатадиган Карл Иванич бор-ку. Карл Иваничнинг *баъзи бировларни* ёмон кўриши менга ҳам маъқул тушар эди.

Катталар олдин йўл бошлаб, овқатхонага чикиб кетишганида, Катенька менинг этагимдан тортиб:

– Онангдан сўра, бизни ҳам овга олиб борсинлар, – деди шивирлаб.

– Майли, сўраб кўрамиз.

Гриша овқатхонада алоҳида кичик бир столда овқатланар эди, у тарелкасидан кўзини узмай, ора-сира хўрсиниб кўяр, юзини кўрқинчли бир тарзда буриштириб, ўзи билан ўзи гаплашгандай: эсизгина!.. учиб кетди... каптар осмонга учиб кетади... ўх, кабр устида тош!.. ва шунга ўхшаш алланималар деди.

Матап эрталабдан бери хафа эди; Гришанинг бу ердалиги, унинг гаплари ва қилиқлари бу хафаликни баттар оширди.

– Ҳа, айтгандай, сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим, сал бўлмаса унутаёзибман, – деди у отамга тарелкадаги шўрвани узата туриб.

– Нима экан?

– Тайинлаб қўй, копонғич итларингни бойлаб қўйишсин, бечора Гриша ҳовлидан ўтиб кетаётганди, сал қолди уни тишлаб олишларига. Болаларни ҳам тишлаб олиши мумкин.

Гриша ўзи тўғрисида гапиришаётганларини эшитиб, бу столга ўгирилди-да, кийимининг далва бўлиб кетган этак-

¹ “Французча гаплашинлар” (франц.).

² “Нон билан енг”, “Нега вилкани бундай ушлайсиз?” (франц.).

ларини кўрсатиб, оғзидаги овқатини чайнаганича гапира кетди:

– Ғажитмоқчи бўлган эди-ю... худо асради. Итга коптириш гуноҳ! Катта гуноҳ! Урма, *улуғ¹*, ургандан нима фойда? Худо кечиради... унақа кунлар эмас.

– Нима деяпти у ўзи? – деб сўради отам унга тикилиб караб, – мен ҳеч нарсани тушунолмаймапман.

– Мен тушуниб турибман, – деб жавоб берди татап, – у менга қандайдир бир овчи қасддан итларига талатганини гапириб берган эди. “Ғажитмоқчи бўлган эди-ю, худо асради” деб шуни айтяпти. Сендан, бунинг учун уни жазоламагин, деб илтимос қиялпти.

– Эҳ-а! Шунақа дегин! – деди отам. Ўша овчини жазоламоқчи эканимни қаёқдан билибди у? Билсанг агар, менинг бунақа жанобларга умуман хушим йўқ, – деб сўзини давом этдирди отам француз тилида, – алалхусус, бу менга сира ҳам ёкмайди, шунинг учун...

– Оҳ, гапирма бу гапингни, азизим, – деб татап нимадандир чўчигандек, унинг сўзини бўлди, – қаёқдан биласан?

– Мен бу тоифа одамларнинг феълини унча-мунча тушуниб олган бўлсам керак, ҳаммасининг ҳам тупроғини бир жойдан олган. Қачон қарабсанки, ўша бир хил машмаша...

Онамнинг бу хусусда бутунлай бошқача фикрда эканлиги кўриниб турарди, шунинг учун бахслашиб ўтиришни ис-тамади.

Х.Муҳаммадхонов таржимаси.



¹ У ҳамма эркакларни шундай деб агар эди. (Л.Толстой изоҳи.)

СУННАТИЛЛА АНОРБОВ

(1922–2003)



Атокли адиб, мохир журналист, саликали таржимон Суннатилла Анорбоев Қозоғистон Республикасининг Туркистон туманидаги Қарнок кишлоғида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Наманган педагогика техникумида, сўнгра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида тахсил кўрди; иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Урушдан қайтгач, республика газета ҳамда журналлари тахририятларида фаолият кўрсатди; “Шарқ юлдузи” журнали ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлади.

Суннатилла Анорбоевнинг илк ҳикоя ва очерклари ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирларида эълон қилинди. Адибнинг турли йилларда “Умр”, “Сузиб борар архарлар”, “Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари”, “Сайрибоғ” сингари бир қанча итоблари чоп этилган; “Оксой”, “Сайли” романлари ёзувчига қатта шуҳрат келтирди. Унинг барча асарларида замондошлари образи, хусусан, чорвадорларнинг турмуш тарзи, руҳий кечинмалари ўзига хос услубда тасвирланган. Суннатилла Анорбоевнинг романлари адабиётшунослар томонидан кенг таҳлил қилиниб, муносиб баҳоланган.

Серқирра, камсукум ижодкор Суннатилла Анорбоевнинг юртимиз адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан тақдирланиб, унга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилган. 1999 йили эса, адиб “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган.

ГЎЗАЛЛИК ИЗЛАБ...

Қиссадан парча

Абдулла Аҳмедович иш кабинетига кирди-да, негадир чироқ ёкмай, диванга оғир ўтирди. Ёпик турган деразадан ховлигача, ундан кўчага ва йироқларга бепарво назар ташлади: уфк темирчининг кўрасидаги ўт олаётган кўмирдай.

Абдулла Аҳмедович ух тортди. Негадир бугун унинг кўнгли шу хонанинг ичидай хира, Академияда қилган ишидан ҳам кўнгли тўлмади: эрталабдан сочи хурпайган бир журналист “сўроққа тутди”. Унинг орқасидан бир илмий ходим боғдорчилик тўғрисида ёзган нарсасини кўтариб кирди. Тавба, Абдулла Аҳмедович боғдор-агроном бўлмаса! Бирор мутахассисга кўрсата қолса бўлмас эканми? Унинг кетидан сиёсий-илмий билимларни тарқатиш жамиятининг кишиси келди... Шунинг устига Қишлоқ Хўжалиги министрлигидан телефон қилишиб, фотокарточкаларингизни юборинг, деб талаб қилишди. Телефон жиринглагани-жиринглаган... Хуллас, бугун илмий иш дейишга арзийдиган нарса қилолмади. Балки уйда иши унумли бўлар, – у ўрнидан туриб, стол устидаги чироқни ёқди. Мармар сиёҳдонга суяб қўйилган конвертга кўзи тушиб, мийигда қолди. “Шу ерда ҳам тинч қўйишмайди”, – деди-да, конвертни кўлига олиб, худди оғирлигини салмоқлаб кўраётгандай бирпас ушлаб турди-ю, столга ташлади. Қоракўлчилик илмий-текшириш институтидан Қишлоқ хўжалик академиясига ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора хат, алоқа, телефонограмма, қўлёзма, ёзишмалар келиб туради. Бу хатни иш жойига юбормай, уйга юборишибди? – Абдулла Аҳмедович конвертни малол келаётгандай эринибгина, кўлига олди. Ўқиётиб креслога ўтириб қолди. “Юрагим сезган эди-я”, – деди анчадан сўнг. У уй ичи дим эканини факат энди пайкагандай, деразани очиб юборди. Шабада терлаб турган кенг пешонасига урилгандай, ёлдор тўши ва қўлтиқларини китиклагандай бўлди. Қулочини ёзиб, қўлларини девор раҳига қўйди. Йўғон гавдаси билан очик деразани тўсиб, коронғи ховлига тикилганча узок туриб қолди. Дарахт баргларининг сирли шитирлаши зўрайди.

Коронгиликни йиртиб, чакмоқ чакди. Кетидан ту누ка томга тош тушиб юмалагандай момақалдиروق калдиради. Дабдурустан ёмғир савалади. Абдулла Ахмедович шошиб, деразани ёпди. Йирик томчилар аччиғланиб ойналарга тасир-тусур урилади. Чўзиқ из колдириб пастга оқади.

Абдулла Ахмедович диванга бориб ёнбошлади.

– Сезган эдим шундай бўлишини, – деди ўзига-ўзи. Кўз олдига ягриндор, ёкаси чок, юзлари, бўйинлари кип-кизил Налтай ака келди. – Консерватор! – деди ҳар бир товушни тишининг орасидан ситиб чиқариб ва ундан юз ўгиргандай бошини кескин буриб, бурчакка тикилганча ўтириб олди. – Ўртоқ Пакка нима бўлди! Нахотки, оқдан қорани ажратолмай қолган бўлса?!


Бундан тўрт йил муқаддам ёввойи архарлар изидан тушиб, овчи билан тоғма-тоғ қувганлари, тортган азоблари, ниҳоят битта ёввойи тоғ қўчқорини отиб олиб, унинг уруғини асраш учун музлатиб қўйиб, яна асли ҳолига қайтармикан ёки бутун меҳнатим бекорга кетдимикан, деб кечалари уйқусиз ўтказганларини бир-бир эслади. Экспериментда энг қийин дамлар ўтди. Мана, учинчи бўғинни ҳам олди. Ахийри, шунча меҳнатининг самараси кўзга кўринай деб қолганда, мана бундай ғовғалар! Район раҳбарлари отарга келиб, биринчи, иккинчи бўғин гибридларни кўришган-у, бош чайқашган. Буни сезган Налтай ака арз қила кетган: уч йил бўлибдики кўпчилик чўпонлар олаётган муқофотдан маҳрум бўлдим, деган; менинг айбим шу тажрибани ўз отаримда ўтказишга розилик берганимми, деган. Кейин ўртоқ Пак ҳам уларнинг таъсирига тушиб қолган! – Абдулла Ахмедович қаттиқ ух тортди. Бу ёнбошидан у ёнбошига ағнади. Ҳамма иллат тажриба охирлаганча тепасида ўзи турмаганида. Қорақўлчилик институтидан олиб келишиб, Академиянинг битта столига ўтқизиб қўйишди. Эртадан кечгача телефон жиринг-жиринг; бири кириб-бири чиқади; президиум, мажлис. Қоғозга ўралашиб қолди! Ўзининг севган ишлари – экспериментлари қолиб кетди. Ақалли яқинроқ жойда Қишлоқ хўжалик академиясига қарашли тажриба базаси бўлса ҳам майли эди! – яна Налтай аканинг вазмин, Семён Павловичнинг қотма гавда-

си кўз ўнгида тикланди. Уларнинг иккови ҳам хафа. – Хўп, бўйнимга оламан: биринчи, иккинчи бўғин архар гибридлари терисининг сифати пастрок, гули сийрак, рангпаррок. Жуни ҳам озрок. Гавдаси ҳам кичикрок. Налтай ака, ўртоқ Пак, сиз директор бўлган совхоз мен бошлаган, ҳозир эса, Қоракўлчилик илмий-текшириш институтининг ходимлари давом эттираётган тажрибадан озми-кўпми иктисодий зарар кўрдинглар. Марҳамат, счёт топширинглар. Институт кўрган зарарларингни тўлашга тайёр.

Хайр майли, учинчи бўғин гибридлар ҳам ўз терисининг сифати, жуни билан тоза конли шерозийдан сал фарк қила қолсин. Лекин ўзларинг инсоф билан айтинглар-чи, шу учинчи бўғин ичида альбиноид билан касалланган кўзини учратдингларми? Сабр килинг, нима демоқчи эканингизни тушундим. Кўк кўчқорни қора совлиққа ёки қорани кўкка кўйиб альбиноид билан касалланмаган соғлом кўзи олиб юрганмиз, демоқчимисиз. Лекин шу йўл билан оладиган кўзиларнингизни териси, албатта, кўк бўлишини олдиндан биласизми? Нега индамайсиз? Билмасангиз мен айтай: қора ранг ҳамма вақт устун чиқади. Кўк кўчқорни қора совлиққа кўйганингизда кўпи билан эллик процент кўк тери олишингиз мумкин. Кўк кўчқорни кўк кўйга кўйганингизда, албатта, туғилган кўзиларнинг териси сифатсиз бўлади, оқ танглай, оқ тил, тумшуғи бинафша, қулоқлари рангсиз бўлиб, яъни альбиноид билан касалланиб, териси пигментланмай кўпи ўлиб кетади. Чорвадор ота-боболаримиз бу касалнинг сирини билмай, худодан кўриб ўтиб кета берганлар. Кўпгина олимлар бу сир устида бош котирганлар. Аммо муаммо ечилмай қола берган...

Хўш, айтинг-чи, томирида ёввойи архар қони аралаш кўк кўчқор билан кўк кўйдан туғилган кўк кўзида альбиноиднинг белгилари борми-йўқми? Куласиз! Сизлар кулиб енгасизлар. Келинглар, сабр қилайлик. Сабр қилсанг ўрадан ҳалво битар, деганлар. Тажрибанинг охирини кутайлик. Балки тўртинчи бўғинда сизларга ҳеч зиён етмайдиган, териси аъло нав, жуни билан гўшт-ёғи мўл кўзилар олишга, альбиноид касалини таг-томири билан йўқ қилиб юбо-

ришга муяссар бўлармиз. Шунинг ҳам айтиб қўяйки, сизлар яроксиз санаб, гўштга ўтказиб юбормокчи бўлган биринчи бўғин гибрид кўчкорларнинг ҳам ўрни бор. Отда қувиб етиб бўлмайди. Бошимга хўп ташвиш ортдингиз, деб нолийсиз, Налтай ака. Бизга ўшандай чопкир қўйлар ҳам керак. Яна куляпсиз. Пойгага кўшамизми, демокчисиз-ку. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Республикамизда ўттиз миллион гектардан ортиқ яйловимиз бор. Шунинг ярмидан кўпи фойдаланилмай ётибди. Одам боласининг қадами етмаган жойлар. Масалан, Устюртни олинг... У ерларга бизнинг биринчи бўғин гибридларга ўхшаган ярим ёввойи, совуққа чидамли, йирткич хайвонлар қувса етказмайдиган чопкир, бакувват қўйлар керак. Столни эгаллаб ўтиришдан озод қилишса, қоғозбозликдан қутқаришса Устюртнинг ичкарасига кириб кетиб, ўша жойнинг шароитига мос келадиган ярим ёввойи қоракўл қўйлар урчитиш устида ишлардим. Қани энди! – Абдулла Аҳмедович тиззасига чарс этказиб уриб қўйди-да, ўрнидан турди.



ПЎЛАТ МЎМИН

(1922 – 2003)

Ўзбек болалар адабиётининг атокли вакили, драматург ҳамда мохир кўшикнавис шоир Пўлат Мўмин 1922 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Ўрта мактаб таҳсилдан сўнг Пўлат Мўмин аввал педтехникумда, сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди. У турли йилларда болалар матбуотида муҳаррир, нашриётларда бўлим мудирини бўлиб ишлади. Кейинчалик эса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Маданият вазирлига қошидаги санъат бошқармасида масъул вазифаларни бажарди.



1949 йилдан 1973 йилгача шоирнинг “Сайранг, кушлар”, “Бўл тайёр”, “Тиш чўткаси эртаги”, “Хунардан унар”, “Тўғри ўсган гул бўлар”, “Ақл қаерда бўлар?”, “Олтин най”, “Раҳматга раҳмат!”, “Эсон ва Омон”, “Одоб ва офтоб”, “Яхшиларга ўхшасам”, “Гул ва пиёз” сингари ўндан зиёд тўпламлари нашр этилди. Уларга кирган турли жанрлардаги шеърларида Пўлат Мўмин биринчи навбатда, ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, касб-хунарга, илм-фанга меҳр кўйиш, ўқиш-ўрганиш ҳақидаги фикрларни уларга хос тил ва услубда тасвирлайди, иккинчидан эса, адиб ўз асарларида кичкинтойларнинг ёш хусусияти, руҳияти, кизиқиши, интилишларини ҳисобга олиб, айрича сўз ва иборалар танлайди. Натижада, Пўлат Мўмингагина хос асарлар яратишга эришди. Шоир асарларида болаларда учрайдиган ялқовлик, танбаллик, ишёкмаслик, атроф-муҳитга бефарқ қараш танқиди ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбек болалар драматургияси тарақиётида ҳам Пўлат Мўминнинг хизматлари катта. Унинг “Қовоқбой билан Чаноқвой”, “Баҳодирнинг жасорати” драмалари Республика ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган. У моҳир кўшикнавис ҳамдир. Шоирнинг кўплаб кўшиклари республика радиосининг олтин хазинасидан ўрин олган. Пўлат Мўмин жаҳон болалар адабиётининг сара намуналарини ўзбек ҳалқининг маънавий мулкига айлантириш йўлида улкан хизмат қилган. А. С. Пушкин, В. Маяковский, С. Михалков, А. Барто, С. Маршак, Н. Носовларнинг болаларбоп асарлари шоир томонидан ўзбекчалаштирилган. Пўлат Мўмин Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибидир.

ЭҲ, РОСА ШИРИН ЭКАН!

Тонгда дадам уйғотиб,
Деди: – Ухлама котиб,
Ковун сотиб олгани
Бормокчийдик, юр, қани.
Севинч чакнаб кўзимда,
Тайёр бўлдим бир зумда.
Атрофимизда шу дам
Айланиб колди укам.
Эргашди бораман деб,
Боришин кўрмасдим эп.
У ялинди ўтиниб,
Сўнг йиғлади ўтириб.
Айёр-да, укам курғур,
Дадам деди: – Майли, юр.
Жўнадик учаламиз,
Йўлда ғиз-ғиз учамиз.
Дадам ҳайдашга уста,
Машинамиз кўк тусда.
Етиб келдик бозорга,
Гўёки ковунзорга.
Олайлик деб саралаб,
Юрдик бозор оралаб.

Босволди тарам-тарам,
Кийгандай тўн – бекасам.
Қуёш нусхали чўтир,
Асал солгандай оғир.
Ковуну тарвузлар – тоғ,
Кўриб кўнглинг бўлар чоғ.
“Дилинг бўлса, мени ол,
Ичим тўла лик-лик бол.
Майли. Мени сўйиб е,
Дехконимга раҳмат де” –
Дегандай кўк ананас,
Кўзгар иштаҳа – ҳавас.
Чеккароқда бир дехқон
Қовунин мақтар чунон:
Келиб қол, эй харидор,
Вақтинг ўтмасин бекор!
Бу Мирзачўл қовуни,
Кимки олмаса буни,
Тушиб қолади пули.
Эҳ, еганлар дармонда,
Емаганлар армонда.
Олиб қол, шинаванда,
Қоқ эрталаб, шудрингда
Узганман сув кўймасдан.
Олмасангиз ҳам, иним,
Еб кўринг-а бир тилим,
Мисоли қўй сўясиз,
Тилимига тўясиз.
Татиб кўрдилар дадам:
Ширин экан жуда ҳам,
Меҳнат қилибсиз роса,
Қани тортинг бўлмаса, –
Дедилар дадам аста,
Биз қарардик ҳавасда.
Майда-майда тўни бор,
Бир метрча бўйи бор.
Ўзи каттакон харсанг,
Дилимдан бўлдим хурсанд.

Тортувди бир ковунни,
Ўн беш килодан ошди.
Кўтаролмайин уни,
Анграйиб аклим шошди.
Дадам дедилар: – Бай-бай,
Шунга кучинг етмаса,
Бу ёғи бўлди қандай?
Зарядкага дангаса –
Бўлишлик оқибати.
Шу ҳолга тушиб бирдан
Кўзни олмадим ердан.
Дехқон-чи, шу захоти
Ўз ўғлига: – Алишер,
Ўртоғингга ёрдам бер, –
Дея килди ҳавола.
Қовунлар ёнида жим
Ўтирарди бир бола.
Мен унга қараб турдим,
У бола кела солиб,
Қовунни ердан олиб,
Мени қилгандай изза,
Кўтариб кетди ғизза,
Машина сари тезда.
У – мендан хипча, кичик.
Ҳайронман, нега кучлик?
Мақтаниб колди дехқон:
Бизнинг ўғилча-полвон,
Ота ўғли чинакам,
Доим беради ёрдам.
Меҳнат билан пишиган,
Барча хурсанд ишидан.
Жўнадик ҳовли томон
Ғаш эди кўнглим ҳамон.
Машина ичида ҳам
Ўтирардим индамай.
Мени мазах қилгандай
Қараб кўярди укам.
У хали кетарми жим?

Кўзига кўринса ким
Роса чалса-я карнай?
Гапга коламан талай.
Келдик-да ховлимизга,
Барча ковунни атай
Ташлаб кўйдик ховузга,
Бўлсин дедик-да, муздай.
Қовунлар ҳовуз бўйлаб
Сузишар қалкиб, ўйнаб.
Бувим, ойим ва дадам
Супада бўлдик-да жам,
Кечга якин шу куни
Бувим катта қовунни
Сўйиб бердилар аста,
Қилдилар тилим, коса,
Бувим сўйишга уста,
Эҳ, ширин экан роса!
Гап очиб қолди укам:
– Эй, бувижон, бувижон,
Бу ковунни-чи, акам –
Кўтаролмади.
– Қачон?
Барча гап-сўзни шу дам
Айтиб бердилар дадам.
Дедилар: – Бундан буён
Зарядка қилгин ҳар тонг.
Ҳар кимнинг ҳам оғзида
Қолди унинг мазаси.
Аммо баъзи-баъзида
Бу ковун воқеаси –
(Мирзачўл ковунини
Ердан узолмаганим)
Тушиб қолса ёдимга,
Ғалати бўлиб таним,
Қарар эдим ёнимга.

СУЛТОН АКБАРИЙ

(1923–1997)



Мохир дostonнавис, халқ ижодиёти неъматлари йўлида ажойиб шеърлар муаллифи, ўзбек матбуотининг саррофларидан бири Султон Акбарий 1923 йили Тошкентда туғилди. Ўрта мактаб тахсилдан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди; иккинчи жаҳон урушида катнашди. Фронтидан қайтган Султон Акбарий бир неча йил республика газеталари тахририятларида ишлади. Бу орада у Москвадаги Олий адабиёт курсини тугатди. Шундан сўнг Султон Акбарий “Тошкент бадиий адабиёт нашриётида”, “Ўқитувчилар газетаси”, хозирги “Ўзбекистон овози”, “Тошкент ҳақиқати” газеталари ҳамда турли журналлар тахририятларида бўлим мудирини, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосарини вазифаларини бажарди. Уни ҳамкасблари “Ўзбекистон журналистикасининг академиги” дейишарди. Ижодини “Хоразм ҳақиқати” газетасида ишлаб юрганида очеркнависликдан бошлаган Султон Акбарий умри давомида “Имоним, эътиқодим”, “Яраланган кўшиқлар”, “Сулув сулуви эмас, суйган сулуви”, “Шукрона”, “Меҳригиё”, “Довон ва девон” сингари кўплаб китоблар яратди. Уларда шоир замондошларининг нозик туйғусини, ранг-баранг сиймоларини ўзига хос жўшқинлик, ўйноқликда тасвирлаган.

Ўтган асрнинг 60-йиллар ўзбек адабиётида Султон Акбарий забардаст дostonнавис сифатида эл назарига тушганди. Унинг “Гирдоб”(1964) дostonни кенг адабий жамоатчилик

этирофига муяссар бўлганди. Шоирнинг “Қатағон”(1992) достонида шўролар давридаги ўзбек халқи бошига тушган мудҳиш воқеалар акс этган. Ўзбек адабиётида “бахшиёна услубда қалам тебратган” (профессор Собиржон Мирвалиев) Султон Акбарий моҳир таржимон сифатида жаҳон халқлари адабиёти дурдоналарини ўзбек халқининг маънавий бисоти-га айлантиришда ҳам жиддий хизмат қилган. Аксарият таржимашунослар қирғиз халқининг камёб эпоси “Манас”ни таржима қилишда Султон Акбарийнинг ўша ўзига хос бахшиёна ижодий услуби намоён бўлганлигини таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам асар ўзбек халқ достонларидай мусиқий жаранглайди ва китобхон томонидан енгил қабул қилинади. Султон Акбарий ўзининг бетакрор шеърлари, мутлақо ўзига хос лутфомуз лафзи билан замондошлари ҳамда дўстлари сафида абадий тирик юрибди.

БАТАН

Шамол бўлиб, водийларингда
Куй шивирлаб юрсам гулинга.
Чанқоғингни боссам чашмадек,
Селдай қайнаб оксам чўлинга.
Ёмғир бўлиб артиб қўйсам-у,
Инжу томса япроқларингдан.
Қуёш бўлиб, шира боғлатсам,
Аримаса бол боғларингдан.
Ой бўлсаму тун бўйи уйғоқ,
Дийдорингга тўёлмай ботсам.
Бўрон бўлиб, ғанимларингни
Қояларга кўтариб отсам.

1956

ОСМОН ЭМАС, ЕР ЯХШИ

Кўкка кўтарилдим қуш қанотида,
Нукус аэропорти хўшлашиб қолди.
Ногаҳоний бир ҳис, бир ажиб кўмсаш
Бутун вужудимни эгаллаб олди.

Осмон минг оҳангда ўйин тушса ҳам,
Уфк кенгайгандай, кочса ҳам нари,
Оқ айикдай чўкиб ётса ҳам булут,
Нурда эланса ҳам чанг зарралари,

Ҳеч зот хаёлимни банд этолмасди,
Ерни соғинардим, она сутига –
Тўёлмаган бола каби тамшаниб,
Юрак жизилларди хижрон ўтида.

Пастга бокмоқдаман: сарик супрада
Кўринади гўё куёш киндиги.
Аму саҳродан зар тасма ўтказиб,
Орол дарвозасин қоқар энтикиб.

Пастга бокмоқдаман: на бир калъа бор,
На қаккайган дарахт, на бахмал водий,
На ҳавойи рангда ёнган жийдазор,
На серрайган кекса тоғлар аждоди.

Пастга бокмоқдаман: на бир мазгил,
На оғзидан тутун чикқан бир мўри,
На довулдай енгил учган чавандоз,
Ҳамма ёқда факат саратон кўри.

Шунинг учун ҳам мен ерни соғиндим,
Хаёл, бўшлиқнинг не қизиғи бор, дер.
Тўғри, мен лой тепиб ўсган инсонман,
Мени йўргаклаган кўк эмас, шу ер.

Тўғри, қумтепалар ўрнидан кўчиб,
Гоҳо қаршимда тик турар шиддатқор.
Аммо сокинликда яшашдан кўра,
Ерда, табиатни енгишда завқ бор.

Тўғри, саксовулдан бошқа, бу ерда
Ўрмон шовилламас, боғлар елпинмас.

Аммо, қорақалпоқ қадами етган –
Қум-қумлоқда ҳаёт нафаси тинмас.

Қатик ивителишар, ёғ туширилишар,
Қут-барақа келар жизза ҳидидан.
Тезде энди сахро туси ўзгарар,
Элнинг қароридан, элнинг дидидан.

...Кўкка кўтарилдим қуш қанотида,
Нукус аэропорти иссиқ хўшлашар.
Осмонда ерни каттик соғиндим,
Сахро муҳаббати қалбимда яшар.

ОНА, БОЛА ВА КАПТАР

Хаёлида кечаги ғамни
Чизиб ташлаб, “тинчлик!” дегандай,
Она турар эди, оламни
Кенг бағрига босгандай.

Чап кўлида дўмбоқ боласи
Талпинарди, сакраса гўё,
Ушлагудай қуёш – лолани,
Торлик қилар завқига дунё.

Сочларига ўрмалаб кириб,
Чаккасини силарди шамол,
Ўнг кўлида каптар, учуриб –
Юбормоқчи ёш сохибжамол...

Шу эмасми кўксидан менга,
Меҳр сутин берган тоза қалб!
Шу эмасми урушни сенга
Раво кўрмай, кетган қийналиб!

Она экан...

корилиб унга,

Нон ёпса ҳам,
тугма такса ҳам,
Шўх ўғилнинг қилиғин тунда
“Адаси”га секин чакса ҳам,
Ўйлагани: тинчликдир фақат,
Юрагини солади куйга.
Онадаги севги ва нафрат
Урушларни йўлатмас уйга.

1956



ҚУДРАТ ҲИКМАТ

(1925–1968)

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли вакили, Ойбек, Миртемир, Қуддус Муҳаммадий, Шайхзода каби буюқларнинг назари тушган жўшқин шоир Қудрат Ҳикмат 1925 йил Тошкент шаҳрида дехкон оиласида туғилди. Болалигидан шеърятга меҳр қўйган Қудрат Ҳикмат мактабда ўқиб юрганида Қуддус Муҳаммадий бошқарган ёшлар саройидаги адабий махфил машғулотларига фаол иштирок этди. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Қудрат Ҳикмат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди: замонамиз алломаси Шайхзодага шогирд бўлди, шоир ва драматург, доцент Ўткир Рашиддан сабоқ олди.



Институт таҳсили даврида ва ундан сўнг Қудрат Ҳикмат газеталар таҳририятларида, бадиий адабиёт нашриётида муҳаррирлик қилди; 1960 йилдан умрининг охиригача “Ёш гвардия” нашриётида бўлим мудири вазифасини бажарди.

Ижоди 50-йилларнинг ўрталарида бошланган Қудрат Ҳикмат ниҳоятда тезкор ва баракали фаолият юритди. Унинг турли йилларда эълон қилинган “Менинг Ватаним” (1950), “Бахтли болалар” (1952), “Ободлик” (1953), “Дўстлик” (1954), “Илоншоҳ ва унинг амалдори ҳақида эртақ” (1963), “Соатжоннинг соати” (1964), “Тошбақалар ҳужуми” (1965) сингари китоблар фикримизнинг далилидир. Бу асарлар жанр жиҳатидан ҳам, мавзу доирасининг ранг-баранглиги нуктаи назаридан ҳам, ҳар бир шеърда болаларнинг ёш ҳу-

сусияти ҳамда психологиясини ҳисобга олинганлиги тарафидан ҳам ўзбек болалар адабиёт инкишофига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Қудрат Ҳикмат асарларида дўстлик, ватанпаварлик, тинчлик сингари мавзулар қуйма, содда, айни пайтда поэтик тароватда ифодалангани, енгил, равон ўқилади; “Менинг Ватаним”, “Уч ўртоқнинг совғаси”, “Боғча”, “Дўстлик”, “Тинчлик ҳақида қўшиқ” шеърлари ана шундай асарлар сирасига киради:

Тинчлик жуда соз,
Тўкин-сочин ёз.
Ўқ товуши чикмас,
Янграр қўшиқ, соз.

Қудрат Ҳикмат ўзбек болалар адабиётида дoston – эртак жанри тараккиётига катта ҳисса қўшган санъаткордир. Шоирнинг “Човқар”, “Тошбақалар хужуми”, “Қум остидаги қовунлар”, “Илоншоҳ ва унинг амалдори ҳақида эртак”, “Кўмилган олтин”, “Вайсаки хотин ва тадбиркор овчи қиссаси”, “Чирчик фарзанди” дostonлари ўша давр болалар адабиётида катта ходиса бўлганди. Қудрат Ҳикмат мохир таржимон ҳам эди. Унинг захматқашлиги туфайли жаҳон халқлари адабиётининг А.Барто, С.Маршак, С.Михалков сингари шоирларининг асарлари ўзбек китобхонларига етиб борди.

ТОҒ МАНЗАРАСИ

Гўё кўкка устун тоғ,
Кийган сувсар, ок калпок.
Чўкқилари ўрқачдек,
Тош гавдаси кенг, ялпок.
Кўксин безар алвон гул,
Кифти арча – тўнлари.
Шўх қўшиқлар айтади
Шалола – фонтанлари
Ҳар харсанги минг ботмон,
Ўртасида нил ховуз.

Буталарнинг тагига
Ин қўйишган ғоз, товус.
Ўтзорларда чиёвлар
Қирғовулу тустовук.
Баъзан қуёш йилт этар,
Баъзан тушар тез совук.
Чодир – уйни ивитиб,
Савалайди сел, жала,
Хуркиб кийик, жайронлар
Қочишар гала-гала.

АЛИШЕР ВА КИТОБ

Китобга ўч ўғилчам,
Олтин топган сингари,
Чикса янги бир асар
Ўқир мендан илгари.
Майли, бўлсин хикоя
Ёки тўрт йўл қувноқ шеър.
Айвончада мук тушиб,
Шариллатар Алишер.
Қош қорайиб кетгунча
Қўлдан тушмас китоби.
Унга ёкқан шеърларнинг
Ҳозирча йўк ҳисоби.
Олимдек серҳаракат,
Ишлар пухта берилиб.
Унча-бунча ёшлардек
Ошиб кетмас керилиб.
Турна қатор саволга
Солдат каби доим шай.
Ҳозиржавоб бўлмасди,
Шунча китоб ўқимай.

МИХ

Қалпок кийган аскарга
Ўхшайди мих полвон ҳам.
Бирикади у билан
Эшигу ром, нарвон ҳам.
У бор, уйлар саранжом.
Ҳавас килар ҳар асбоб.
Кўринишдан камсукум,
Рўзғор учун қулай, боп.
Махсус катак қутида
Сақлашади тежалаб.
Қурилишда усталар
Ишлатишар режалаб.
Гох янглишиб кўп жойга
Қоқиб айб қилишса,
Норозилик билдириб,
Мих қолади кайрилиб.
Дераза ҳам ўрнашмас
Кесакидан айрилиб.
Кўрса ўйинқароклар
Тепиб, сочиб кетади.
Кўзим тушса ногаҳон
Жоним ачиб кетади.
Турли-туман буюмнинг
Пай томири ўшадир.
Бўлак-бўлак ёғочни
Бир-бирига қўшадир.
Бир истагим бор, ука,
Михдай тўғри, ўткир бўл.
Ҳурмат қилиб дўстларинг
Шунда сенга берар қўл.

ЧЕРКЕЗ АЛИ

(1925–1988)

Машхур крим-татар ёзувчиси Черкез Али (Черкез Али Аметов) 1925 йили Қрим вилояти Куйбилиев туманининг Бағотир қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг бўлғуси адиб Қозоғистон чўлларида ўрмончи, хайдовчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент



давлат педагогика институтининг Рус ва крим-татар филологияси факультетига кириб ўқиди. Олий ўқув юртини тугатгач, Черкез Али Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудирининг вазифасини адо этди. Черкез Али назм ва насрда баробар ижод қилган санъаткорлардан ҳисобланади. Унинг болалар учун ёзган илк шеърлари 15 яшарлигида “Симферополь ёшлари” журналида эълон қилинган. Адиб “Ям-яшнаган гуллар достони”, “Гулистоннинг қизи”, “Ватан”, “Мовий тўлқинлар” сингари қиссалар ҳамда кўплаб ҳикоялар муаллифидир. “Менинг ўйларим”, “Ирмоқлар” шеърининг тўпламлари рус ва татар тилларида яратилган бўлиб, ўтган асрнинг 70-йиллари болалар адабиётига қўшилган муносиб улушдир.

Қрим-татар таржимачилигига ҳам Черкез Али катта ҳисса қўшган. У Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Уйғун каби ўзбек ёзувчиларининг асарларини она тилига зўр маҳорат билан таржима қилган. Адибнинг “Тонг оғушида” романи адабий танқидчиликда қишлоқ одамлари ҳаёти тасвирига бағишланган муҳим асар сифатида муносиб баҳоланган. Черкез Алининг баъзи асарлари жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган.

ЎЗГАРАЁТГАН ЭРКАКЛАР

Ҳикоя

Одам тушуниши кийин экан: бугун бундай, эртага ундай...

– Эражап, кейинги вақтларда сени таниб бўлмай қолди? Нима бўлди, оғайни?

– Вақт йўқ, қўшни. Яшаш ўзгариб кетди. Шу пайтгача тузукроқ яшамай, адашиб юрган эканман. Энди ишларим шундай яхшики. Барака топгур хотиним, соғ-саломат юрсин...

– Гапинг ғалати-ю! Яқинда хотиндан безор эдинг. Энди хакига дуо қилиб қолибсан?..

Бундай бўлган эди. Сулейман оға бир куни ишдан қайтса, Эражап ўзининг дарвозаси олдида бошини ҳам қилиб ўтирибди. Сулейман оға унинг ёнига келиб салом берса ҳам, эшитмади.

– Нима бўлди, қўшни, нима қилиб ўтирибсан? Худди бошингга бир ташвиш тушгандай. Гапирсангиз-чи, бирон ёрдамим керакдир? Ҳарҳолда, қўшнимиз...

Эражап бошини кўтарди. Кўзлари ҳасратга тўла. Сал гапирса, йиғлаб юборадигандай. Яна чуқур уф тортади денг.

– Эй қўшни, қандай тушунтирсам экан... Яшашим ўзгариб кетяпти. Бузилган уяга ўхшаб қолди.

– Шошма, шошма, Эражап. Ўйлаб гапиряпсанми? Болаларинг бор. Дунёда чарасиз иш йўқ. Тагин сал нарсага...

– Ҳамма нарсанинг чораси топилади, лекин бунга чора топиб бўлмайди.

– Нега?

– Хотин ўзгарасан, дейди. Лекин мен канақа ўзгаришни билмайман. Сира ўзгаролмайман. Онадан қандай туғилган бўлсам, шундай туравераман. Замонадан орқада қолгансан, замонга мослаш, деб қулоқ-миямни ейди. Эй-й, қўшни! Биласан, канақа роҳатда яшаётган эдим. Хотин атрофимда гирди-капалак. Гаҳ десам, қўлимга қўнарди. Бир имо қилсам, бас, истаган нарсамни тўғирлаб қўярди. Уй ишларига умуман қарашмасдим. Хотин ишга ҳам борарди, уй ишини ҳам

эпларди. Мен эса, кечкурунлари маза қилиб, диванга чўзилиб ё мизғиб олар, ё газета ўқир эдим. Гапнинг қисқаси, ишлар беш эди. Энди... Э-э, нимасини айтай, турмушим бузилиб кетяпти. Нима бўлаётганини ўзим ҳам тушунмайман.

– Бузилди, дейсан, ўзгармайман, дейсан, ҳеч бир гапингни тушунмаяпман. Бунақа гаплар сенга ярашмайди, Эражап.

– Ярашадими, ярашмайдими, билмайман, ҳарҳолда, ахвол шундай. Мана, ўзинг эшит, бир бошдан айтиб бераман. Бир куни эрталаб, нонушта қилгандан кейин хотиним менга кулиб қаради-ю, мулойим товуш билан:

– Энди, хўжайин, пакирларни олиб, чашмадан бир сув келтириб беринг,– деса бўладими. Анграйиб қолибман. Ҳеч бунақа таманно қилганини кўрмаган эдим. Йўқ, демоқчи бўлдим, лекин у ширин-ширин гаплар билан авради. Ҳатто бир марта ўпиб ҳам қўйди. Мен ҳам эриб кетибман. Ҳай, майли, бир марта сувга борсам – борибман-да, деб пакирларни тўлдириб келдим. Эшикдан кирар-кирмасимдан, яна ўшандай таманно билан илтимос қилиб қолди:

– Энди, хўжайин, кечирасиз-у, кўмирхонадан озгина кўмир ҳам олиб келсангиз. Сизни ишга буюраяпман, кечирасиз, аммо бугун ўзимнинг ишим жуда кўп, бир кўйлак тикмоқчи эдим. Шу ишни қилсангиз, жуда хурсанд бўлардим-да...

Шундай деб юзимни ҳам силаб қўйса бўладими! Довдираб қолибман. Шартта гапириб ташлай дедим-у, лекин у ёқ-бу ёқни ўйладим. Қани, кейин нима бўлар экан, деб кўмирхонага ҳам бордим. Аччиғим чиқиб кетган экан, кўлимга болтани олиб кўмирнинг ҳамма каттасини майдалаб ташладим. Ташиб ҳам қўйдим. Қўлларимни ювиб, бетни ҳам чайиб, келиб диванга ёнбошладим.

– Хотин, бугун ош бўладими? – деб сўрадим. Хотин индамай ошхонага кириб чиқди.

– Эрининг оч қолганини билмаган хотиннинг аҳмоқлигини кўринг, – деб хотиним ўзининг пешонасига нуқиб қўйди. – Дўконга ҳам бормаган эканман, ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да, энди нима қиламан...

– Шуни ҳам ўйлаб ўтирасанми, – деб сакраб турдим. – Тўрхалтани бер, ўзим ғизиллаб бориб келаман. Ҳадемай болалар ҳам мактабдан қайтишади. Хотиним менга таажжублангандек бокди-да:

– Йўк, йўк, ўзим бораман, – деди. – Ишлаганингизга терлаб турибсиз, яна йўлда шамоллаб... кейин мен сизсиз қандай кун кўраман.

– Кўявер, хотин, – дедим. – Тикишдан ҳам чарчаб қолдинг. Ишингни қилиб тур ўзим бориб келаман. То кийимингни алмаштиргунингча дўкон ёпилиб қолади. Айтмоқчи эдимки, муносабатларимиз шу кундан бошлаб ўзгариб кетди.

– Энди жанжал йўқми? – деб сўради Сулейман ажабланиб.

– Қанақа жанжал? Бир-биримизга тикилиб тўймаймиз.

– Унда нега мунақа қилиб ўтирибсан?

– Ўзимни эмас, сени ўйлаб хафа бўлиб ўтирибман, қўшни. Эр-хотин икковларингни муносабатларинг яхши бўлмаса керак. Кўпдан бери сенга айтмоқчи бўлиб юрган эдим-у, аммо уйдаги гапни кўчага етаклайсан, хотинингни қисти-бастига оласан, деб индамай қўйган эдим. Ўзим ҳам илгари бунақа гапларни ёқтирмасдим. Эр деган мана бунақа бўлади, деб ғўддайиб юрган эдим. Майли, ўзинг биласан. Энди кечирасан, эртага байрам, меҳмон чакирганмиз, тайёрланиш керак.

Сулейман кўшниси Эражапни бунақа серҳаракат, ғайратчан аҳволда кўрмаган эди. Ўйланиб қолди. Хотинининг доим: “Қачон бунақа одатларни ташлаб, менга сал-пал қарашадиган бўласиз”, деб нолиб юришини эслади. Афтидан, Эражап шунақа минғир-минғирлардан қутулган.

– Навбат менга ҳам келибди-да, – деб ўйлади Сулейман. – Хотиним бозорга кетган эди, шунча нарсани ўзи кўтариб юрмасин, ёрдам берай...

Сулейман бозорга кетди. Йўл-йўлакай ўйлаб кўрса, ўзи ҳам ўзгариб борапти...

1959

ВЛАДИМИР БАРАБАШ

(1926–1983)

Таниқли жамоат арбоби, ёзувчи ва драматург Владимир Барабаш Ашхобод шаҳрида зиёли оиласида 1926 йили дунёга келган. Бўлғуси адиб Барабаш ўрта мактаб хатмидан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Тарих факультетига дохил бўлди. Институт таҳсилдан сўнг



Барабаш кўп йиллар давомида Республика халқ маорифи муассасаларида ишлади; сўнгра эса, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида масъул вазифаларни бажарди.

Бадий ижодга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган Барабаш асосан ёшлар ва ўсмирлар ҳаётини тасвирлаб асарлар ёзди. Унинг “Славка Маслёнок – вазмин киши”, “Оленка ҳақида” сингари кўплаб китоблари ўқувчиларнинг севимли асарларига айланган. Ўз ҳикоя ва кинематографияда Владимир Барабаш кўпроқ ёшларнинг ўқиш-ўрганиш, касб эгаллаш йўлидаги уриниш ва қизиқишларини болаларбоп тил ва услубда эртакнамо тасвирлашга интилади.

Владимир Барабаш республикамизда русийзабон болалар драматургияси тараққиётига муносиб улуш қўшган серқирра ижод соҳибларидан биридир. Адибнинг “Олтинчи “А”даги чайир бола”, “Қизил папка”, “Славка Маслёнок ва унинг ўртоқлари” сингари асарлари узок йиллар рус ва ўзбек ёш томошабинлар театрлари сахналаридан тушмай келди.

Адиб ўзбек кинодраматургияси тараққиётига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшган. Унинг сценарийлари асосида “Тоғлар чорлайди”, “Ўзбекистон дўстлар нигоҳида”,

“Мангулик”, “Тошкент жасорати”, “Ўзликни топмок” каби бир қатор бадий ҳамда ҳужжатли фильмлар суратга олинган ва намойиш этилган. Ёзувчи Барабашнинг айрим ҳикоялари, қисса ва драмаси ўзбек тилига таржима қилинган.

САЁХАТ – РОҲАТ

Қиссадан парча

Эртаси куни мактаб худди асалари уясига ўхшаб гувулар эди! Ўқувчилар танаффус пайтида тўп-тўп бўлиб, гоҳ у қаватга, гоҳ бу қаватга югуриб чиқишар, йиғилиб олиб, алланималарни ўзаро шивирлашар, янги хабарни бир-бирларига айтиб бўлишгач, ким бораркин-а, деб савол ҳам ташлаб кўйишарди.

Олтинчи синфларда дарслар жуда интизомли ўтар, ҳеч ким ўқитувчига ҳалакит бермас, танаффусга кўнғирок чалинганда болалар ўринларидан бирдан туриб кетишмас, ҳар кунгидек коридорда шаталок отиб югуришмас, сиполик билан ўқитувчиларни ўраб олиб, худди катталардек жиддий туриб, дарсга ҳам, бўлажак саёхатга ҳам мутлақо алоқадор бўлмаган саволларни ёғдиришарди...

... Ана, коридорда, дераза тагида Славка Маслёнкин билан Шокир Тошкенбоев гаплашиб туришибди. Славканинг негадир кайфияти ёмон.

– Муносиблар эмиш... кимлар экан улар? Анови Витька Солнцев бўлса керак-да. Аълочи бўлгани билан уни ҳамма билади – ўлгудек мактанчок, ҳеч ким билан дўстлашмайди, ўтакетган ҳасис... Яна бири анови Лола Багировадир. У чақимчи, лаганбардор! Сенга ҳам мазза, сени албатта олиб кетишади... Мен бўлсам...

– Нега мени олишади-ю, сени олишмайди?! Сенга нима қилибди, – эътироз билдирди Шокир. – Биз иккаламиз деярли бир хил ўқиймиз-ку.

– Эй, менга далда бермай кўякол... Аълочисан, жамоат ишларида ҳам фаолсан. Арутюн Григорьевичнинг ўзи сени одобли... меҳнатсевар... деб мактаган эди-ку.

– Сен ҳам жамоатчисан, сал ҳаракат қилсанг, аълочи ҳам

бўласан. – Шокир яна дўстини юпата бошлади: – Солнцев муносибми, сенми, бу ҳали номаълум.

Славка хафа бўлиб, бошини чайқади:

– Чунки сен дўстимсан, шунинг учун мени яхши дейсан... Улар-чи? Темир-терсак воқеасини анови синфдаги воқеани... яна бошқа нарсаларни эслаб қолишса – тамом...

Шу пайт дарсга қўнгироқ чалинди-ю, суҳбат бўлинди...

Танаффусда ўқитувчилар хонасига директор кириб келди. Ўқитувчиларнинг баъзилари дам олиб, чой ичар, баъзилари газета ўқир, баъзилари ҳеч ким билан ишлари йўқ – дафтар текширишарди. Фақат олтинчи синф раҳбарларигина бир ерга йиғилиб олиб, нима ҳақидадир ўзаро секин-секин шивирлашишарди.

– Сизларнинг синфларингизга бирон нарса бўлдимиз, дўстларим? – деб сўради улардан Арутюн Григорьевич. – Анови Солнцев чиндан ҳам одобли бола... буни ҳамма билди, лекин у бугун бир танаффуснинг ўзида мен билан негадир уч-тўрт марта саломлашди... Фақат у эмас... Нукул пичирлашишади. Бухорога бўладиган саёҳат ҳақида гапирмаганмидинлар?

– Ҳеч қайсимиз гапирмадик, биз ҳам шунга ҳайронмиз, – Инна Николаевна ҳамма учун жавоб бериб. – Экскурсия билан улар мутлақо қизикмаётганга ўхшашади, бизга бирон-бир синфда бу ҳақда савол ҳам беришмади. Лекин сиз айтганингиздек, ўзларини шубҳали тутишяпти: дарсни ҳаддан ташқари эътибор билан тинглашяпти. Мавзу юзасидан берган саволлари-чи! Танаффус пайтида эса, ҳаддан ташқари мулойим бўлиб қолишган. Балки ҳақиқатан ҳам сезиб қолишгандир.

Ўқитувчилар хонасига Александр Владимирович кириб келди.

– Арутюн Григорьевич, Бухорога саёҳат ҳақида дарсдан сўнг эълон қилиш керак. Борадиганларни танлайлик. Кеча дружина йиғинида ҳам бироз гаплашиб олган эдик...

– Ҳа-а, тушунарли... – деб унинг гапини бўлди Арутюн Григорьевич. – Ҳамма болалар билади. Шунинг учун улар ўзгариб қолишган экан-да. Ана шундай!

– Нима қиламиз энди? – сўради Саша.

– Гап бундай, дўстларим, энди чўзиб ўтиришдан фойда йўқ. – Арутюн Григорьевич манглайини артди. – Бугун дарс охирида тарбия соатини ўтказинглар-да, саёхатга борадиганлар рўйхатини тузинглар. Лекин огохлантириб қўйай, муҳокама очик овоз билан ўтказилсин.

– Очик овоз деганингиз канакаси? – деди ҳаяжонланиб Илья Семёнович.

Ҳамма Илья Семёновичнинг нима демоқчилигини сезди-ю... жилмайганча директорга қаради. Илья Семёнович хали ҳам олтинчи “А” билан тил топишолмаган эди. Шу сабабли “очик овоз” деган сўздан хатто қўрқиб кетгандай ҳам бўлди.

– Нимасига тушунмайсиз, азизим? – деди директор. – Журнални очасиз-у, алфавит бўйича муҳокамани бошлайверасиз. Етти-саккиз болани ажратиб олсангиз бўлгани. Рўйхатни эртага менга келтириб берасиз. Александр Владимирович, сизни саёхатга масъул қилиб тайинлайман, эртага буйруқ лойиҳасини тайёрланг ва б “А” даги мажлисда катнашинг. Ана шундай! Гап тамом!

Олтинчи синф ўқувчилари дарс охирида мажлис бўлишини эшитганларидан кейин ҳаяжонга тушиб, бахс баттар авжига чиқди. Чунки энди улар ўзларини билмасликка ололмас, шунинг учун кимлар саёхатга борса маъқул бўлишини очикчасига ўзларича маъқуллаб, гап талашишар эди.

Бухоро уларга аллақандай сирлар макони, эртақлардагидек сеҳрли бир ўлка бўлиб туюлмоқда эди...

СУЛТОН ҚЎҚОНБЕКОВ

(1927–1992)

Таникли журналист ва шоир Султон Қўқонбеков 1927 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бўлажак шоир, Абдулла Набиев номидаги ёшлар саройи ҳузуридаги адабий маҳфил машғулотирига қатнашиб юрарди. Мактабни тугатгач, Низомий номидаги



Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Бу ерда атоқли адиб ва олим Максуд Шайхзодадан сабоқ олди; илк шеърини машқларини “Чашма” тўғараги машғулотирида устозлари ва тенгдошлари назаридан ўтказиб юрди. Олий ўқув юртидаги таҳсилдан сўнг ҳозирги “Тонг юлдузи”, “Ўзбекистон физкультурачиси” газеталари ҳамда журналларда фаолият кўрсатди; Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, Ўздавнашрда муҳаррирлик қилди.

Илк шеърини ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида эълон қилган Султон Қўқонбеков умр бўйи узлуксиз муттасил ижод қилди ва ўзидан кейин “Жўхори баҳодир”, “Чинор япроқлари”, “Ўғлимга мактуб”, “Эсаверинг, шамолжонлар”, “Арик бўйида” сингари ўнлаб китобларини ёш ўқувчиларга мерос қолдирди. Султон Қўқонбеков болаларнинг кўшиқчи шоири сифатида машҳур эди. Зероки, унинг ўнлаб шеърларига республикамизнинг атоқли бастакорлари куй ёзиб, болалар байрамлари-ю, ҳар хил тантанали маросимларда кичкинтойлар томонидан ижро этилиб келинади. Уларнинг аксарияти республикамиз радиосининг кўшиқ фондида ўрин

олган. Шоирнинг долзарб мавзуларга бағишлаб ёзилган очерк ҳамда публицистик маколалари ҳам анчагина.

ШОХСИЗ ШОХДОР

Эртак

Бир колхознинг фермаси
Эчкиларга бой экан.
Эчкиларнинг ҳаммаси
Яйловга чирой экан.
Дўстлари сув, ўт, куёш,
Жўра эканлар улар.
Олдинда Жайдари бош,
Хўра эканлар улар.
Жайдари дер: – Ангорни
Арзир кўкка кўтарсанг.
Қани, сенда куч борми,
Ундан ўзиб кетолсанг.
Бу гаплар шуҳратпараст
Шохдорни тинч кўймапти.
“Ҳали мен ўшандан паст
Бўлдимми”, деб ўйлапти.
Ангор сезгир эмасми,
Пайкапти буни дархол:
Қувлик қилмасдан, қани,
Кўз ўнгимдан жўнаб кол!
Эшитиб лойиқ жавоб,
Шохдорвой қопти доғда:
“Шошма, – ўйлабди шу тоб, –
Жазолай сени тоғда”.
Тоғда бир кўл бор экан,
Ёнида қатгакон тол.
Ангор кўлни севаркан,
Сувга жўнапти дархол.
Олайиб Шохдор кўзи,
Ўқталиб найза шохин,
– Дабдала қилиб сузиб! –

Депти Ангор ўртоғин.
Бутун кучини чоғлаб,
Газаб чакнаб бетидан,
Ангорга тўрт оёклаб
Ташланипти кетидан.
Бунни сезиб Ангорвой
Тез чап бериб қолипти.
Ангорни деб Шохдорвой
Толни сузиб олипти.
Қаттиқ сузгандан шу дам
Тол силкиниб кетипти.
Шунда Шохдорвойнинг ҳам
Шохи синиб кетипти.
Шу-шу уни кўрганлар
“Шохсиз Шохдор”, дер эмиш.
Ҳа, Шохдордек бўлганлар,
Шундай жазо ер эмиш!

КУЧ ЭМАС, АҚЛ БИЛАН

Эртак

Бир одам қуёш чиккач
Ўрмонзорга боришти.
Анча вақт ўтин йиккач,
Тўнғакда дам олипти.
Ёнига келиб шу дам
Зўр айиқ сўзлабди тик:
– Тур ўрнингдан, эй, одам,
Куч синашиб боқайлик!
Одам унга кўз солса,
Экан жуда баҳайбат.
Агар курашиб қолса,
Мажаклаб ташлар, албат...
Лекин одам қўркмасдан
Депти: – Э, бу гўдаклик,
Бекорга зўрикмасдан
Кучинг ишлат, кўрайлик!

Айиқ ўшшайган ҳолда
Сўрапти: – Қандай килиб?
Одам тўнгатка болта
Урипти кучин йиғиб.
Бўлипти ўйлагани,
Тўнгат тез кетипти дарз!
Ўртасига понани
Кўйипти ўтмай нафас...
– Ажрат, – депти, – шуни сен
Панжанг билан иккига.
Сўнгра ишонайин мен
Кучингинг кўплигига!
Айиқ эса мутлақо
Қилмасдан бунга парво,
Панжасини тикқан чок,
Одам бўлиб хушчақчак
Понага кўл солипти,
Дарров тортиб олипти.
Айиқ панжасин қопқон –
Тўнгат кисиб қолипти...
Оғриқдан-чи, шу замон
Хайвон бўкирворипти.
Одам кулипти бундан:
– Ажрата оласанми,
Курашиш одам билан
Қалай, осон эканми?!
Айиқ жон талвасада
Депти: – Йўқ, осон эмас,
Сени енгиш, албатта,
Менинг кўлимдан келмас.
Одам берипти танбех:
– Билиб кўйки, эй айиқ,
Курашганда куч эмас,
Ақл устун турар, бас!
Шундай дегач бирақай
Понани қокқан замон,
Қочипти тум-тарақай

Кутулиб айик полвон.
Айиквой хозир сира
Мағрурланмай юрармиш.
Одам шарпасин сезса,
Четга чикиб турармиш.



ШОТУРСУН ҒУЛОМОВ

(1928–1965)



Шижоаткор журналист, ҳар хил жанрларда каламини синаб кўрган адиб Шотурсун Ғуломов 1928 йили Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг бўлғуси ёзувчи Шотурсун Ғуломов 1947–1952 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти-нинг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. Беш йил давомида у Олим Шарофутдинов, Мурод Шамс, Аюб Ғуломов, Фаттоҳ Абдуллаев, Шарифа Абдуллаева сингари олимлардан адаб илми соҳасини билиб олди, дастлабки ижодий машқларини устозлари назаридан ўтказди.

Олий таҳсил хатмидан сўнг Шотурсун Ғуломов ҳозирги “Туркистон”, “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газеталарида адабий ходим, бўлим му-дири вазифаларини бажарди. Кейинчалик адиб Ўзбекистон радио кўмитасида муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-сида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган.

Серкирра ижод соҳиби Шотурсун Ғуломов қисқа умри давомида ўзидан сўнг салмоқли адабий мерос қолдирди. Илк ижодини лирик шеърлар, ҳажвиялар ёзиш билан бошлаган Шотурсун Ғуломов ўтган асрнинг 50-йиллари-да забардаст очеркнавис сифатида кўзга кўринди. Унинг Мирзачўлдаги кўрик ва бўз ерларни ўзлаштирувчилари, Ангрен ва Оҳангарон ишчилари, пахтакорлар ҳаёти тасвири-га бағишланган асарлари ўша йиллари бу жанр тараққиётида

муҳим ҳодиса бўлганди. Зероки, унинг очеркларида долзарб мавзулар қаламга олиниб, ижодий меҳнат фидойиларининг ибратомуз сиймолари яратилган эди.

Шунинг учун ҳам, Шотурсун Ғуломовнинг “Бўз ерлар уйғонди”, “Беш оға-ини”, “Ҳаёт гуллари” каби ўндан зиёд очерklar тўпламлари, бир қанча ҳикоялари, “Кутлуғ кун”, “Тоза ҳаво”, “Ёрқин уфқлар” сингари киссалари, “Қуёшга тик қараб”, “Шалола” шеърӣй мажмуалари 60-йиллар ўзбек адабиётининг муайян саҳифаларини ташкил этади. Улар мавзу кўлами жиҳатидан ҳам, ғоявий-бадиий хусусиятлари нуқтаи назардан ҳам, образлар силсиласи томонидан ҳам мутлақо бетакрор асарлардир. Адибнинг баъзи кисса ҳамда ҳикоялари рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

СЕВГИ ПАРЧАЛАРИ

I

– Умри қизни севасан, – дея
Дўстлар менга отишар пичинг,
Баъзан эса, қаттиқ тегишар:
– Сен ошиқсан вафодир бурчинг.
– Тўғри, – дейман, – шўх, гўзал қизни
Севмаган эр борми дунёда.
Севги билан орзу-қувончи
Кундан-кунга бўлгач зиёда.
Бахтли ёшлиқ муҳаббатига
На кенг фазо, на ой бўлар тенг.
Ҳаёт ишки, ёшлиқ ўйлари
Океанлар, самолардан кенг.

II

Оқшом боғда кутардим уни,
Термулардим хиёбонларга.
– Тошар эди сабр тўлкини,
Ундаб ширин, ўтли онларга.

Бокдим, кўкда яна тўлин ой,
Шўх келиндек бокди жилмайиб,
Гулим келди сочиб меҳр-чирой,
Кутдирган-чун ўз-ўзин койиб.
Кўк баркашда ой кулар майин,
Ёрим ундан кўзин узолмас.
Ел кокилин тебратган сайин,
Гўё килар ой гулга хавас.
Ой гўзалми, ёрим гўзалми,
Ажратолмай колдим шу маҳал.
Нурга тўлган чаман боғ ичи,
Гўё берар хуснларга сайкал.
Ой гўзалми десам, севгилим,
Янглишманг деб очар кулочин.
Ёрим гўзал десам, ой тушкур
Рашк қилгандек тарар нур-сочин...

III

Айб менда эмас,
Айб қаро кўзда.
Айб менда эмас,
У ширин сўзда.
Айб менда эмас,
Хув анор юзда.
Айб менда эмас,
Қоши кундузда.
Гар чарос кўзин
Кўрмаса кўзлар;
Гар кўрган онда
Ёнмаса юзлар;
Гар эрка тилдан
Томмаганда бол;
Бўлмаганда дил
Қушига завол;
Гар бокка кириб
Узмаганда гул –
Балки бунчалар

Кулмасди кўнгил.
Балки соядек
Тентирардим унсиз.
Айбдор ўзидир:
Қалб, кўзи юлдуз.

IV

Гул ҳидлими, десам жилмайди ёрим,
Гул ёқдими, десам хандон кулди у.
Бу гул қалбим девдим, тўмшайди бирдан,
Кўзларига гўё кўнди зўр қайғу.
Лабин чўччайтириб, қошин чимириб,
Четга ўгрилди-ю, ковоғин уйди.
Хаёлимда шу дам табиат барча
Музу яхларини бошимга қўйди.
Ўзимни йўқотиб, тилим тутилиб,
Узр-узр, девдим, қилди табассум.
– Вой сиз-эй, – деди-ю, қувноқ жилмайди,
Билмадим, ўчганми рангларим кум-кум,
Яна шошиб кулдим, гул гулга боқди,
Маъноли табассум қалқди юзига.
Қалбини тўлдирган севги оташи
Зеболик бахш этар чарос кўзига,
Қалбим дер: эй сулув доим кулиб боқ,
Қувонч аримасин ойдаи юзингдан.
Кулги, ширин гапсиз зиндондир турмуш,
Англайсан, ҳеч бир гап қолмас ўзингдан.

ШАМСИ ОДИЛ

(1931–1992)



Меҳрибон педагог, моҳир журналист ва шоир Шамси Одил 1931 йилда Каттакўрғон шаҳрида дунёга келди. Маълумки, бу кент Шавкий, Видоий, Дилафкор, Ҳақима, Мирий, Маъдан, Вола, Нокис, Тошпўлат Саъдий, Караматулла Убайдуллаев, Бурҳон Турсунов, Мамарасул Бобоев сингари кўплаб эл суйган ижодкорлар камол топган қутлуғ масканлардан биридир. Ана шундай адиблар ижод булоғидан баҳра топиб, улғайган ёш шоир, ўзига замондош бўлган Холис, Марди Нуруддинов, Яздон Худойқулов, Самариддин Сирожиiddинов, Раҳимжон Сагторов каби даврадошлари билан бирга адабиётга кириб келди. У Каттакўрғондаги мактабни тугатгандан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтнинг Педагогика-психология факультетида таълим олди. Бир неча йил ўрта мактабда, халқ таълими тизимларида меҳнат қилди. Кейинчалик Шамси Одил Тошкентга қайтиб, “Ўқитувчилар газетаси” (ҳозирги “Маърифат”)да, Ўзбекистон энциклопедиясида, “Янги аср авлоди” (аввалги “Ёш гвардия”) ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида фаолият кўрсатди. У Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар уюшмаларининг аъзосидир.

Шамси Одил бағоят камтарин ва меҳнатсевар ижодкор эди. Унинг асарларида она-Ватанимизнинг гўзал табиати, содда ва самимий инсонларининг ранг-баранг киёфалари айрича санъаткорлик билан тасвирланган. Шоирнинг 1970

йилда нашр этилган “Қайнар булок” китобида бу рух айниқса устувордир. Адиб умри давомида ўндан ортик китоблар нашр эттирди. Улар орасида “Икки лола”, “Кашшоф командир”, “Сехрли кўзачалар”, “Чўккидаги шуълалар”, “Самарқанд гуллари” сингари шеърый мажмуаларига кирган асарлари ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу сатрлар муаллифи Шамси Одилнинг зиёлилар ҳаёти тасвирига бағишланган роман ёзаётганидан хабардор эди.

Шамси Одил мохир таржимон сифатида Р.Ҳамзатов, Қ.Қулиев, С.Маршак каби жаҳон адабиёти вакилларининг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Шоирнинг бир қатор асарлари рус, украин, қозоқ, тожик ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, адабиёт ва маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси учун Шамси Одилга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилган; фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

МАҚСАД

Мақсад она сути каби
Лазиз, пок.
Гўё кузда, шох учида
Қолган нок...

Меҳри тортиб,
Унга кесак отиб,
Оломаийн гоҳи ташлаб
Кетасан...
Ғайрат бўлса,
Тирмашасан,
Шохдан шохга
Ўтасан.
Охир –
Нокка етасан.

1958 йил

ТҰРТЛИКЛАР

Ҳар тўқисда бордир иллат,
Ҳар гапга ҳам қалбим ейди лат.
Инсон қалби иссиқ бир шиша
Совук тегса, у синар албат.

* * *

Ҳаётга киргандик: “Қани, пўшт-пўштлаб”,
Ҳадемай қайтамиз: “хайр, хўш-хўшлаб...”
Ортда-чи? Ном қолур яхши ё ёмон –
Одил халқ турибди торози ушлаб.

КАТТАҚҰРҒОН СУВ ОМБОРИ

Мовий денгиздир ястанган,
Атрофида лимонзорлар.
Сув устида қушдай елган –
Учар кема, ёш ўғлонлар –
Ошиқлари эл шунқори,
Сув омбори,
Сув омбори.

Каттақўрғон шаҳрин кафти
Сўлим токзор.
Боғ-роғ катор.
Сув атрофи жаннат бўпти,
Не истасанг, ҳаммаси бор.
Лакқа балиқ, дардга
Дори –
Сув омбори,
Сув омбори.

Қирғоғида ҳайвонот боғи,
Олмаҳон бор ҳамда қундуз.
Йигит-қизлар ҳар ёз чоғи,
Боғда бўлар кеча-қундуз.
Юртга машхур пахтазори,

Сув омбори,
Сув омбори.

Олтин кўлда ўсган лакка,
Суза олмас семизликдан.
Бермас туткич тўр, кармоққа,
Ушларлар сув кечиб белдан.
Ов-ла машғул ёш ва қари –
Сув омбори,
Сув омбори.

Она шаҳрим, яна келдим,
Болалигим қўмсаб атай.
Қайиғингда учиб – елдим,
Мовий сувингдан
Ўргилай.
Сени куйлар қалбим тори –
Сув омбори,
Сув омбори!

1979 йил.

АҚЛ ВА ЮРАК

Ақл билан юракдир инок,
Ақл тошу юрак – тарози.
Юрак шўхрок... Икрорман, биров –
Ақл посангига мутлақ норози...
Юракнинг ҳар доим қўш палласига
Ақл кўяр вазминлик тошин.
Учмай юрак васвасасига
Тўғри тутар шайиннинг бошин.

1967 йил.

НАРИМОН ОРИФЖОНОВ

(1932–2001)



Ўзбек адабиёти ва журналистикасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Наримон Орифжонов 1932 йил 28 сентябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида тугилди. Ўрта мактабни тугатиб, у Низомий номидаги педагогика институтининг Тарих-филология факультетига ўқишга киради ва уни имтиёзли тугатади. Бўлажак шоир меҳнат фаолиятини Тошкентдаги 23-мактабда ёшлар етакчилигидан бошлади. Сўнг журналистика соҳасига ўтиб, 1953–1958 йиллари ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида бўлим мудири, “Гулхан” журналида масъул котиб вазифаларида ишлади. 1980 йили Наримон Орифжонов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида репертуар бўлими бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. Сўнг яна журналистикага қайтиб, “Ўзбекистон физкультурачиси” газетасида муҳаррир муовини, ҳозирги “Туркистон” газетасида бўлим мудири, 1986 йилдан то 1994 йилгача “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида маданият бўлими мудири бўлиб ишлайди.

Наримон Орифжонов ўзининг ижодий фаолиятини ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаган. У асосан болалар ва ўсмирларга атаб шеърлар, хикоялар ҳамда очерклар ёзган. Ёзувчи Наримон Орифжонов ўз ўқувчиларига “Юракка теккан ўк”, “Энг бахтли кун”, “Моникага мактублар”, “Зилзила, Зубайда ва мен”, “Ок каптар”, “Салом, Пифагор”, “Туйғулар”, “Тонгги нидо”, “Ассалом, юлдузлар”, “Сенинг китобинг” каби ўндан ортик тўпламларини тақдим қилган.

Унинг “Куч бирликда” деб аталувчи пьесаси Республика конкурсида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлган ва ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган. Бундан ташқари, Наримон Орифжонов таржима соҳасида ҳам анча меҳнат қилган. Рус ёзувчиси Александр Пученокнинг “Бир кун талқини”, қорақалпоқ адиби Айтбай Бекимовнинг “Ҳаёт йўлида” повести ҳамда жаҳон болалар шоирлари асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Шоирнинг болалар учун ёзган жуда кўп кўшиқлар ёш авлодни юксак ахлоқ-одоб руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, адибнинг “Ола қанот ҳаққалар” кўшиғи ўз вақтида жуда машҳур бўлиб кетган эди. 2008 йил Наримон Орифжоновнинг 75 йиллиги муносабати билан “Кўнгиш” романи нашр этилган. Наримон Орифжонов “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишони билан тақдирланган. “Шавкатли меҳнати учун” медали соҳиби 1978 йилда “Ўзбекистон Республикаси маданият ходими” фахрий унвонига сазовор бўлган.

Наримон Орифжонов 1998 йилда айни нафақа ёшида оғир касаллик билан оғриб ётиб қолади. 2001 йил 16 октябр вафот этади. Лекин унинг ёзган асарлари барҳаётдир. Наримон Орифжоновни рафиқаси, фарзандлари, қариндош уруғлари ва шогирдлари ҳеч қачон унутмайдилар. 2008 йил адибнинг архивида қолган “Кўнгиш” романи ҳам чоп этилди.

ИСТИҚЛОЛ

Юрак, талпин самоларга
 бўлиб қаптар, қанот қокқил,
 Кулок тут хуш садоларга,
 жаҳон аҳлига бир бокқил,
 Бугун ўзбек элин кутлар
 “Сен ҳам озод диёрсан ” деб,
 Ватандан мосуволарга
 атаб бир жуфт чирок ёкқил.
 Адолат истаб аждодлар
 дили садпора бўлмишлар,
 У чоғ дорга, қиличларга

кишанга ёр бўлмишлар,
Юраклар пок, тилаклар пок,
кўнгиллар эрк тилаб эрди,
Таассуфки, ёруғ кунга
етолмай зора бўлмишлар.
Замон келмиш, мана, хурлик,
Ўзбегим исми ёд энди,
Фаробийлар, Торобийлар,
Темурлар рухи шод энди,
Бугун кўк узра нур сочмиш
Улуғбек излаган юлдуз,
Ғазал мулкининг султони
қувонгай бир кушод энди.
Муборакбод этар юртим
ажам бирла араблар ҳам,
Бизнингдек эрка интилган,
эзилган эркталаблар ҳам,
Ҳақиқат бор: адолатнинг
куёши порлади ёрқин,
Уни алқаб чапак чалмиш
боболар ҳам, халафлар ҳам.

Шукурларким, эшитдик биз
эмин эллар қарорини,
Кувон, қалбим, жаҳон қутлар
азиз ўзбек диёрини.
Само тордир нидо қилсанг,
саболар бўлса ҳам ҳамроз,
Сочиб солгин севинчингдан
дилинда неки борини!

ТАБИАТ МАЛАГИ

Мунча соғинтирдинг,
мунчалар, кўзим,
Наҳот босган йўлинг
шунчалар узун,
Сени кутганларга
тилайман тўзим,

Мархабо, кучайин,
дилбар Наврўзим!

Ариклар лабида
хушбўй ялпизлар,
Толбаргак тақибди
шўх-шодон қизлар,
Ўрик гулларига
ошуфта кўзим –
Сенинг йўлларингда,
дилбар Наврўзим!

Шоирлар таърифинг
сўйлашганида,
Ҳофизлар мадҳингни
куйлашганида,
Соғинчдан сарғайиб
ўрганган ўзим,
Садағанг кетайин,
дилбар Наврўзим!

Элдаги мурувват,
эътиқод, иймон,
Меҳрни ҳар
лаҳзанг қилур.
Шунданми, тавсифга
ожиздир сўзим,
Тавсифи бетимсол,
дилбар Наврўзим!

Кафтингда маъмурлик
уруғин тутиб,
Хушнуд одимлайсан,
ғамни унутиб.
Демакки, бут бўлур
бу йил ризқ-рўзим,
Саховат пешаси,
дилбар Наврўзим!

Боғларда яйрасин
 ўғил ва кизим,
Эрка насимингга
 тутайин юзим,
Не бахтки, сендадир
 икбол юлдузим,
Табиат малаги –
 дилбар Наврўзим!

МАЖНУНТОЛ

Сунбул сочларини ёйиб мажнунтол
Мархумлар руҳига аза тутади.
Зиёрат ихтиёр этса кампир-чол,
Бир оғиз тасалли, дуо кутади.
Тасалли қаёқда? Кўзда ғилт-ғилт ёш,
Юракда ғам-хижрон, нидосиз фиғон...
Мисоли ҳайкал тош, ёйдек эгиб бош,
Сассиз кайтиб кетар ҳар кун, ҳар жувон.
Мажнунтол кузатиб қанча сайёҳни,
Қанча зиёратчи – дили сиёҳни,
Орадан ўтган вақт қиска муддатми?
Қайдан олди экан шунча тоқатни?
Ҳамма маънос қайтди, бермай тасалли,
Яна келиб-кетар қанчаси ҳали...
Лекин мажнунтолнинг мунгли қалбига
Бирон зиёратчи соларми қулоқ?
Ва ёки Номаълум солдат қабрига
Гул қўйиб, ортига қайтарми ҳар чок?
Агар қулоқ солса ҳазин куй каби
Тилга кирар эди ҳасратли қалби:
Бундаги ҳар бир тош бир тарих дерди,
Мардлигин сўзлашга йўқ таъриф дерди.
Сўзларди ўт ичра ёнган тунларни,
Қон кечиб ўтилган қора кунларни,
Узоқ ўлкалардан, Қозоғистондан,
Тожик диёридан, Ўзбекистондан
Келиб, бу тупроқни озод этганин,

Жанг куни жон бериб бунда ётганин...
Сўзларди, сўзларди, сўзларди бир-бир,
Ҳеч ким сўрамаса не қилсин, ахир?
Сунбул сочларини ёйиб мажнунтол,
Мармар тош устида аза тутади.
Зиёрат ихтиёр этса кампир-чол,
Бир оғиз тиловат, дуо кутади...

1969 йил, июль, Познань шаҳри



ХАЙРИДДИН САЛОХ

(1934–1969)



Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида ўзбек шеърлятига кириб келган лирик шоир, дostonнавис ва мутаржим Хайридин Салоҳ 1934 йили Тошкент шаҳрининг Лабзак даҳасида ишчи оиласида дунёга келди. Ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ шеърлятга меҳр Хайридинни Н.Островский номидаги ёшлар саройига устоз Ғайратий раҳбарлигидаги адабиёт тўғарагига етаклади. Бу ерда у

Сайёр, Эркин Воҳидов, Анвар Эшонov, Юсуф Шомансур, Тўлкин Расулов сингари адабиёт муҳиблари билан ҳамсабоқ бўлди.

Ўрта мактаб хатмидан сўнг Хайридин Салоҳ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Иккинчи курсда ўқишлар бошланиб кетди ҳамки, Хайридин Салоҳ ҳамон “резерв” (захира)даги талаба эди. Кунлардан бир кун машғулотлардан сўнг дўстим шундай деди:

– Юринг, Ёзувчилар уюшмасига бориб келамиз. Мен Абдулла акадан ёрдам сўрайман.

Биргалашиб Тошкентнинг собиқ Биринчи май кўчасида жойлашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бордик. Мен котиба ёнида – қабулхонада колдим, Хайридин уюшма расиси, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳузурларига кириб кетди. Бир оздан сўнг Хайридин раис билан хонадан чикиб келишди. Ўрнимдан туриб салом бердим.

– Э, Хайриддин, ўртоғингиз ҳам бормиди, нега бирга олиб кирмадингиз? – дедилар-да қўл бериб сўрашгач, катъий оҳангда таъкидладилар: – Йигитлар, бораверинглар, мен Шопўлат акага телефон қиламан, албатта, бу масала ҳал бўлади.

Эртаси куни ректоримиз, машҳур жамоат арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Абдуллаев дарсга кириб келдилар-да, қўлларигадаги папкани столга қўя туриб, бизга қараб мурожаат этдилар.

– Хайриддин, шоир экансиз-у айтмайсиз! Биз – тарихчилар ҳам адабиётни яхши кўрамиз. Устоз Абдулла Қаххор сим қоқиб: “Талаба қилиб олсангиз, зўр шоир бўлади” дедилар. Мен ходимлар бўлимига айтдим, эртага сизга буйрук чиқади! Туринг, шеър ўқинг.

Хайриддин ўрнидан туриб учта шеър ўқиди. Гулдуроч чапак чалдик. Ректор ҳам тўлқинланиб чапак чалдилар. Ҳақиқатан ҳам, иккинчи куни Хайриддинга “студент” деган дафтарча берилди. Мен буюкларнинг бағрикенглигига ўшанда ишонч ҳосил қилганман.

Замонамиз алломаларининг назари тушган Хайриддин Салоҳ 1960 йили институтни тугатгач, болалар газетасида, “Ғунча”, “Гулхан” журналларида фаолият кўрсатди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ шеърлари Шайхзода ҳамда Миртемир домлалар фотиҳаси билан матбуотда эълон қилинган Хайриддин Салоҳнинг илк китоби 1958 йили “Чашма” номи билан чоп этилди. Ундаги шеърларда ошиқнинг ногаҳоний туйғулари, баҳор фаслининг бетакрор фасоҳати айрича нафисликда ифодаланганлиги билан ҳайратланарли эди. Шундан сўнг шоирнинг “Иккинчи имтиҳон” (1961), “Ишқим ва рашқим” (1965), “Тугён” (1969), вафотидан сўнг эса, “Излар ва хислар” (1974), “Лирика” (1985) китоблари нашр қилинди. Унинг “Наъматак”, “Янғроқ ҳаёт” дostonлари кенг илм-адаб аҳли томонидан фавқулодда ҳодиса сифатида қабул қилинган эди.

Хайриддин Салоҳ жаҳон адабиёти буюкларининг асарларини муттасил мутолаа қилиб борарди. Айниқса, Ҳ.Ҳайне, Ю.Лермонтов ва А.Пушкин ижоди уни ўзига мафтун этган

эди. Пахта йиғим-терими мавсумида Ҳайне лирикаси унинг этагидан, ўқиш пайтида қўлтиғидан тушмасди. Шоирнинг Миртемир таржима қилган “Силезия тўқимачилари”ни доим хиргойи қилиб юрарди. Натижада, Ҳайне лирикаси кейинчалик Хайриддин Салоҳ таржимасида алоҳида китоб сифатида нашр қилинди. Унинг айрим шеърлари ўша йиллари ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб қуйланган, Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасига олинган. “Ўйнатиб” қўшиғи шулар жумласидандир. Шоир 1969 йили фожиали тарзда халок бўлган.

КЎЛЛАР

Кўллар, кўллар денгиз сингари
Узокларга ёймишдир қулоч.
Тўлкинига кумуш тўшларин
Уриб ўтар зумда қалдирғоч.

Кучоғида суксур, ўрдак, ғоз,
Сузишади, боқаман соқит.
Тўлқинларга бўлиб ишқибоз,
Чайка учар, қаноти барқут.


Атрофида камишзор ғирват,
Дайди еллар тинмай увиллар.
Эй, кенг чўллар, келарки бир вақт,
Қўйнингизда юз очар гуллар.

Менга кондош козоқ ўлкаси
Юрагимга солди хотира.
Жимирлаган кўллар чехраси
Кўз ўнгимдан кетмайди сира.

1954, Қозоғистон.

МАНЗАРА

Кучли бўрон бўлишин билиб
Хурпайдими хавода булут.



Чийиллади нохосдан жўжа,
Демак, учар сор излаб ўлжа.

Енгил кишнаб ер тепинди той,
Суворийсин кўрди, хойнахой.

ФАРҒОНА БОҒЛАРИ

Сойликлардан чўккига қадар
Сўқмоқ йўллар узок чўзилмиш.
Қуёш тўкиб бошларингга зар,
Дала, кирда бошланади иш.

Сойда тўлқин, кирда қаҳқаҳа,
Тоғдан-тоққа кўчади шамол.
– Меваларим бўлмасин заха,
Дея чиқар боғчасига чол.

Қанот қокиб қушлари дув-дув
Бошларингда бўлар парвона.
Шоирларнинг мактагани шу –
Тилдан-тилга кўчган Фарғона –

Мевалари шарбат билан тенг,
Хушнуд ўтар ҳар бир чоғлари.
Шарқ машъали Ўзбекистоннинг
Шу ердадир сўлим боғлари.

1956, июль.

ЮСУФ ШОМАНСУР

(1936–1978)



Фавкулудда тезкор, серкирра ижодкор, саликали мутаржим, филология фанлари номзоди – поэтика билимдони Юсуф Шомансур 1936 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабда ўқиб юрганидаёқ устоз Файратийнинг адабий махфилида адабиёт сеҳри билан ошно бўлди; Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиб юрганида замонамиз алломаси Максуд Шайхзода назарига тушди. 1965–1967 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил кўрди. Ўқишдан қайтгач, шоир республика газеталари таҳририятларида, “Шарқ юлдузи” журналида ишлади, бадиий, илмий ижод билан банд бўлди. 1957 йил “Горн садолари” тўпламини нашр эттирган шоир “Мехрингизга тўймайман” (1962), “Ойдан келган болалар” (1964), “Юрагим” (1970), “Табассум” (1971), “Ҳолва” (1972), “Қизик-қизик” (1975), “Достонлар” (1977) китобларини эълон қилди. Юсуф Шомансур кичкинтойлар ва катталар учун бирдай асарлар яратишга интилган ижодкор эди.

Агар шоир болалар учун яратган шеърларида ёшларнинг беғубор туйғуларини: ўқиш-ўрганиш, ҳунар эгаллаш, дам олиш жараёнларидаги шўх-шан рухиятлари бадиий инъикос эттирилса, катталар учун ёзилган шеърларида ишқ-мухаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ғоялари тараннум этилади. “Райҳон” сингари кўплаб кўшиқлар матни ҳам Юсуф Шомансур қаламига мансуб. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон

радиосининг олтин хазиnasiда сақланмоқда. У қисқа хаёти давомида баракали ижод қилди, катта мерос қолдирди.

Юсуф Шомансур шеърлятида кўтаринки жўшқинлик билан енгил юмор, хазил-мутойиба қоришиб кетади. Бу рухни кузатиб юрган Миртемир домла “Нафис лирикани Хайриддин ёзсин-у, қувнок юморни Юсуф битсин-да” дерканлар. Шоирнинг вафотидан сўнг дунё юзини кўрган “Кулгига не етсин” (1970), “Кўш юрак” (1981), “Мен ўтказмаган дарахт” (1986), “Кўзйвой” (1987) каби китобляридаги асарлярида ана шу рух сезилиб туради.

Юсуф Шомансур бадий ижоднинг кўплаб жанрлярида асарлар яратган адиб, поэтиканинг, адабий жараённинг долзарб масалалари хусусида сара мақолалар битган олимдир. Агар муаллиф “Қора марварид” романида нефтчиларнинг машаққатли меҳнатлярини – ишчи мавзусини ўзига хос йўсинда тасвирлаб, оригинал образлар ярата олган бўлса, “Ёр қайрилиб бокмади” комедиясида баъзи ёшлар шахсиятидаги ярамас иллатлар, ахлоқ-одобидаги қусурлар кораланади. Демак, Юсуф Шомансур бадий ижодни илмий тадқиқот билан узвий боғлаб борган заҳматқаш адибдир. Нозикбин олим, серқирра ижод сохиби Юсуф Шомансур 1978 йили фожеали тарзда ҳалок бўлди.

ОНАСАН, АЁЛ

Саховатинг билан яралди инсон,
Муҳаббатинг билан файзлидир жаҳон,
Жасоратинг билан ёриди осмон,
Она коинотга онасан, аёл!

Тинмадинг, далада буғдой ҳам экдинг,
Фарзандларга атаб либос ҳам тикдинг,
Эгилмай, энг мушқул меҳнатни эгдинг,
Ватанда меҳринг-ла ўсди ҳар ниҳол!

Сарварлар ичида сарвар иш қилдинг,
Келажаклар наслин парвариш қилдинг,
Қўлга тош олсанг ҳам марварид қилдинг,
Илмда сен билан тенглашмоқ маҳол!

Саховатинг билан яралди инсон,
Муҳаббатинг билан файзlidir жаҳон,
Жасоратинг билан ёришди осмон,
Она коинотга онасан, аёл!

КОШКИЙДИ

Дунёдан беҳабар
Гўдак эдим у маҳал,
Навоий, Пушкинни
Келтирмасдим хаёлга.
Хотинлар йиғилиб ўқишарди шеър, ғазал,
Анграйиб боқардим
Мен шоира аёлга.
Шундай давраларда
Шеър тўкиган бир жувон
Ўла-ўлгунимча турар кўзим ўнгида.
Эридан қорахат
Олган қуни у нолон
Ғазал ўқиганди ёшин артиб энгида.
Дерди: “Сасиб битди шифтга осган қовуним.
Қайда Абдуллажон,
Энди келиб емасми?”
Тингладим
Мурғак қалб ғам ўтида қоврилиб,
Мени шоир қилган
Шу содда шеър эмасми?
Шу ғамдийда шеърни
Тингламасам, агарда
Пушкинни ўқиб ҳам
Бўлардим оддий шеърхон.
Мен шоир бўлмасам,
Рози эдим минг қарра,
Ғақатгина жуфтдан
Айрилмаса бу жувон.
Кошки,
Абдуллажон ўлмаган бўлса,
Кошкийди, ёрининг таралмаса ноласи.

Кошкийди,
Дунёда битта шоир кам бўлса,
Аммо кам бўлмаса битта инсон боласи!


ҲАҚИҚАТ

Сенда буюк қудрат,
буюк жозиба.
Қаримайсан,
аммо ёшармайсан ҳам.
Бомба портлашига,
қизнинг нозига
ўралиб ўзингни яширмайсан ҳам.

Фожида,
бахтда,
курашда доим
Қабариб турасан, содда ҳақиқат.
Одам юрагида сен яшар жойинг,
Сенга керак бўлур
на амал, на тахт.

Ёлғончилик касбин минг йил машқ қилиб
ваъз айтгудай бўлса бирор лўттибоз.
кипригинг учида
турасан кулиб,
енгасан
ҳаттоки чиқармай овоз.
Сенда буюк куч бор,
бор буюк қудрат,
кабариб турасан содда Ҳақиқат!

ҲАЙДАР МУҲАММАД



Таникли шоир, драматург, публицист, кўшиқнавис Ҳайдар Муҳаммад 1936 йили Тошкентда туғилган. Бўлажак шоир ўрта мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига кириб ўқиди: Наримон Орифжонов, Қудрат Ҳикмат, Хайридин Салоҳ, Анвар Юсупов ҳамда Юсуф Шомансур сингари ижодкорлар давра-сида бадиий ижод сеҳрини ўрганиб балоғатга етди. Олий таҳсилни тугатган Ҳайдар Муҳаммад узоқ йиллар давомида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим мудирини бўлиб ишлади. Кейин эса, у Ўзбек Миллий Академик драма театрида “Драматургия устахонаси” раҳбари, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлигининг репертуар хайъатида муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳозир Ҳайдар Муҳаммад Ўзбекистон давлат санъат институтининг катта ўқитувчиси сифатида талабаларга сабоқ бермоқда.

Ҳайдар Муҳаммад қайси юмушни бажармасин, узлуксиз бадиий ижод билан банд бўлди: калб торини чертган нозик туйғулар хусусида ўйноқи шеърлар битди, замон билан ҳамнафас адиб сифатида кўплаб долзарб мавзуларда публицистик мақолалар битди, радиожурналлар, киносценариялар учун кўшиқлар, ҳажвиялар ёзди, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган драмалар яратди.

Шоир Ҳайдар Муҳаммад китобхонларга турли йиллар давомида “Кўнглим менинг”, “Йўллариинг муштоқиман”, “Мен сени севдим”, “Олчамнинг туғилган куни”, “Ҳикматлар

ўйладим” сингари кўплаб тўпламларни инъом этди. Уларга кирган шеърларнинг аксарияти таникли ҳофизларимиз томонидан қўшиқ қилиб куйланган. Унинг 200дан зиёд шеърларига республикамизнинг атокли санъаткорлари куй басталаган. Айниқса, унинг “Дилбар диёримиз”, “Ёзган хатинг қўлимда”, “Ром этдинг”, “Хатларим етмасмикан”, “Ватан жилоси”, “Севги баҳори”, “Самарқанд” сингари қўшиқлари халқимиз орасида машҳур бўлиб кетган.

Юртимиз драматургиясининг ривожига ҳам Ҳайдар Муҳаммаднинг улуши катта. Зероки, адиб ахлоқ-одоб, ватанпарварлик, турмуш маданияти, халқ осойишталиги ва бошқа долзарб мавзуда 25 та катта-кичик сахна асарлари ижод қилди. Улардан “Тошкентнинг нозанин маликаси”, “Хотинлар гапидан чиққан ҳангома”, “Жиноят устида ушлансин”, “Куёвлар конкурси”, “Ҳар кимки жафо қилса...” сингари драмалари республикамизнинг нуфузли театрларининг сахнасидан узоқ йиллар давомида тушмай келди. “Тошкентнинг нозанин маликаси” Хўжанд, Бишкек, Москва сингари шаҳарлардаги театрларда ҳам сахналаштирилган ва томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Ҳайдар Муҳаммад жаҳон халқларининг бир неча сахна асарларини она тилига маҳорат билан ўгирган. Ёзувчининг баъзи асарлари, қўшиқлари халқаро ҳамда республика миқёсида ўтказилган турли танловларда совринли ўринларга муносиб кўрилган.

ЎЗБЕГИМ ХАЗИНАСИ

Ўзбегим хазинаси мардлигу матонатдир,
Унинг асл маслаги инсонга садоқатдир.

Бир майизни қирк бўлиб, қирк дўстини тўйдирган,
Ўзбегимнинг меҳридан бу қадим ҳикоятдир.

Сув келганда симириб, тош келганда кемириб,
Бардош ила топгани озодлик-саодатдир.

Тикилса тоғни тешар, ўйласа нурни эшар,
Илм ила тафаккур бу ерда ижобатдир.

Ибни Сино, Беруний, Улуғбеғу Навоий,
Амир Темур, Бобурлар оламга салобатдир.

Фахр этарман ўзбекнинг фарзанди бўлганимдан,
Ҳайдарга бу мартаба Аллоҳдан иноятдир.

1996 й.

БИР БУТУН ЧОҒИНГ БЎЛАЙ

Келдинг менинг ёнимга кўзи-қароғинг бўлай,
Узоқ умр яшашга ҳаёт булоғинг бўлай.

Меҳр ила боқурсан, жонимга ором бериб,
Сенга эса, юз чандон меҳри кайноғинг бўлай.

Дил риштаси боғланмуш юракларга чамбарчас,
Кўз нуридан тўкилган ўриш-арқоғинг бўлай.

Гулларни кўп севарсан, атиргулни ўзгача,
Кўксимга гуллар экиб, атиргул боғинг бўлай.

Булбул куйи хушнаво, боғларга кўрку зебо,
Атиргулли боғингда булбул сайроғинг бўлай.

Латофатли сўзларинг тугамасин ҳеч қачон,
Сўзларинг жарангига тошу қайроғинг бўлай.

Севишганлар аслида бўлар экан бир бутун,
Сен-ла Ҳайдар Мухаммад, бир бутун чоғинг бўлай.

2008 й.

БАХТ ҚУШИН ҚҰНДИР

Болам!
Ватан тупрок!
Қўлга олиб олтин қил!
Ватан окшом!
Қалбинг ёқиб ойдин қил!
Ватан мулкдир!
Ҳамишага эт обод!
Ватан сенсан!
Эл дилини айла шод!
Ватан тошдир!
Ундан майсалар ундир!
Ватан бошдир!
Унга бахт қушин кўндир!
Болам...

2010 й.

ТАБАССУМ ШИФОСИ

Табассум инсонлар чеҳрасин гули,
Яхшиликда ғунча очар табассум.
Табассумда яйрар одамлар дили,
Шодлигу қувончлар унда тажассум.

Демишларки, гар инсон тонгда,
Ўзига кўзгудан қилса табассум.
Бутун бир танига бошлаб шу ондан,
Сиҳатлик кираркан, ўтмайин бир зум.

Ҳадисда бир ҳикмат бор экан:
“Эр хотинга бир табассум қилса,
Эркакка ўн савоб ёзилар экан”
Зўр бўларди ҳар эркак бу сирни билса.

Табассум бўлмаса, хўмрайган кўзлар
Қоп-кора булутдай босиб оларди.

НИЗОМЖОН ПАРДА

Адиб Низомжон Парда 1937 йили Сурхондарё вилоятининг Бирибатош қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Бўлажак таниқли шоир Низомжон Парда дастлаб ўрта мактабда, кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрган.



Ўқишни битиргач, Сурхондарё вилоятининг Денов тумани мактабларида турли вазифаларда фаолият кўрсатди.

Унинг болаларга аталган дастлабки шеърлари республика газети ва журналларида эълон қилинган. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб муаллифнинг бирин-кетин “Тоғлар орасида”, “Чўл совғаси”, “Бахт водийси”, “Олтин маъбуда”, “Сурхондарё хурمولари”, “Оқ қушлар мамлакати” сингари катталар ва болаларга бағишланган китоблари, публицистик асарлари нашр этилди. Уларда жамланган асарларда шоир ўзига хос бахшиёна усулда юртимизнинг бетакрор табиати, қадимий сурхон водийси меҳнатқаш халқининг рангоранг турмуш уринишларини тасвирлайди, аждодлар жасорати – қаҳрамонлигини васф этади.

Истиқлол йилларида Низомжон Парда янада баракали ижод қилди. Кўхна Термизнинг 2500 йиллигига атаб “Ҳайрат ёхуд Ойбаланд” романини, тарихий ва замонавий мавзуларда бир қанча дostonларни яратди. Уларни тўплаб “Ҳайрат” номли уч жилддан иборат сайланмасини “Шарқ” нашриётида (1998–2000 йиллар) чоп эттирди. Ёзувчи асарлари бир неча хорижий тилларга ҳам таржима қилинган.

ҚЎШИҚ: “ГУЛОЙИМ”

Достондан парча

1

Эрисин, тоғларнинг кори эрисин,
Дарё куриб, баликлари чирисин...
Чанг аралаш тўзон Чу*дан нарида,
Осойишта яшнаб ётар бериси.
Ғубор билмас Шаҳристони тозадир,
Боғлар гуллаб, янги куртак ёзадир.
Работлари худди дурри байзодай,
Минорлари осмонўпар найзадай.
Юрғларига бермок учун боз чирой
Соҳил бўйлаб курмоқдалар Оксарой.
Ҳар кун янги бир иморат унади,
Сангтарошлар зеб бериб тош йўнади.
Полиз, боғча...
Жодир турфа манзара,
Булоқлари биллур,
Бир ён – шаршара,
Зироатлар ҳар кун бир яшнаб кулгай,
Қирларига моли сиғмай ёйилгай...

Чодирини мангу ёйиб ўтган ел,
Қанотланса ҳар гўшага етган ел,
Ошиқлар ахволдан бўлиб огоҳ
Ўланларин дала-тузга ёяр гоҳ-гоҳ:
Қўш попукли дўмбирам, тўрғайим – созим,
Сенинг билан ҳамоҳангдир ҳур овозим.
Дардим эшит, гувранайин завқ-шавқ билан,
Кўнгилларни яйратувчи факат ўлан.
Ошиқни бирлаштирган ўлан бўлади,
Бизларни сирлаштирган ўлан бўлади,
Бу дунёда нима кўп, ўлан кўпдир,
Ўлан айтган тилингдан битта ўптир.
Ўптирардим, бу сирни очасан-да,
Овулингга бирма-бир сочасан-да.

Тулкенинг қизи бор, тили ширин, –
Деб ҳолимдан куласан, қочасан-да.
Бошгинангга ярашар зар тақия,
Сепингга мол берайин туя-туя.
Етса молим, етмаса жон тикайин,
Дардим эшит, йўлингда энтикайин.
Ҳазиллашдим, ҳазилим ёкмай қолсин,
Очофат кўзинг кўзга бокмай қолсин,
Қоч нари, ой юзинг менги бўлади,
Ҳар кимнинг ўзига тенги бўлади.
Ўшал ой юзингнинг менги бўлсам-чи,
Иста, хоҳ истама, тенгинг бўлсам-чи?
Ўзни бозорингга солдим, гул, Гулойим,
Қабул айла, эшигингга қул бўлойин...
Издан қолмай аврайсан-а, ҳаҳ, шум йигит,
Қор қилмасми шунча қилган панду ўгит?
Тақдирингга битган экан мен Гулойим,
Чакангга тақ, чакангга тақ, гул бўлойин...

2

Ойна қўлда ўрдак учар, ғоз учар,
Бир-биридан ўза-ўза соз учар:
Ҳув, ўнгирда икки соя кўринади,
Лабларидан ханда учар, ноз учар:
– Етти ухлаб тушга кирмас, ёмонсиз,
– Сиз тушда ҳам куйдирасиз, омонсиз.
– Сизсиз ўтган куним оромда эди.
– Мен-чи, сизни кўрдим, оромим, дедим.

Дала боши гулгун боғлар бўлармиш,
Дарё боши қорли тоғлар бўлармиш,
Ошиқларнинг бу шавқин ҳам боши бор,
Хатчўп тутган у илк чоғлар бўлармиш.
Овуллари ўзга, мактаб бир эди,
Келиб-кетиш оғир-у, тақдир эди.
Серка, Сакен, Ойчўлпон-у, Улбўлсин,
Бирга ўқир, орзулари мўл бўлсин.

Жилд кўтарган ўсмир йўлда шошади,
Ўркач-ўркач кир-адирдан ошади.
Чўчитолмас бўриларнинг увлаши,
Кутку солиб итларнинг вовуллаши.
Ёққан балки ўқиш-уқиш ҳавоси,
Ё чўғ солган ул кизларнинг барноси.
Мактабхона, сув бўйи бир туп сада...
“Алиф, Бе, Те, Се”лар колди орқада.
Мулла кетди “Ҳафтияк”ка ўтган дам,
Чала колди, аттанг, машғулотлар ҳам...
Йўк,
“Кўшиқ”ни уладилар жойидан,
Давом этди бошқачарок қоида.
Энди улар Ўртакирга келарди,
Иккаласи икки ёндан еларди.
Мол-дунёни бирга-бирга кўшарлар,
Арғумоқда ҳай-ҳайлашиб жўшарлар.
Ўсмир тани мисдай кизиби ёнади,
Қиз кўзида ҳислар халқаланади...
Кун бир терак кўтарилган дам эди,
Ўт-ўланлар селгиллашар, нам эди.
Ўшанда ҳам Борлик шундай осуда,
Ўшанда ҳам иккиси ҳамдам эди.
Чумолига қоплангандай Ер юзи,
Бир тарафда сургалишар кўй-кўзи,
Сургалишар эчки-улоқ, биялар,
Нормоя-ю, тайлок, бўта туялар;
Туяларнинг аммо бири йўк эди,
Лўкларининг зўр, ҳамтири йўк эди,
Гулойимнинг бошидан ақли учди,
Ҳаёлини катта талатўп кучди:
Йўкотганинг нортуями, лўкмиди,
Ёшми, қари, кўнғирмиди, кўкмиди?
Нега бирдан мунча рангинг ўзгарди?
Кетса – келар, бошқа илож йўкмиди?
Қийғир деган қушлар бўлур киёда,
Аламларим кўрдинг – бўлди зиёда.

Номоя йўк, излаб отда учарман,
Тополмаса кезгум пойи пиёда...
Отлар тўрик, басма-басга учади,
Туёқлардан тош чакмоқдай кўчади.
Хаволаниб бораётир йигит-киз,
Териларга сигмай тошиб-жўшади.
Шайдоланиб йўлга тушган, йўл бўлсин,
Йўкотгани олтин бўлсин, мўл бўлсин.
Топилмаса бир-бир қарарлар,
Хоҳи ўр-кир, хоҳи ўнгу сўл бўлсин.
Бўтакўзлар қийғоч кулган паллалар,
Солланади бўтакўзли далалар;
Тақир аро лип-лип ўтиб қолади,
Ўнгиру кок, ўтов, эски кальалар.
Чордарага кирар эдилар,
Ҳайхот –
Алланедан шовур олиб кетди от,
Кутмаганда шул ходиса бўлади,
Хуши қочиб, киз жарликка кулади.
Йигит шунда хийла нари кетганди,
Уфқларнинг этагига етганди.
Бир вақт кўрса, хув, орқада нолакор –
Кишнаб турар суворийсиз жонивор.
Қайтди шўрлик мағрур боши эгилиб.
Қайтди шўрлик юрак-бағри эзилиб,
Сулув кизлар сочин майда тарайди,
Хушторлари йўлига зор қарайди.
Хушторидан айрилмасин ҳеч киши,
Шундай кунда бир-бирига ярайди.
Ночор эди, ночор эди Гулойим,
Дардин кимга сочар эди Гулойим,
Таниб бўлмас, кўрқувдан, хаяжондан,
Аллақачон умид узганди жондан.
Кўзлар кўзга бир лаҳза лол тикилди,
Кўзлар кўзга ҳам бемажол тикилди,
Нетсин, ўсмир киприкларин ёшлади,
Арқон олиб, бир учини ташлади...

НИЗОМ КОМИЛОВ



Журналист ва атокли таржимон Низом Комилов 1937 йили Чуст шаҳрида туғилди. Ўрта мактаб хатмидан сўнг, 1960 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетини тугатди.

Низом Комилов турли ижодий ташкилотларда меҳнат қилди. У “Ёш гвардия”, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида, “Меҳнат ва турмуш” журналида, “Ўзбекфильм” киностудиосида ишлади. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) аспирантурасида ўқиди.

Заҳматқаш адиб Низом Комилов дунё адабиётининг кўплаб сара асарлари таржимаси билан ўзбек адабиётига бойитди. У Нодар Думбадзе, В.Виговский, А.Гайдар, К.Костенко, Ю.Дольд-Михайлик, А.Беляев сингари атокли ёзувчиларнинг асарлари унинг меҳнатлари туфайли ўзбек халқининг маънавий мулкига айланди. У ҳозирга қадар жаҳон халқлари адабиётидан 14 роман, 5 қисса, 14 пьеса, 50 та киносценарийларни ўзбек тилига ўгирган. Низом Комил таржима қилган пьесалар театрларимизда сахналаштирилган. Адибнинг бир қанча ҳикоя ва шеърлари журнал ҳамда газеталарда эълон қилинган. Унинг ҳозирги замон жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан қилган таржималари “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур” журналларида эълон қилиб келинмоқда. У адабиётимиз ҳамда маданиятимиз раўнақига қўшган ҳиссалари учун ҳукуратимиз томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган. Низом Комилнинг таржималари

аллақачонлар илмий-тадқиқот, киёсий-типологик таҳлил объектига айланиб улгурган.

Зероки, мутаржим у ёки бу атокли адиб асарини ўзбек тилига ўгиришга киришар экан, аслиятнинг туб моҳиятини, бадий нафосати-ю ғоявий-фалсафий жиҳатларини тўлақонли ифодаланишига эришади. Беляевнинг “Одам-амфибия”, Думбадзенинг “Абадият қонуни” китобларини мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи бунга тўла ишонч ҳосил қилади. У ҳозир янги таржималар устида кизгин иш олиб бормоқда.

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дўсту ёру ақрабо-хеш, барчадин бегонаман,
Шаъми сўзон ҳам ўзимман, ҳам ўзим парвонаман,
Неча кундуз, неча тунким, дард ила ҳамхонаман,
Аклу хуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложин қил, эл ичра бўлмайин афсона ман.

Зим-зиё гардуни дун, кўзлар хира ашк-намдин,
Жизғанақ бўлди таним, озод қил жаҳаннамдин,
Ишқ ўти курсин, адоийнингни халос эт ғамдин,
Дарду сўзу ашқу оҳимни киёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Қайси кун, қайси замон домингга тушдим, эй санам,
Тобақай умрим ўтар сендин кутиб лутфу карам,
Қайдасан, айт, қайда қолдинг, бас, етар шунча ситам,
Ул замонеким, йирок васлингдин ўлдим, то бу дам,
Ҳар кеча ёдингга минг йўл уйқудан уйғонаман.

Заҳга бердим кўксими, бир қас назар ҳам солмади,
Шу сабаб бу қалтойинг май ичишдин толмади,
Оқибат ҳеч ким уни бир кафт кепакка олмади,
Лаҳзаи заҳри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман?

Айтмасам кўнгил ёнар, гар сўзласам куйгай тилим,
Хомаи пўлодни тутсам, қалтирар тинмай қўлим,

Бор худоё, бор таваккал, бошда бор бир бор ўлим,
Хома мужгон, кўз каросидин ёзиб рози дилим,
Арзаи қилдим, эшит, маъюсу муштоқонаман.

Мору бий домида қолдим, сен дилоромим кетиб,
Тушда ҳам дарранда ҳар тун, сен гуландомим кетиб,
Нўш этарман заҳри гаждум, май тўла жомим кетиб,
Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,
Бир илон чакқан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Соқиё, тўлдир қадах, бир ўлтириб айлай дуо,
Шоҳ бўлармиш ичса ҳар ким, бўлса ҳам қашшоқ, гадо,
Кулма асло, кўҳна дардим бедаводир, бедаво,
Навбати жомим тўла куйғул карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзишу мастонаман.

Майли, сўй, ўлдир мени, кам бўлса шунча оху зор,
Дорга осгил, ўтга ташла, кўзга дунё тангу тор,
Мен на шоир, на жаҳонгир, бир мутаржим хокисор,
Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.



ТОЛАГЕН АЙБЕРГЕНОВ

(1937–1967)

Ҳозирги козоқ шеърятининг ёрқин юлдузларидан бири, шиддаткор окин Толаген Айбергенов 1937 йили Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида таваллуд топди. Ўрта мактабни “аъло” баҳолар билан битирган Толаген 1954–1959 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Қозоқ тили ва адабиёти бўлимида таҳсил кўрди. Олий таълим хатмидан сўнг Толаген Айбергенов 1962 йилга қадар Қўнғирот туманида, 1962–1965 йиллар Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сариеғоч тумани мактабларида козоқ тили ва адабиётидан дарс берди. Умрининг охириги йилларида шоир Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлади.



Толаген Айбергеновнинг илк шеърлари 1957 йилиёқ республикамиз газеталарида эълон қилинган. У замонамиз алломаси, устод Мақсуд Шайхзода назарига тушган, дастлабки шеърлари Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансурлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ижодкор эди. Шоир “Умрга саёҳат”, “Армон сафари”, “Ёшлиқ даврони”, “Мен сени севардим”, “Бир тўйим бор”, “Бокқа саёҳат”, “Омонат” сингари бир неча шеърый тўпламларини нашр эттирди. Толаген Айбергеновнинг шеърлари кардош халқлар тилларига таржима қилинган. Унинг бир неча шеъри Мирпўлат Мирзо таржимасида козоқ шоирлари шеърларидан тузилган антология – “Сайра, дўмбирам” тўпламига киритилган.

Ўта талантли Толаген Айбергенов қисқа умри давомида яратган кўплаб асарларида ёш қалб туйғуларини, туғилиб-ўсган юрти Қўнғирот манзараларини, халқлар дўстлиги, Ватан меҳрини, шеърятнинг абадий мавзуси – ишқ-муҳаббатни фақат ўзига хос соз ва овозда – юксак поэтик пардаларда тараннум этди, китобхонни ўзига маҳлиё этишга, эргаштиришга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам, у Қозоғистон ёшлари мукофотининг совриндори бўлди. 1971 йили унинг рус тилида “Мир созвезний” тўплами чоп этилган. Шоирнинг “Қумдаги миноралар” (1974) китоби ҳам нуфузли совринга сазовор бўлган. У ўзбек шоирларининг яқин дўсти эди. Толаген Айбергенов ўз асарлари билан китобхонлари қалбида иккинчи умрини кечирмоқда.

ЮРАК СЎЗИ

Юраман йўл билан мен эзгу,
Бераман жило кўлларга.
Гувиллаб ётган денгизни
Ағдариб қуйгум чўлларга.

Эргашиб кўпнинг кўчига,
Яйловга чиккум қўй ҳайдаб.
Шодумон дала тўшида
Чалқанча ётгум мен яйраб.

Гоҳи заминни сел чаюр,
Тўлади борлиқ файз-қутга.
Ёмғирли кун нақ мўрча-ю,
Ювингум мен оқ булутга.

КЎЛ

Сулув бўп кетасан қуш, ғозинг келса,
Мен сузгум ойдинингда, ёзинг келса,
Ётгандай бўласан бир яйраб-кулиб,
Сувингни жимирлатиб еллар елса.

Биргина кайноқ ёз-чун сен бордайсан,
Кушларга кизиғи кўп бозордайсан.
...Кушнимас, ёруғ кунни суюсан-ов,
Бежиз сен кўк-осмондан кўз олмайсан.

КЎКЛАМДА

Кўкламни кўмсаб диллар эзилади,
Унда гуллар кизлар-чун узилади.
Осмонда эзгуликнинг номин ёзиб,
Турналар қатор-қатор тизилади.

* * *

Шодликка тўла чоғим энг
Ўтказдим сенда, кир ошдим.
Толега очиб бағрим кенг,
Шивирлаб туриб сирлашдим.

Кўнгли кўкламдек қурч гавда –
Оғам-ла фикр алишдим.
Ёз келбат ёркин женгейга
Ҳазилим айтиб танишдим...

Юракда қадар-нолиш йўк,
Илк севги дилни жазб этган.
Кўринди менга олис бўп
Қошимда турган бўй етган.

Не тонгки, дили пок дўстлар,
Бўз бола кунлар ўтди-ку.
Хандон-ла кулган кўп кизлар
Армон бўп қолиб кетди-ку...

Мирпўлат Мирзо таржималари.

ЎКТАМ УСМОНОВ

(1938–1990)



Ўта синчков, нозиктабъ, заҳматкаш адиб, ҳамиша ҳозиржавоб, тезкор журналист Ўктам Усмонов 1938 йили Тошкент вилояти Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғида боғбон оиласида дунёга келган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Ўктам Усмонов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетида олий маълумот олди.

Институтни тугатгандан сўнг Ўктам Усмонов дастлаб болалар газетасида муҳаррир, масъул котиб бўлиб ишлади. сўнгга республика партия марказий кўмитасида масъул вазифани бажарди. Умрининг охириги йилларида адиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасининг бош муҳаррири лавозимларини адо этди.

Ижоди ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошланган Ўктам Усмонов “Баҳс бойлаган бола”, “Гулдаста”, “Баҳор чакмоқлари”, “Нотинч кеча”, “Сирли соҳил” сингари бир неча ҳикоялар тўпламларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди. Бундан ташқари, адиб “Кишан”, “Қисмат” ҳамда “Баҳор чакмоқлари” киссалари билан ҳам китобхонлар меҳрини қозона олганди.

Ўктам Усмоновнинг ўта долзарб мавзу–адолат билан ҳақиқат учун кураш тасвирига бағишланган “Гирдоб” романи (1979) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотига сазовор бўлди. У жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилига таржима қилган серғайрат ижодкор эди.

Камина Хайридин Салоҳ, Юсуф Шомансур ҳамда Ўқтам Усмоновлар билан ҳамроҳ ўқиганда улар ижодини кузатишга муяссар бўлганман. Пахта терими пайтида Хайридиннинг этагидан Балзак ва Ҳайне китоблари, Ўқтамниқидан эса, Мопассан ва Драйзер асарлари тушмасди. Бир куни қарасам, Драйзер романининг ҳар бир саҳифасига нимадир ёзилган, айрим жумлалар остига чизилиб, хошияга савол қўйилган, йўл-йўлақай мураккаб иборалар изоҳлаб борилганди. Кейинчалик фахмласам, бу – адибнинг иш услуби, ижодий жараён экан. Ана шу узлуксиз ўқиш – кузатиш, ҳар кун ниманидир қайд этиб юриш ўз самарасини берди. Драйзернинг ўша “Америка фожеаси” романи Ўқтам Усмонов таржимасида нашр этилди. Хуллас, Ўқтам Усмонов сара асарлар ёзиш билан бирга, сара таржималар ҳам яратиб кетган ижодкордир.

ГИРДОБ

Романдан парча

Инсон бахтли бўлиши керак.
Мабодо бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор.
Л. Толстой

1

Саратон.

Кун бўйи еру кўкни жизғанақ қилиб куйдирган куёшнинг ботишига сал бор... Уфқ конталашиб, осмон заъфарон тусга кирган; олисдаги қорли тоғларнинг тепасигина нилий рангда товланади... Чилонзордаги сарғиш, қизғиш ғиштин; кулранг, оқиш йирик панелли баланд уйларнинг кўланкалари тобора узайиб бораётган пайт. Айникса, тушдан кейин билкиллаб юмшаб кетган асфальт кўчалардан ёқимсиз ҳовур кўтарилади. Қаёққа қарасанг, зув-зув, ғув-ғув машина, тумонат одам. Шаҳарликлар ишдан қайтишяпти. Айрим йўловчилар бир ёнга қийшайиб кетаётган автобусларнинг эшигигача осилиб олишган. Бекатда турганлар ҳам терга ботиб, кеч қираётганига қарамай, соя ахтаришади... Қани энди қилт этган шабада бўлса...

Катта йўлнинг нариги бетидаги озик-овқат дўконидан одамларга туртина-суртина ёшгина бир жувон чиқиб келди; бошини сочиқ билан ўраб олган, устида ғижимланган эски атлас кўйлак, кўлида бир шиша пахта ёғи. Юзи сўлгин, кўзлари киртайган, юраги торлиги шундоқ афтидан маълум; ўрта бўй, бир қараса – лўппигина, бир қараса – ушоқ болалардек нозик-нихол... аммо диккат билан разм солинса истараси иссиқ аёл.

У шошилиб йўлни кесиб ўтмоқчи эди, сал бўлмаса машина тагида қолиб кетай деди. Оч хаворанг “Волга” гувиллаб келиб уни уриб юборгудай ёнидан тақалиб ўтди, йўл четига чиқиб чанг буркситганча уч-тўрт кадам нарига бориб тўхтади. Машина эшиги очилиб, ундан кун димлигига карамай жигаранг костюм кийган барваста бир йигит тушди. У тахминан ўттиз ёшларда: тўладан келган, қорамағиз яғринли, бурнига тегиб турган куюк мўйлови ҳам, жингалак сочлари ҳам тимқора, энли кошлари остидаги митти кўзлари каттик. У жувон томонга аста юриб, кўрсатгич бармоғига илиб олган кумуш занжирли калитини пирпирак килиб ўйнаганча:

– Яхшимисиз, Салтанатхон? – деди мулойим қулимсираб.

Машинадан қўриқиб кетганидан ҳали ҳам юраги тақапука бўлиб турган аёл йигитга ялт ўгирилди-ю, бўйнигача кизариб кетди. Кўлидаги ёғни яширмоқчи бўлиб, у кўлидан бу кўлига олди, баттар ўнғайсизланди. Қоғозга ўраб бермагани учун сотувчини ичида қойиди; “вой ўлмасам, ҳалиям ечмовдимми”, дегандай бошига ўралган сочиғини ушлаб кўйди...

Салтанат йўлнинг пастидидаги, ҳу, анави баланд иморатда туради. У хозиргина қозонга олов ёқиб, бундай қараса, уйларида бир қатра ҳам ёғ қолмаган экан. “Магазин беркилиб қолмасин”, деган ўйда шошилганча газни ўчириб, уй кийимида ҳалпиллаб чиқиб келаверган эди. Эғнида боя айтганимиздай ўнг қўлтиғи ситилган нимдошгина атлас кўйлак, бош ювишдан олдин сочига қатиқ суртиб, сочикни опала килиб ўраб олган, оёғида эса, ховлида илиб юргани – боғичи қирқилиб, тумшуғи тешилган эски оқ туфли... У

Ўзини йўқотганидан нима дейишини билмай қолди. Йигит бўлса кулимсираб келиб, унга қўл узатди:

– Ҳалиям кўрқоқ экансиз, Салтанатхон!

– Вой, Йўлдошмисиз?! – деди Салтанат энтикиб, худди йигитни энди танигандай.

Йигит Салтанатнинг ўсмоқчилаганини, аслида кайфияти бирдан ўзгарганини дарҳол сезди.

– Чилонзорда туришингизни эшитгандим, – деди у яна калитини ўйнаб. Салтанат ерга қаради. Йигитнинг сержун қўлларига зимдан такиларкан, бундан анча йиллар бурун худди ҳозиргидай катта кўчада шу қўллар унинг белидан маҳкам кучганини эслаб, этлари жимирашиб кетди. – Ишларингиз, соғлиқларингиз яхшими? Қалай, поччамиз саломат юрибдиларми?

Йўлдошнинг “поччамиз” деб бойваччалардек менсимай гапириши Салтанатга алам қилди. Йўлдошга чимирилиб қаради. Аммо шу захоти унинг оч нигоҳидан иймандими:

– Раҳмат, – деди ерга қараб. Йўлдошнинг яп-янги қора туфлиси ва дазмоли бузилмаган шимига кўзи тушиб “артистга ўхшайди”, деган фикр кўнгилдан лип этиб ўтди.

– Уйингиз олисми? Олиб бориб қўяй.

– Йўк, раҳмат, шу ерда, хув, ана... Шошилгандан шундай чикиб келаверган эдим...

– Ҳечқиси йўк. Ҳаммамиз ҳам шу... Шошилангизми-шошилган... Қаерда ишляпсиз?

Салтанат бошини сарак-сарак қилди, кейин:

– Кичкинаман бор, – деди овози бўшашиб.

Йўлдош калитининг учи билан энгагини қашиди.

– Унда бизга рухсат! – деди такаббуруна. – Поччамизни сўраб қўясиз. Амакимлар яхши юрибдиларми?

Йигит “амакимлар” деб Салтанатнинг дадасини назарда тутди.

Салтанат “тезроқ кутилай шу олифтадан” деган мақсадда ёлғондакам мулозамат қилди:

– Раҳмат. Меҳмон бўлиб кетмайсизми?

– Насиб этса... – йигит ҳамон кулимсираб, вақтида ўзини қай қўйларга солган мактабдоши Салтанат ҳозир буткул

ўзгариб, ранг-рўйи, туриш-турмуши бир ҳолатда бўлиб қолганига аввалига астойдил ачинса-да, кейин ҳам ажабланиб, ҳам ичида бир оз қувонганча, унга қўл узатди, нозик бармоқларини каттиқ қисиб хайрлашди-ю, виқор билан рулга бориб ўтирди, сўнг машинадан бошини чиқариб, Салтанатга яна бир қулимсиради ва газ берди; у анча жойгача пешойнага тикилиб, орқасида, йўл четида туриб қолган Салтанатни кузатиб борди. Салтанат ҳам машинага ора-сира кўз қирини ташлаб қўярди...

У, Йўлдош тўғрисида бултурми, ундан олдинми, ҳозир аниқ эсида йўқ, бехос ойисидан эшитиб қолганди.

– Анави нариги маҳалладаги Ашраф темирчининг ўғли бор-ку? Мактабда сизлар билан бирга ўқиган?... – деганди ўшанда ойиси гапдан гап чиқиб.

Салтанат эслаёлмаганди.

– Вой, анави тоғаси профессор-чи? Пахта профессори. Энди ёдингга тушдимиз? Мактабдалиқ вақтларингда туғилган кунингга ҳам келувди, шекилли?


– Э, Йўлдошни айтяпсизми? – Салтанат шундай деб, бирдан шўхлиги тутиб, қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборганди. – Ойи, янглишяпсиз, у биз билан бирга ўқимаган, икки синф юқори эди. Ҳа, нима қипти, нега уни сўраяпсиз?

– Тунов куни кўриб, бирам ҳавасим келди! Бир келишган, бир тўлишган йигит бўптики... Майда-чуйда кўтариб, Олой бозоридан – дадангнинг олдидан келаётсам, машинасида зув этиб ташлади-кетди. Акангга ўхшаб, чет элда ишлаб келганмиш. Машина ҳам опти! Мен танимабман, у танибди. Даданг ҳам оғзидан бол томиб гапиради, кўрса сира тўхтамай ўтмас экан, барака топкур...

Онаси шундай деб туриб, қизига: “Мана шунақа йўқни йўндирадиган йигитлардан ҳам топа қолмагансан... аҳволингга кара!” – деган маънода ачингандек бўлувди ўшанда Салтанатга...

БАРОТ ИСРОИЛ

Серзавк шоир, саликали насрнавис, ўзига хос дostonсарo Барот Исроил 1938 йили Ўрта Чирчик туманининг Тошсой кишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Дастлаб ўз манзилида ўрта мактабни тугатган бўлғуси шоир Барот Исроил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида олий таълим олди. У ерда Ҳакимжон Ҳомидий, Натан Маллаев ҳамда Ўткир Рашид сингари устозлар назарига тушди.



Институтдаги таҳсилдан сўнг Барот Исроил ҳозирги “Тонг юлдузи” газетаси таҳририятига ишга кирди. Илк шеъри туманнинг “Машъал” газетасида эълон қилинган Барот Исроилнинг эл назарига тушган шоир бўлиб камол топишида мана шу даргоҳ муҳим рол ўйнади. Зероки, у ана шу ерда замонамиз алломаси Миртемир домла билан танишди, устознинг этагини тутди. Шундан сўнг Барот Исроил узок йиллар давомида Ўзбекистон радиосининг адабий-муסיқий эшиттиришлар таҳририятида муҳаррирлик қилди.

Бир томондан, ёзган-битганларини Миртемир домла назаридан ўтказиб юриш, иккинчи томондан эса, кўплаб шоирлар, бастакорлар билан доимий ҳамкорлик Барот Исроилнинг кўпқиррали ижодкор бўлиб етишишида асосий омил бўлди. Натижада, шоир ўқувчиларга ранг-баранг мавзуларда битилган, ўзига хос ўқишли бир неча китобларни инъом этди. Шоирнинг ўзига хослиги шундаки 5-6 мисрадан, баъзан икки байтдан иборат шеърларда лўнда, куйма фикрларни содда-халқона бадиийликда поэтик ифодалашга эришади.

Барот Исроил катталар ва кичик ёшдаги болаларга миллий кадриятларни, аждодларни эъзозлаш, халқ қаҳрамонлиги, табиатни асраб-авайлаш мавзуларида ҳам асарлар яратиш келмоқда. Унинг “Эр ва шер”, “Шомон Ойсуғон”, “Алишернинг ширин тили”, “Балик бўлган қиз” дostonлари бу йўналишдаги катта ютуғидир. Шоир бадиий адабиётда юртимиз худудидан етишиб чиккан буюк машойихларнинг образини яратиш борасида муайян ютуқларни кўлга киритиб келаётган ижодкордир. “Соҳибқироннинг ўн икки ўғити”, “Пайғамбар суйган инсон”, “Ҳаст-Имом”, “Шошлик валий” дostonлари ўқувчиларни миллий ғурур, ватандўстлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Уларда Амир Темур, Каффол Шоший, Хожа Ахрори Валийлар сиймосининг алоҳида жиҳатлари поэтик тасвирланган.

Маълумки, классик адабиётимизда шифобахш ўсимликлар, мевалар ҳақида мунозара, шеърлар ёзиш анъанаси бор. Шоир ана шу кутлуғ удумга эргашиб “Малҳам ўсимликлар” номли туркум шеърлар яратди. Уларни ўқиган ёш китобхон ҳар бир ўсимликнинг айрича хоссаларини поэтик тилда осон идрок этади, табиат ва набототга меҳри тагин ҳам ошади. Барот Исроил насрнавис, кўшиқчи шоирдир. Унинг юздан зиёд кўшиқлари Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасидан жой олган; “Настарин гул”, “Юрт кадри”, “Тўйтепага тўйга келинг” сингари кўшиқлари жуда машҳур. Адибнинг “Онаизор” романи ўз ўқувчиларини топган асарлардандир.

ҲАЁТ МАРҲАМАТИ

Ҳаёт марҳаматин дариғ тутмагай,
Неки бор тақдирда у унутмагай.

Қилган хизматингга яраша бари,
Ундан ортиғини кўнгил кутмагай.

Ўзимни урмадим нокис ишларга,
Унвон, амал, симу зар чалғитмагай.

Бари бир ҳаётда кутганим кўпдир,
Баъзан омад чопса дил ёритмагай.

Қаноат, камтарлик ҳамроҳим мудом
Ва лек ғаразгўйлар нари кетмагай.

Қариган чоғингда ёлғизлик курсин,
Негадир ўзгасин раво этмагай.

Эй Барот, умрингдан нолима ҳаргиз,
Билгил, ҳали дунё иши битмагай.

КЎП НАРСА КЕРАКМАС

Кўп нарса керакмас менга бу дунёда,
Элу юрт тинч, омон бўлсин шу дунёда.

Сангзор битта кентни Ватан дебон суйиб,
Умргузарон этдим бул эзгу дунёда.

Ҳаёт синовлари чексиз, беаёв мудом,
Бўлмасмиш одамзод беорзу дунёда.

Ҳеч кимса армонсиз яшадим демагай,
Саломат бўлса бас иймон у дунёда.

Она Ер бағрида ризкинг тердинг, Барот,
Кўнглингда ҳукмрон ҳур туйғу дунёда.

22.06.2009.

ҲАЁТ КУРАШГА ЧОРЛАЙДИ

Ҳаёт курашга чорлайди бормасам бўлмас,
Белни боғлабон майдонда турмасам бўлмас.

Битта бошга бир ажалдир, чўчимоқ нечун?
Ҳакни ёқлаб, заволга чап бермасам бўлмас.

Кўркок одамга қўшалоқ бўжи кўринар,
Бўжисифатдан нарироқ юрмасам бўлмас.

Турмуш чиғириғидан ўтказар бир-бир,
Тирикчилик тадбирин тез кўрмасам бўлмас.

Она заминга оёғим мустаҳкам тираб,
Куюш мисол Ерга меҳрим бермасам бўлмас.

Киндик қоним томган тупроқ Ватаним, зеро:
Қадрин Ватангадолардан сўрмасам бўлмас.

Барот ҳаёт бирла мудом беллашиб яшар,
Ҳали елкаси ер кўрмас, асло кам бўлмас.

ГУЛХАЙРИГУЛ

Қир-адирда гулхайригул гуллабдур,
Тонг сабоси ила атрин йўллабдур.

Кўзларимни қувонтирди гуллари,
Товонимни куйдиради чўллари.

Гулхайрига кўниб бўзлар бўзтўрғай,
Бўзлаб-бўзлаб дардин сўзлар бўзтўрғай.

Хонишидан гулхайригул чайқалар,
Гул, ғазалга ташна дилни сайқаллар.

Офтоб олов пуркаб ёнар дашту кир,
Дала сукут сақлар бордек бирор сир.

Саратонда гулхайригул гуллабдур,
Қийғос гуллар очибди-ю, чўллабдур.

Барот, унга соя бўлар қора йўк,
Чанқоғингни қондиришга чора йўк.

ПИРМАТ ШЕРМУҲАММЕДОВ

Атоқли олим, серзавк ижодкор ва жамоат арбоби Пирмат Шермухаммедов 1939 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Манғит туманида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетида таҳсил кўрган. Ўқиш давомида у “Чашма” адабиёт тўғараги машғулотларида фаол қатнашар; талабалар илмий анжуманларида маърузалар ўқир; илк ҳикоялар, тақризлари билан республика газеталари саҳифаларида қатнашарди. Айниқса, унинг замонамиз алломаси Шайхзоданинг эстетик қарашларига доир кузатишлари кўп баҳсларга сабаб бўларди. Олий даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатган Пирмат Шермухаммедов М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг аспирантурасида ўқиди. Ўқишдан қайтгач, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор тавсияси билан талабаларга сабоқ берди; ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг долзарб муаммоларига доир мавзуларда аввал номзодлик, сўнг докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди, професорлик унвонини олишга муяссар бўлди; пешқадам адабиётшунос бўлиб етишди.

Бир оз вақт давлат ишларида хизмат қилган Пирмат Шермухаммедов кейинчалик Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир бўлди. Тинимсиз ва серқирра адиб қайси вазифани бажармасин фикру зақри ўзи эътиқод кўйган илмий ва бадиий ижодда бўлди, тунни кунга улаб, ижод заҳматини чекди.



Натижада, турли йилларда унинг “Умид мухаббатдадир”, “Сатрларга тўкилган туйғулар”, “Истеъдод сеҳри”, “Рухий дунё кўзгуси”, “Она сутидек покиза”, “Ижод дарди”, “Детская литература Узбекистана”, “Меҳрнинг олис йўллари”, “Давр қаҳрамон тақдирида” сингари ўнлаб китоблари чоп этилди. Бу асарлар кенг илм-адаб аҳли томонидан этироф этилган, ўзга эллар донишмандлари назарига ҳам тушди. У илмий изланишларни муттасил бадиий ижод билан боғлаб олиб борди.

Мустақиллик йилларида адиб узок ўтмишда яшаб ўтган алломаларимизнинг ҳаёти, тарихимизнинг камёб зарварақларини ўрганишга жиддий киришди, юзлаб манбаларни варақлади, олимларимизнинг асрларга оид тадқиқотларини кузатди, археологик ва этнологик топилмалари билан танишди. Ана шу тинимсиз меҳнат туфайли “Хоразм маликаси ёхуд Амир Темурнинг келини”, “Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим қиссаси”, “Замахшарий” романлари дунё юзини кўрди. Ушбу асарларда ёзувчи тарихий воқеаларни ўз олимлик тафаккур мезонидан ўтказди; ғоятда мантикий изчилликда ҳаёт ҳақиқатини юксак кўтаринки, нафис рухий туйғуларда тасвирлайди. Шунинг учун ҳам мазкур мутлақ ўзига хос, янги асарлар китобхонга илм-маърифат беради; оламжаҳон бадиий-эстетик завқ инъом этади; уларни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Пирмат Шермухаммедов ёшларнинг меҳрибон мураббийсидир. Унинг шогиртлари орасида жамоат етакчилари, фан докторлари, шоир ҳамда ёзувчилар бисёр. Айни пайтда адиб янги тарихий асар ёзиш билан банд.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ

Романдан парча

*Ёки илмли бўл, ёки илмиларга таяниб
иш тутадиган бўл. Лоақал илмни тинглаб
эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма,
чунки касодга учраб, ҳалок бўласан.*

Тоҳир кириб келганида Маҳмуд Замахшарий хаёл суриб ўтирар эди.

– Устоз, сихатингиз қалай? – сўради Тоҳир.

– Бугун анча тузукман. Бир оз хаёл опқочибди. Кечмиш хотиралари... отам, онам, Замахшару Бухоро... – шундай дея у яна сукут саклади. Кейин бошини кўтариб, шогирдига мулойим кўз тикди.

– “Ал-қисм фи-л-асмо”, “Ал-қисм фи-л-афъол” фасллари кўчириб улгурдим. Кўп сўзлар ва ибораларни билмас эканман. Масалан, “камалак” сўзи “Рустам ёйи”, “ёмғир” сўзи “Ютоғ суви” шаклларида берилибди. Бу сўзлар нарсалар моҳиятини англатадими ёки шунчаки ташбеҳми?

– Бир нарсани турли номлар билан аташ уч мақсадга хизмат қилади. Энг аввало, сўзнинг моҳиятини очади. Иккинчидан, бир сўз бошқа нарсанинг ҳам маъносини англатади. Учинчидан, ўқувчи ёки тингловчи нарса ва ходисаларнинг номларини ҳам аниқ тасаввур қилади.

– Устоз, сиз луғат илмига бағишлаб “Ал-муҳожат фил-аҳожий вал алғоз”, “Асос ул-балоғ”, “Ал мустаксо фи амсол ул-араб”, “Ал муъжам ул-арабий-форсий”, “Жавоҳир ул-луғат”, “Ажаб ул-ажаб фи шарҳи”, “Ломият ул-арб”, “Ал-Фоик фи ғариб ул-ҳадис” каби китоблар битгансиз. Бу илмга қизиқшингиз қачон бошланган?

– Бу илмга қизиқишим... – Маҳмуд Замахшарий бир зум тин олиб, давом этди, – эсимда, ҳали унда Бухорои шарифда таҳсил олиб юрган чоғларим, Гурганжда, Исфохон, Нишопур ва Бағдод, Шом ва Маккаи мукаррамада фикру хаёлимни банд этиб келди. Сафарда ҳам, уйда ё мусофирхонада бўлсин, ўқиган эшитган мақоллар, ибораларни қоғозга битиб бордим. Шу тарика дастлаб “Набиғ ул-калин”ни ёзишга киришдим. Унинг тайёр қисмини Хоразм валийси Ануштегинга совға қилмоқчи бўлдим.

– Мен бу ҳақда эшитмаган эканман.

– Бу воқеанинг тарихи узун. Вақти, соати келиб айтиб берарман.

Чошгоҳда йўлга чиққан икки отлиқ куёш уфқ ортига ўтаётган бир пайтда Гурганжга кириб келишди. Уларни Умар

оғанинг ошнаси Нуриддин Наккош кутиб олди. Дастурхон атрофида бошланган гурунг тун ярмига қадар давом этди. Мезон Гурганж мадрасаси ва унинг бош мударриси Абу Музар Махмуд ибн Жарир Забиби Исфакхоний ҳазратлари ҳақида берилиб ҳикоя қилди.

– Ул зот, – дея ҳикоясини давом эттирди Мезон ҳаяжон билан, – нафақат Хоразмда, балки Хуросону Эронда ҳам маълум ва машҳурдир. Илму урфон аҳли бош мударриси-ни хурмат ва эҳтиром билан “Фаридуласр”, “Фахдуд дахр” деб эъзоз қиладилар. Айтиб кўйай... Мударрис муътазила масхабини қаттиқ ушлаганлар...


Муътазила сўзини эшитган Умар бир оз сергак тортди.

– Буниси қандок бўлди, – деди у ажабланиб.

– Хавотирга ўрин йўқ. – жавоб қилди хаттот, – ўғлингиз ақли бола, у муътазила масхабини эмас, илмни ўрганади. Муътазилада ҳам илғор жиҳатлар бор.

Эртаси куни Умар ва Нуриддин наккош Махмудни Гурганчининг шимолида жойлашган кенг пештоқли, хаворанг гумбазли мадрасага олиб боришди. Уларни мадраса олдида баланд бўйли, кенг пешонали, оппоқ соқоли кўксини коплаган Абу Музар Исфакхоний табассум билан кутиб олди.

Шу тарика орзу-умидлар билан тўлиб-тошиб юрган Махмуднинг янги ҳаёт йўли бошланди.



ЭРГАШ РАИМОВ

(1939–2010)

Нозиктаъб, ҳалим ёзувчи, шоир ва журналист Эргаш Раимов 1939 йили Тошкент вилоятининг Чиноз туманида деҳқон оиласида туғилган. Бўлғуси адиб ўрта мактабда ўқишни тамомлагач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига кириб ўқиди. Бу ерда у “Чашма” тўғараги машғулотида фаол катнашди. Илк шеър ва ҳикояларини устозлари Натан Маллаев, Ҳакимжон Ҳомидий, Ўткир Рашидлар назаридан ўтказиб юрди. Институтни тугатгандан сўнг Эргаш Раимов узок йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпаниясида катта муҳаррир вазифасида ишлади.



Бадиий ижодга ўтган асрнинг 70-йилларида кириб келган Эргаш Раимовнинг шеър ва ҳикоялари республикамизнинг болалар матбуотида чоп этила бошланди. Унинг биринчи шеърлар тўплами “Ирмоқча” 1963 йили нашр қилинган. Шундан кейин турли йилларда адибнинг “Бола ва булут”, “Япроқча”, “Ирмоқлар кўшиғи” китоблари нашр қилинди. У ўзбек болалар адабиётида қисса жанри тараққиётига муносиб улуш қўшган ёзувчилардандир. Эргаш Раимовнинг “Қадрдонларим”, “Қишлоғим ҳақида эртақ” (1974) қиссалари ўтган йиллар илм-адаб аҳли ҳамда адабий танқидчилик томонидан юқори баҳоланган эди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ҳамда кейинги йилларда Эргаш Раимовнинг “Эҳ, биз катталар”, “Гулларим – булбулла-

рим”, “Кўз илғамас жилғалар”, “Доктор Ҳақимнинг ғаройиб ихтироси”, “Олтин тўй”, “Кафтингда туг”, “Дардисар” асарлари кенг китобхонлар оммаси ва томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Унинг асарларидан республика телевидениясининг “Оталар сўзи – аклининг кўзи” кўрсатувида мунтазам равишда истифода этилди. Демак, Эргаш Раимовнинг юртимиз болалар адабиёти, драматургияси ҳамда матбуоти тараққиётида муносиб улуши бор. Адиб жаҳон халқлари болалар адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўгиришда ҳам фаол иштирок этди. Унинг пьесалари республика ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган. Ёзувчи Эргаш Раимов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ғафур Ғулом номидаги мукофоти совриндори, “Халқ маорифи аълочиси” нишондори, “Иккинчи даражали соғлом авлод” (2002) ордени соҳибидир. Ҳамкасблари-ю, замондошлари Эргаш Раимовни ҳалим инсон, ўзига хос ижодкор сифатида яхшилик-ла эслаб юрадилар.

КУЙГА ТЎЛСИН ОНА-ВАТАН

Менинг дўстим, кушчалар, сиз
Куйни мунча хуш чаларсиз.
Баҳор келди, учиб келинг,
Боғимизга кўчиб келинг.
Келинг, келинг, сайроқ кушлар,
Кўшиклари янғроқ кушлар.
Куйга тўлсин бу боғ, гулшан,
Куйга тўлсин она-Ватан.

ШАКАР ҚИЗ

Ҳазил

Дадам мени эрталаб,
Тиззасида эркалаб,
Шакар кизим дедилар,
Шарбат кизим, дедилар.
Ўйлаб қолдим жуда ҳам,
Ҳайрон қолдилар дадам.

Шакар киз ҳам бўлмайман,
Шарбат киз ҳам бўлмайман.
Агар шакар киз бўлсам,
Шакар деб Тўлкин акам,
Шарбат деб Ойгул опам,
Еб-ичиб қўймасинлар,
Ойимлар қўймасинлар.

МАШИНАМГА ТУШИНГИЗ

Машиначам кўм-кўк “Зил”,
Кичик шофёрман эпчил,
Йўлда яхши юраман,
Рулда сергак тураман.
Зарур бўлса ишингиз,
Машинамга тушингиз.
Сувдек кетар машинам,
“Ту”дек кетар машинам.
Истаган жойингизга,
Етказаман бир дамда,
Яркироқ машинамда.
Пул чўзманг, йўк, олмайман.
Зарур бўлса ишингиз,
Машинамга тушингиз.

БОЛАРИ

Гулзоримда болари,
Гуллар билан қол, ари.
Мана сенга гулкоса,
Шарбат шимир, тўй роса.
Болга тўлдир мумчангни,
Мумчангнимас, хумчангни.
Болинг хумчангдан қолса,
Менга ҳам бер бир коса.

АЛЛА

Йирок-йирокларгача,
Олис кирғокларгача,
Окшом чўкар, оппоғим,
Ой нур тўкар, оппоғим,
Сенинг митти ёшингда,
Онажонинг кошингда.
Ўргилай, кўзим, ухла,
Қуралай кўзим, ухла.

ҚИЗЧА

Мактабга борар кизча,
Бамисоли бир ғунча.
Қўлида жажжи папка.
Юзи ўхшар офтобга.
Кўринганга дер: – Салом.
– Кўп яша, балли, болам,
Одоблик таълимингга,
Раҳмат муаллимингга,
Йўлингга бахт эш бўлсин,
Ўқишларинг беш бўлсин,
Дуо килади чоллар...
Ширин-шакар она киз,
Катта бўлгин, доно киз,
Дуо килар аёллар.
Яхши киз! Номи яхши
Элга саломи яхши!
Мактабга борар кизча,
Бамисоли бир ғунча.
Қўлида жажжи папка,
Юзи ўхшар офтобга.



ТЎЛАГАН ТЎХТАЕВ

(1940–2003)

Таниқли журналист, серзавқ шоир Тўлаганхўжа Тўхтаев 1940 йил 16 августда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Болалиги иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги мураккаб даврга тўғри келган бўлажак шоир пойтахтнинг Тахтапул даҳасидаги 22-мактабда таҳсил олди. Мактабда ўқиб юрган пайтларида мурғак калбида уйғонган адабиётга ҳавас уни адабиёт тўғарагига етаклади. Тўгаракда шеърятдан илк сабоқларини олди.



Ўрта мактабни тугаллагач, Тўлаган Тўхтаев 1960–1961 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ишлади. Сўнгра йигитлик бурчи – ҳарбий хизматни ўтади. Аскарликдан қайтгач, ўқишни давом эттириш истагида Низомий номидаги педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига дохил бўлди. Талабалик йиллари тугагач, у Ўзбекистон радиосининг “Ахборот” бош муҳарририясида ижодий фаолиятини бошлади. Сўнгра ўша вақтдаги “Ёшлик” радиостанцияси (Кейинчалик бу радиостанция негизида “Ёшлар” радиоканали таркиб топган), “Адабий-драматик” эшиттиришлар бош муҳарририяси, “Машғал” радиоканали ва хорижий мамлакатларга эшиттиришлар тайёрловчи “Тошкент халқаро радиоси” бўлимида муҳаррирликдан бошлаб, бош директор ўринбосаригача бўлган лавозимларда фаолият кўрсатди. Шу замида Тўлаган Тўхтаевнинг умр йўллари радиожурналистика билан туташ-чи, Ўзбекистон радиосининг энг иқтидорли ижодкорларидан

бири сифатида танилди. Унинг кўплаб публицистик, бадиий асарлари, жумладан, “Ғалабанинг кўз ёшлари”, “Мен фақат яшашни истайман”, “Нафис чайқалади бир туп наъма-так”, “Соҳибкирон ўғитлари”, “Алла” каби ўнлаб бетакрор радиосаҳна асарлари радионинг олтин хазинасидан ўрин олди. Ижодкорнинг бу даргоҳдаги қарийб 35 йиллик меҳнати 2001 йили Ватанимизнинг юксак мукофоти – “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Тўлаган Тўхтаев радиожурналистик фаолияти билан бирга бадиий ижод билан ҳам узлуксиз машғул бўлди. Умри давомида унинг қалб кўри бўлган “Бодом гуллаганда”, “Юрагимга туташди йўллар”, “Муҳаббат мулки”, “Кўнгил кўчалари”, “Илтижо” сингари шеърий китоблари чоп этилиб, мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг шеърияти билан ошно бўларкансиз, дунёнинг юки шоир елкасида, дарду қувончлари эса унинг етмиш икки томиридан оқишига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Дўстлар ҳамда ҳамкасблари Тўлаган Тўхтаевни беғубор, самимий инсон, серғайрат ижодкор сифатида эслаб юришади.

УЧ АЛОМАТ

* * *

Ҳар кимки оқилдир юрган йўлида,
Уч аломат унга ҳамиша ҳамроҳ:
– Бу дунёни билар ўткинчи ҳавас;
– Жафони қайтарар сабр тоши-ла;
– Қийинни осонга алмашмас ҳеч вақт.

* * *

Ҳар кимки мулойим юрган йўлида,
Уч аломат унга ҳамиша ҳамроҳ:
– Бузилган орани шошилиб тиклар;
– Ночордан аямас хайру эҳсонни;
– Кимки зулм қилса – шу дам кечирар.

* * *

Ҳар кимки мулойим юрган йўлида,
Уч аломат унга ҳамиша ҳамроҳ:
– Мусибатда суянар ҳукми Илоҳга;
– Неки иш бажарса манманлик қилмас;
– Рози, шукурлиги фақат Оллоҳга.

* * *

Ҳар кимки мулойим юрган йўлида,
Уч аломат унга ҳамиша ҳамроҳ:
– Ифлос билан тоат-ибодат қилар;
– Ҳар неки гуноҳдир, ўзини тияр;
– Ким ёмондир, унга яхшилик тилар.

ИЛТИЖО

Эй кўнгил, қўй энди ишк савдоларин,
Умрингни совурган ғам-ғавғоларин.

Муҳаббат кўйида эй, девона дил,
Дард чекдинг, топмадинг ҳеч даволарин.

Ёрсиз ҳам бир кунинг ўтар-у, кетар,
Эслама кибрнинг ул ҳаволарин.

Уларнинг илинжи осмон-фалакда,
Йўқламас биздайин чин гадоларин.

Ёлғиз Яратганга илтижо этдим:
Дилга жо айлаган сабр дуоларин.

ИБРАТЛАР

Отангни ўзига дўст билганларни
Дўст билгин, бошидан сув ич ўгириб.
Отанг дўстларидан узилиб кетсанг,
Тангри дил чироғинг қўяр ўчириб.

ТОҲИР МУЛЛАБОЕВ



Севимли болалар шоири ва ёшлар адабиётининг толмас тарғиботчиси Тоҳир Муллабоев 1940 йили Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида туғилган. 1958 йили Й. Охунбобоев номидаги 45-ўрта мактабни тамомлади. Шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига ўқишга кириб, 1963 йили тамомлади. Тоҳир Муллабоев ўша йилдан бошлаб Ўзбекистон телевидениесининг “Болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар” бош муҳарририясида ишлайди. Ўтган йиллар давомида унинг “Ота-оналар университети”, “Ассалом, Навоий”, “Қувнок стартлар”, “Ассалом, коинот”, “Яшил чирок”, “Қизлар давраси”, “Қизикарли учрашувлар”, “Зехн”, “Мўжизалар ўлкасига саёҳат”, “Компьютер сабоклари”, “Болалигим–пошшолгим”, “Болалар дунёси”, “Истиклол ғунчалари” каби қатор, рангбаранг мавзулардаги кўрсатувлари эфирга узатилди.

Турли йиллар Тоҳир Муллабоевнинг “Туркистон фарзандимиз”, “Топишмоқлар”, “Топган-топалоқ”, “Ғаройиб топишмоқлар”, “Йўл коидаси–умр фойдаси”, “Яшил чирок–доим огоҳ”, “Йўлчирок–шамчирок”, “Кўча бўйлаб, топгин ўйлаб”, “Светафор” каби ўндан ортиқ китоблари Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Чўлпон”, “Шарк” матбаа нашриёт акционерлик компанияларида чоп этилган. Улар ўз ўқувчиларини топган. Шоир асарларидан мактаб ўқитувчилари дарсдан кейинги тадбирларда кенг фойдаланадилар. Тоҳир Муллабоев Алишер Навоийнинг

525 йиллик юбилейи муносабати билан тайёрланган “Ассалом, Навоий” туркумидаги кўрсатувлари Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан тақдирланди. У “Халқ маорифи аълочиси”, “Республика халқ таълими ҳомийси”, “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги” нишонлари соҳибиди.

Тоҳир Муллабоев Халқаро “Антик дунё” илмий текшириш академиясининг доктори, академиги ва лауреатидир. Толмас ижодкор Тоҳир Муллабоев Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб уюштирилган “Истиқлол ғунчалари” кўрсатувининг ҳам муаллифидир.

ТУРКИСТОН ФАРЗАНДИМИЗ

Бир дунё болалармиз,
Оқ, сариқ, қора танмиз.
Ким қаерда бўлмасин,
Туркистон фарзандимиз.

Кўл узатсак, оламни,
Онамиздек қучамиз.
Қўшиқ айтсак қўшилиб,
Самоларни қучамиз.

Ўзбек, қозоқ, қирғизмиз,
Тожиқ, туркман элимиз.
Қучоқ очсак дўстларга,
Ҳеч узилмас занжирмиз.

Орзуимиз бир дунё,
Юртларимиз тинч бўлсин.
Завқимиздан шу дунё,
Доим қувончга тўлсин.

ЙЎЛЧИРОҚ–ШАМЧИРОҚ

Чоррахалар кўркига
Чирой кўшган йўлчирик.
Йўл устида йўлбошчи
Барчамизга шамчирик.

Чакнаб турар уч кўзи:
Қизил, сарик, ям-яшил.
Донолардек ҳар сўзи:
Тўхта! Кутгин! Тез ўтгин!

Қизил кўзи чакнаса,
“Тўхтаб тургин!” дегани.
Сариғи яракласа,
“Бир оз кутгин!” дегани.
Кўк чироғи нур сочса,
“Тезроқ ўтгин!” дегани.

Юр йўлчирик бор жойдан,
Шошиб ўтма ҳар жойдан.
Йўл берк бўлса бир оз кут,
Шу ўгитга қулоқ тут.

Ҳар сўзи коидали,
Ҳаёт учун фойдали.
Йўлчироғи – йўлчирик,
Барчамизга шамчирик.

ЧАРХПАЛАГИМ, ЧАРХПАЛАК

Азим дарё, сой бўйлари
Манзилгоҳинг, чархпалак.
Сув таратиб кир, адирга
Ёйдинг яшил гул палак.

Чархпалагим, чархпалак –
Сув париси ё малак.

Айланасан бир маромда,
Дарё уйғок, сен уйғок.
Бўлолмадинг хеч оромда,
Сенга гувоҳ кўш кирғок.

Ўзбегимдек хўп меҳнаткаш,
Саховатли, вафоли.
Ойдин йўлда ойга дилкаш,
Ой нуридек сафоли.

Элу юртим бойлигига
Бойлик кўшган чархпалак.
Дарё, анҳор, сойларга
Чирой кўшган чархпалак.

ТОПИШМОҚЛАР

Ёзиб кумуш поёндоз,
Совуқда элар шакар.
Шарбатсиз қуяр наввоз.
Топинг! Сиз бермай шаҳар.
(киш)

Кўлсиз эланса элак,
Ёғар чексиз капалак.
Думалатсанг юмалок,
Шакар эмас, ранги ок.
(кор)

ЭРКИН МАЛИК



Таникли журналист, ношир ва адиб Эркин Малик (Маликов) 1941 йили Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Тинчлик” жамоа хўжалиги, “Аграном” кишлоғида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Кутубхонашунослик факультетида тахсил кўрди. Ўқиш йилларида у институтнинг кўп нухали газетасида ишлади; кечки мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс берди. Айни пайтда республика болалар газета ва журналларида ўз асарлари билан фаол қатнаша бошлади. Ўқишни тугатгач, ҳозирги “Тонг юлдузи” болалар газетасига йўлланма олди.

Фафур Гулом, Абдулла Қаххор, Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Қудрат Ҳикмат, Ғайратий, Шухрат каби ёзувчиларнинг адабий маслаҳатларидан баҳраманд бўлган Эркин Малик салиқали ижодкор сифатида камол топди. Зероки, редакция қошида ташкил этилган “Ёш қаламкашлар” тўғрагига улар тез-тез ташриф буюришарди, дилкаш суҳбатлар, ижодий мулоқотлар бўларди...

Кейинчалик Эркин Малик “Ғунча”, “Ёш куч”, “Саодат” журналларида, Ўзбекистон радиосининг болалар учун эшиттиришлар таҳририятида ишлади. Турли йилларда ёзувчининг “Қирқ икки оғайни”, “Улар менинг дўстларим”, “Ўқилмаган саҳифалар”, “Она шаҳрим – Тошкентим”. “Бугуннинг қақажонлари – эртанги қаҳрамонлари”, “7 “А” да қайта қуриш”, “Найрангбоз шайтонвачча”, “Субҳидам ҳикоялари”, “Чампо отли илон” номли китоблари чоп этилди.

Ёзувчининг кисса ва ҳикояларида болалар турмуши – ўқиш, ўрганиш, касб эгаллаш, ҳамжихатлигу дўстлик, ҳалоллигу поклик, ғайринсоний хатти-ҳаракатга кескин қарши кураш, ахлоқ–одоб масалалари ранг-баранг усулда, болаларбоп ширин тилда ўта самимий бир тарзда тасвирланади. Унинг ҳар бир қаҳрамони тенгдошларига ибратдир.

Эркин Малик “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” (1998), “Ғафур Ғулом номидаги мукофот” совриндори (1993), “Халқ маорифи аълочиси” (1969), “Мехнат шухрати” ордени соҳибидир. Адиб айни пайтда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида болалар адабиёти бўлимини бошқармоқда ва янги асарлар ёзиш билан банд.

ДАРС

Ўлим шаробини татиш қийин кечмади. Ота асрга томон қатта ўғилнинг қўлида осонгина жон берди. Беш ўғил, икки киз, куда-анда, ёру биродарлар йиғилиб келгунча шом бўлди. Майит эртаметанга чиқариладиган бўлди. Фарзандларнинг олди набиралик, кети икки-учта болалик бўлсалар ҳам шошиб қолишди. Оналари оламдан ўтганда оталари бош-қош бўлган эди. Энди кимга суянишади? Уларнинг она тарафдан битта тоғалари, ота тарафдан битта амакилари қолган эди. Майитнинг атрофида давра қуриб, йиғлашар экан, амаки билан тоғага мўлтираб қараб қўйишар эди. Амаки анча бетоб кўринарди. У кишини кўпдан қанд касали қийнар эди. Шундай бўлса-да, бир кориндан таллашиб тушган жигаргўшаси устида бир аҳволда, эзилиб ўтирарди. Ҳолатни тоға қўлга олди:

– Сиз, – деди амакининг елкасини силаб, – уйга боринг, ўлган ўлди, энди тирикларни асрашимиз керак, эртага келдикетди бўлади, толиқиб қоласиз.

Бу гап бошқаларга ҳам айтилгандек бир муддат йиғидан тўхтаб, жимиб қолишди. Отани бутун кишлоқ танирди. Биргадир, мироб, ҳисобчи бўлиб, кўпнинг хизматини қилиб ўтган. Ёши ҳам саксондан ошди. Тоға айтмоқчи, эртага здихом қатта бўлади. Отам ўлди деб тўқилмасдан, орқа-

бошни йиғиштириб олиш керак. Амаки жиянларим нима деркан дегандек, уларга кўз ташлаб олди. Ҳар бирининг кўзидан “тоғам тўғри айтаяптилар” деган маънони укиб, ўрнидан оғир кўзгалди.

– Хотиржам бўлинг, – деди тоға яна гап қўшиб, – акангиз бугун уйларида бир кеча меҳмон бўладилар, Худо хоҳласа, у кишини яхшилаб “зиёфат” қиламиз.

“Зиёфат” сўзи фарзандлар қулоғига ғалати эшитилди. Яна бир муддат йиғидан тўхташди. Фарзандлар отанинг бир бор кўзини очиши учун жонларини нисор қилишга ҳам тай-ёр эдилар. Тоға “зиёфат” қиламиз деяптилар, нима қилиш керак экан? Қўй сўйиш керакми, мол сўйиш керакми?

– Гап бундай, – деди тоға амакини қузатгач, жиянларига қараб, – йиғидан фойда йўқ, уни ўрнига ҳар бирингиз “Ла илаҳа иллалоҳ” деб мингтадан таҳлил айтинглар, еттигайлар етти мингта таҳлил айтасизлар. Ўҳ-хўўў, бу отангиз учун катта совға...

Фарзандлар “зиёфат”нинг мағзини тушунгандек бўлдилар. Улар шу тобда оталари учун ўн мингталаб таҳлил айтишга тайёр эдилар. Хонага жимлик чўкди. Йиғи тўхтади. Фарзандлар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар. Анча фурсатдан кейин вазифани уддалаган фарзандлар “бўлдиқ” дегандек бирин-кетин тоғага қарашди.

Тоға мамнун бош ирғади-да, “Бақара”дан анча оят ўқиди. Кейин жиянларига яна мингтадан таҳлил буюрди. Иккинчи мингталикдан сўнг тоға “Ёсин”ни ўқиди. Учинчи мингталикка вазифа берди.

Жимлик, сокинлик, осойишталик... Гўё майит ҳам ором олар эди. Вақт тун ярмидан ўтди. Фарзандлар бажонидил учинчи мингталик таҳлилни ҳам охирига етказдилар.

– Барақалла, жиянларим, – деди тоға, – таҳлилларингизни лаҳатга қўйишдан олдин отангизга ҳадя қилибмиз, Худо хоҳласа, Аллоҳ савол-жавобларини осон қилади. Энди оталарингиз тупроққа қўйилмасдан ҳал қилиб оладиган икки-та масала бор. Фарзандлар янада хушёр тортиб вужудлари кулоқ бўлиб, тоғага қарашди. – Биринчиси, мерос масаласи. Ота-онанглاردан уй-жойлар мерос қолди. Гарчанд

кенжатој чироғини ёкиб ўтирган бўлса-да, мерос пулга чақилиб, кизларга бир хиссадан, ўғилларга икки хиссадан қилиб бўлиниши керак. Шаърий ҳукм шу. Бўлмаса ота-она ўтгандан кейин ака-укалар мерос талашиб, кўп кўнгилсиз воқеалар бўляпти. Токи ота-она ҳам гўрида тинч ётиши керак. Бунга нима дейсизлар? Орага баттар сукунат чўкди. Во дариғ, ҳаётда бунақа гаплар ҳам бор экан-да? Ҳа, мерос тенг бўлиниши керак. Аканинг ҳаққи укага, уканинг ҳақи акага ўтиб кетмаслиги керак. Адолат шуни талаб қилади.

Катта ака томоқ қириб, фикр айтган бўлди:

– Кичкина укамиз ўтираверса бўлмайдими, тоға?

– Сен ҳамманинг номидан жавоб берма. Бу сенинг истагинг, бошқалар нима дейди? Балки орангизда меросга мухтожлар бордир?

– Худога шукр, ҳаммамизнинг уй-жойимиз бор, – деди катта опа. Бошқалар ҳам катта ака билан, катта опанинг сўзларини маъқуллашди.

– Энди бундоқ, – деди тоға, – ишни мухтасар қилишимиз керак, ҳар бирингиз Аллоҳнинг шоҳидлиги, менинг гувоҳлигимда, меросга даъвойим йўқ, уй-жой укамга қолишига розиман деб айтасизлар. Шунда ўрнига тушадди. Акалар ва опалар овоз чиқариб меросга даъволари йўқлигини айтишди. Кенжа ўрнидан дик этиб туриб, ака ва опаларига куллуқ қилди ва деди:

– Яхши кунларингизда хизматда бўлай.

– Балли, – деди тоға ҳам мамнун бўлиб, – бир-бирингизга бўлган меҳр-оқибатларингизни Худойим ҳамиша зиёда қилсин. Бу иш пишди, энди иккинчи масала. Отанинг маъракаларини қандай ўтказасизлар. Юртчилик, қилма деса ҳам бари-бир қиласизлар. Йиғма қилиб, бир кишига топширасизларми ё бўлиб оласизларми? Кенжатој яна дик этиб ўрнидан турди-да, шошиб деди:

– Ҳамма маъракаларини ўзим қиламан, менга қўйиб беринглр.

– Шошма, бойвучча, – деди тоға унга дашном берган бўлиб, – ака-опаларинг розилик берса қиласан. Уларнинг ҳам сендан кам жойи йўқ.

Улар ҳам “нима деяпсан?” дегандек кенжатойига караб кўйишди.

– Хўп дея қолинглар, жон акалар, жон опалар, – деб кенжатой хўнграб йиғлаб юборди. У анча эрка, эркалигини ўтказа оларди ҳам.

– Саломга яраша алик, – деди тоға орага тушиб, – сизлар укага марҳамат қилган эдинглар, у ҳам ўз навбатида марҳамат қияпти, ха, марҳаматли бандаларини Аллоҳ хуш кўради. Ака-укалар кенжатойга изн беришди. Тоға тунни бефойда йиғи-сиғи билан эмас, ибодат билан ўтказганига хурсанд эди. Жиянларининг бир-бирларига бўлган меҳроқибатларидан боши осмонга етди. Уларни дуо қилди. Ташқаридан одам кириб, ғассол келганини маълум қилди. Тоға икки ўғилни ғассолга ёрдамчи қилиб, ўзи жанозага келувчиларни кутиб олиш учун ташқарига юрди.



НОР ҲАЙИТ

(1941–1992)

Серғайрат журналист, салиқали ёзувчи Нор Ҳайит (Норкул Ҳайитқулов) Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Нор Ҳайит Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетида ўқиди. Ўқиш йилларида у бир оз вақт институтда чиқадиган кўп нусхали газетасида масъул котиб бўлиб ишлади; дастлабки тақриз, ҳикоя, очеркларини республика газеталарида эълон қила бошлади. Олий таҳсилдан сўнг Нор Ҳайит бир оз вақт Ангор мактабларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Кейинчалик Сурхондарё вилояти газетасида муҳаррир, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Энди у замондошлари турмуш тарзини, меҳнат жараёнларини яқиндан ўрганди. Натижада, деҳқонлар, ишчилар ҳамда чорвадорлар ҳаётини тасвирловчи кўплаб очерklar, лавҳа ҳамда ҳикоялар, қиссалар ёзди; республика матбуоти, радио ва телевидениесида ўз асарлари билан фаол қатнашди.

Бу орада Нор Ҳайит Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Натижада, Нор Ҳайитдан “Шўрчилик одамлар”, “Она-ер” кўшиғи, “Юлдузлар шуъласи” сингари бир неча китоблар, кўплаб очерklar бизга мерос бўлиб қолди.



Қиссадан парча

Назаримда, чўл ғимирлаб, жонланиб қолгандек. Қажққа қарамай, осмону фалаккача чўзилган гирдобни кўраман, улар кўзикоринларни лапанглатиб баланд-баландга учуриб кетишади. Кун ботиш томондаги ҳалигина кўриниб турган кумушсимон қават-қават булутлар ўрнини кулранг юпка булутлар эгаллади. Бирок бу кулранг булутларга эътибор бериб қаралса, уларнинг шиддат билан юқорига интилаётганини пайқаш қийин эмас эди. Ҳа, ана, осмон юзи тобора оқ-қора пардага ўрана бошлади. Бу ростакамига булут эмас, баҳор пайтида тез-тез эсиб турадиган афғон шамоли эди.

Шубҳасиз, бу шамол чўлда чиябўри каби изғийди, олдида учраган ҳар қандай тўсикни кўпориб отишга чиранади. Биз томондагидан кўра, чўлда ўн баравар қатти ва даҳшатли бўлса, эҳтимол. Палаткада бир ўзимман. Эрталаб ишга чиқишим керак, кутиб олган серсоқолли киши айтганидек, хориганман, дамимни олишим керак. Мизғиган эканман. Аллақандай дағал овоздан хушёр тортдим.

– Холангни дачасига келдинг-да? Ётишини қара-ю, дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган хилидан, шекилли, – кўзлари киртайиб, жағи чўккан йигит эринганча энқайди-да, ёқаси тердан ивиган кўйлагим баридан ушлаб силкиди. – Ҳов, боқибегам, турсанг-чи, кум тўфони босиб келопти, жонимиз мана мундоқ ҳикичоққа тақалди-ю, сани ётишингди қара-я, – деди.

Кўзимни секин очдим, худди бир кеча-кундуз ухламаган кишидек, енгим билан юз-кўзимни ишкаладим, сўнг оғир, ғўлдираган оҳангда:

– Ассаломалайкум, – дедим чўзиб.

– Во-олайкум, мулло, – деди у кафтини кўксига кўйиб, чанг-тердан бир-бирига ёпишиб қолган қошлари остидан айёрона тикилди. – Саломлашишти лекин ўрнига қўярқансан, хай, ну-ка, ўринларидан турсинлар-чи, танишиб олайлик.

У дағал кафти орасига кўлимни олиб қаттиқ қисди. Оёқларини кериб, ғоз сингари туриши ман-ман деган пол-

воннинг талтайишига ўхшаб кетарди. У бўғиқ овоз билан исмини айтди. Аливой экан.

– Саники-чи? – сўради у.

– Меники – Собир.

– Собир? Ўзбакка ўхшамайсан-ку? Ёки ҳамширалар адашганмикан-а! – деди кўнғиртоп сочимга, ингичкадан келган чўзиқ бурнимга бир-бир ғилай қараб. – Ҳи, ростдан адашганга ўхшайди. Бурнингди қара, худди этикдўзларникидай.

Истеҳзо аралаш кулиб қўйдим. Касбимни сўради, энди танлайман, дедим.

– Ў-ў, сут тишингиз тўкилганми? Қани, оғзингди оч-чи, – кикирлаб кулди у.

Этим жимирлаб кетди.

– Нима дединг?!

– Нима дердим, тишингди кўрай, дедим-да. Тагин йўргакдан олиб келишган бўлса, эртароқ туёғингди шиққилатиб қол, демокчиман-да, оғойнижон!

– Бунақа маслаҳатларга зор эмасман! – қовоғимни солиб ўкрайдим.

– Оҳ-оҳ, товба қилдик, товба!

Биринчи танишган ҳамётоғим билан пешингача бошқа сўзлашмадим...

Таъбим хира бўлди. Ахир, қанчадан-қанча орзу-ҳавас билан янги жойга, ўзингга мутлако нотаниш бўлган ерга келсанг-у, кишилар сени назарга илмаса, оғзига келган гапни шарт-шарт айтиб юбораверса, сен учун бундан ҳам оғир ҳақорат бўладими?!



РАУФ ТОЛИБ

(1946–2002)



Севимли болалар шоири, сергайрат журналист Рауф Толиб (Толипов Рауф Қосимович) 1946 йилнинг май ойида Тошкентда туғилган. 1969 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатди. “Гулхан” журналида адабий ходим “Ёш гвардия” (ҳозирги “Янги аср авлоди”) нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Сўнгра нафақага чиққунга қадар “Ғунча” жур-

налида шеърят бўлимини бошқарди.

Рауф Толибнинг биринчи шеъри ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида 1961 йилда босилиб чиққан. Шундан кейин унинг вақтли матбуотда шеърлари, эртақлари эълон қилина бошланди. 1972 йилда унинг биринчи шеърий тўплами “Илмлилар минг яшар” чоп этилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бирин-кетин дунё юзиде кўрган “Осмонбоғ”, “Сухбат”, “Миржалол нега лол?”, “Эшитмадим деманглар”, “Майса”, “Жирафанинг нега бўйни узун?” каби ўн бешдан зиёд шеър ва эртақлар китоблари дунё юзиде кўрди. Ушбу китобларига кирган шеърларда Рауф Толиб кичик ёшдаги болаларнинг рухий кечинмаларини, табиат ва набототга, кушлар оламига меҳрларини ўзига хос тилда, ўйноқи-равон услубда тасвирлайди, болаларбоп манзаралар қизади, улар тасаввурини чархлайди. Рауф Толибнинг шеърлари рус, озарбайжон, тожик, туркман тилларига таржима қилинган. Унинг ўзи ҳам К.Чуковский, А.Барто, Я.Аким, М.Миршакар каби жаҳон халқлари адаби-

ёти вакилларининг шеърларини маҳорат билан ўзбек тилига ўғирди.

Рауф Толиб Абдулла Авлоний номидаги Республика мукофоти соҳибидир. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвони билан тақдирланган.

ОСМОНБОҒ

Ҳаво кайиғи сузар,
Осмон тинчлигин бузар.
Юлдузлар чўчиб қарар,
Пилдираб учиб қолар.

Кўкда юлдуз мунча кўп,
Очилган улар тўп-тўп.
Осмон экан чаманбоғ,
Ҳар юлдуз яшнар чароғ.

Чароғ эмас, оловгул,
Ёниб турар лов-лов гул.
Билсам, юлдузлар ракси,
Ранго-ранг гуллар акси.

Боғлардан олар жило,
Ер ҳам кизик, ажабо.
Ўхшар экан осмонга,
Осмон ўхшар бўстонга.

Кўкда Хулкар, Зухролар
Ерда Дилбар, Барнолар.
Тонгда юлдуз учаркан,
Ҳусни ерга кўчаркан.

КУЗ ТОҒАМ

Ҳар кунгидек эрта тонг,
Тўлкинжон уйғонади.
Атрофга назар солиб,
Завқланиб қувонади.

Ишкомларни оралаб,
Куз тоға келаётир.
Ўртоқлар, хормангиз деб,
Югуриб елаётир.

Оқ пахта, хирмон пахта,
Куз тоғанинг калпоғи.
Жилва қилар табиат,
Бекасам тўн, белбоғи.

Жўхори сўтасидек,
Дур тиши садаф-садаф.
Кўйни-кўнжи лиммо-лим,
Куз тоғам бойдир ажаб.

ЖИЙДА

Жийда кип-кизил олов,
Ёниб турар лов-лов.
Оташ нафас ёз бўйи,
Нурларни ичган тўйиб.

Ичига қамаб олган,
Қушларни камраб олган.
Нон, жийда, жилонжийда,
Томирларда кон жийда.

Олинг дейди, эгилиб,
Одамга салом бериб.
Жийдамас, бол тутқазар,
Есанг дардинг ўтқазар.
Қиш-ёзга кўприк жийда,
Ишимга кўрик жийда.

МЕКЕМБАЙ ОМАРОВ

Серзавқ қозоқ шоири ва бахши-си Мекембай Омаров 1949 йили Тошкент вилоятининг Қибрай тумани Тузел қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Бўлажак шоир Мекембай ўрта мактаб хатмидан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Қозоқ филологияси бўлимига кириб ўқиди ва уни 1971 йили имтиёзли диплом билан тугатди.



Олий таълим хатмидан сўнг Мекембай Омаров ўрта мактабларда қозоқ тили ва адабиётидан дарс берди. Кейинчалик бир неча йил давомида “Нурли йўл”, “Азия”, “Қозоқ тили” газеталарида муҳаррир, бўлим мудури бўлиб ишлади. Ҳозир “Азия” газетасининг Ўзбекистон бўйича мутасаддисидир.

Мекембай Омаровнинг илк шеъри 1968 йили “Қозоғистон пионери” газетасида эълон қилинган. Ўшандан бери у қозоқ ва ўзбек тилларида халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, миллий ифтихор, болалар ҳаётига оид кўплаб шеърлар ёзди.

Ҳозирга қадар шоирнинг юртимизда ҳамда Қозоғистонда “Муҳаббат”, “Қозоқнинг 1001 мақоли”, “Отаммикан?”, “Ширин олмалар” китоблари чоп этилган. Мекембай зуллисонайн шоир бўлиш билан бирга, камрови кенг бахши сифатида халқ дostonларини куйлаб, турли мавзуларда термалар яратиб юради. У бир неча халқаро бахшилар танловининг иштирокчисидир. Масалан 1985 йили “Қозоқ адабиёти” газетаси томонидан Алмаотада ўтказилган бахшиларнинг Халқаро танловида бош соврин соҳиби бўлган. Унинг бисотидан қозоқ ва ўзбек халқларининг ўнлаб сара дostonлари ўрин олган.

Бундан ташқари, Мекембай Омаров ҳамкасблари билан бирга Ватанимиздаги ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарслик ва услубий қўлланмалар яратишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. У 2002 йили “Истеъдод” жамғармаси томонидан ташкил этилган “Йилнинг энг намунали дарслиги ва ўқув адабиётининг муаллифи” танловининг ҳам ғолибидир. Шоирнинг “Халқим”, “Тошкент”, “Туркистон”, “Отамакон” сингари ўзбекча яратилган кўплаб шеърлари республикамиз газета ва журналлари саҳифаларида эълон қилинган.

ДАРЁГА


Ёмондир бу дўстим ўзга айрилиқ,
Ирмоқдан қолдинг, мана, айрилиб.
Бировларга ёрдам кўлин чўздинг-ку,
Улар сенга қарашдими кайрилиб?
Яхшиликлар қилганингда неча бор...
Хафа бўлма, сира беришмаса эътибор.
Умринг боқий бўлишини ҳақ усиз ҳам;
Денгизгача фақат омон етиб ол...

БЕШИКТОҒ

Менинг гўзал она-юртим жамоли,
Қизилсойнинг тамом бўлмас эртаги.
Бешиктоғим ҳозирча тонг ҳилоли
Олис юртдан соғинчларим элтади.
Ҳеч ким сендан кўрмайди рост ёмонлик,
Барисидан бор, албатта, хабарим.
Бешиктоғим бўлса агар омонлик,
Ахир, бир кун етар сенга кадамим.
Йироқ юрдим бошларингга киролмай,
Кўринди тез буюклигинг, Бешиктоғ.
Яқин юрсам буюклигинг билолмай,
Юрармидим, суюклигим – Бешиктоғ

ШАМОЛ

Ҳар кун дилкаш куйинг чалиб ўтасан,
Гулистоним – Номданакнинг пастидан.
Оппок ёмғир – кўзинг ёшин тўкасан,
Нодонликнинг, нодонликнинг дастидан,
Ваъдамизга юрсак амал қилмасдан,
Ҳақиқат ҳам вақтинчалик эгилар..
Сира қадру кимматингни билмасдан,
Шамол, шамол, сени тентак дедилар.
Сен эсмасанг, маликадек боғларнинг
Ким тарайди, япроқларинг сочини?
Сен эсмасанг яна қанча тоғларнинг
Қора булут қоплар эди бошини.



ШУКУР ДАДАШ



Соликали ижодкор, тажрибали муаллим, халк таълимининг фидойиси Шукур Дадаш (Дадашев) 1949 йилда Тошкент шаҳрида маорифимиз дарғаларидан бири Тоир Дадашев хонадонида дунёга келди. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Шукур Дадаш Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. Ўқувчилик ва талабалик йилларида у Абдулла Набиев номидаги болалар ижодий уйига қатнаб устод Қуддус Муҳаммадий раҳбарлигида бадиий ижод сеҳрларини ўрганди, институтда эса, замонамизнинг машҳур олимлари ва ижодкорлари Натан Маллаев, Ўткир Рашид, Ҳакимжон Ҳомидийлардан сабоқ олди.

Талабалик йилларидаёқ унинг “Тенгқурларим” дostonи чоп этилди. Олий таҳсилдан сўнг Шукур Дадаш ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, илмий бўлим мудири, мактаб директори сифатида фаолият кўрсатди. Сўнгрок эса, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Республика Вазирлар Маҳкамасида ва бошқа ташкилотларда масъул лавозимларда ишлади.

Шукур Дадаш каерда ишламасин, қайси вазифани бажармасин бадиий ижод унинг доимий ҳамроҳи бўлди: замондошлари руҳиятини, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур ғояларини тараннум этадиган кўплаб асарлар ёзди. Турли йилларда шоирнинг “Тенгқурларим” (1976), “Бувимнинг эртаклари” (1978), “Ўн беш баҳодир киссаси” (1985), “Қутлуғ замин” (1987), “Кўнгил нидоси” (1987), “Жонимда яшайди Ватан” (1999), “Ўзи бек ботир” (2000),

“Илтижо” (2001), “Маърифатга бахшида умр” (2004), “Садаф заргари”, “Шамшод хангомалари” (2010) сингари китоблари ҳамда мақолалари нашр қилинган.

НАҲОТ

Биров қармоқ ташлаб балиқ тутади,
Кимдир тузук қўйиб, ўлжа кутади.
Кимдир ҳасад билан умри ўтади,
Хаёлим кемирар бир савол ҳар дам
Наҳот, таъма билан яшайди одам?!

Номард амал дея сотар виждонин,
Макр ила қийнар мардларнинг жонин.
Худбин элни эмас, ўйлайди шонин,
Вужудим қийнайди, туганмас алам,
Наҳот, шуҳрат билан яшайди одам?!

Ё Аллоҳ, оқибат луғатда қолди,
Савоб ўрнин алдов, хиёнат олди,
Дўст аро ҳалол лафз, вафо йўқолди.
Айтинг, бу ҳолатга ким бўлар ҳакам?
Наҳотки, шайтонга қўл берган одам?!

Ўйлайман, ўйларим чеки кўринмас,
Кечмиш бу дардларим оҳ-у, зор эмас,
Дўстлар, Шукур Ҳақдин ўзгани демас,
Тилим лол, топилмас бир собит ҳамдам,
Наҳот, ўзим дея яшайди одам?!

ТАШБЕҲ

Кўк гўё араздек солган ковогин
Ҳасаддан булутлар тўсган зиёни,
Дилда ҳам шу тундлик, мисоли зулмат,
Бешафқат ҳукмига олган дунёни.
Ҳориган деҳқондек бўрсиқиб юзи,
Осмон узра офтоб аста қўйди бош,

Коронғу пардасин йиртгач батамом,
Кўкда ҳам, калбда ҳам балқиди куёш.

ТАВАЛЛО

Майли, жабр тиғи тилсин бу таним,
Андух тошларига урилсин бошим.
Майли, хузур қилсин ҳолимдан ғаним,
Майли, юз ўгирсин дўстим – сирдошим.

Майли, билмасинлар заррача кадрим,
Дард-ситама ғазнига тўлай тинмай бож.
Аммо бир ўтинчим сенга, эй Тангрим,
Бир зум ҳам этмагил номардга мухтож.

ОТА-ОНА РИЗОСИ

Ҳар ён бошинг ургил, омадинг чопмас,
Минг тавба-тазарру гуноҳинг ёпмас.
Назардан қолгайсан, ҳеч қимса бокмас,
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,
Кўнгилдан ҳақингга дуо этмаса.

Беозор, беғубор она юраги
Ўғил-қиз жисмида эрур бўлаги.
Ранжиса, бу – умринг нури сўнгани,
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,
Кўнгилдан ҳақинга дуо этмаса.

Тириклик чоғида бурчинг эт адо,
Молу давлат эмас, меҳринг эт фидо.
Шоҳ эрсанг, тўсатдан бўлурсан гадо,
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,
Кўнгилдан ҳақинга дуо этмаса.

Шоир Шукур шукр, қил, тўрт мучанг омон,
Икболинг мўл этди бу фоний замон.

Бу бахтга муяссар этмасди Раҳмон,
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,
Кўнгилдан ҳақинга дуо этмаса.

ДАВР БИР КЕЛАР

Кўккамас, ерга боқ, ўзингдан кетма,
Мискинни оху деб, ўзинг шер этма,
Биров манглайига жўн қисмат битма,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,
Омад доим келмас, давр бир келар.

Устоз ота эрур, ноҳақ хор этма,
Номардлар қилмишин касбу кор этма.
Иймонинг йўқотиб, зарни ёр этма,
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,
Омад доим келмас, давр бир келар.

Мағрурсан, вақтинча тожу тахтингга,
Амал гадолари яшар бахтингга,
Ишонма, бугунги дадил шахдингга.
Умр ёмонни ҳам, яхшини ҳам элар,
Омад доим келмас, давр бир келар.

Эй шукр, чин инсон эзгулик тилар,
Ишон, бахт куёши пешонанг силар,
Дард нима, табибмас, чекканлар билар.
Умр, ёмонни ҳам, яхшини ҳам элар,
Омад доим келмас, давр бир келар.

ҒАФҒОР ҲОТАМОВ



Табиатан мулойим, ўта синчков, ҳар қандай вазифада ҳам хокисорликни унутмайдиган адиб Ғаффор Ҳотамов 1950 йили Навоий вилояти Навбахор туманининг Ғужбот кишлоғида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Ғаффор Ҳотамов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетида ўқиди. Олий ўқув юртини тугатгач, Ғаффор Ҳотамов “Тошкент окшоми”, “Ўзбекистон овози”, болалар газеталарида ишлади. Кейинчалик “Ёшлик” журнали, “Туркистон” газеталарида бош муҳаррир вазифаларини бажарди; Ўзбекистон Президенти девонида ишлади. Ҳозир у “Ўзбекистон овози” газетасининг бош муҳаррири ўринбосари.

Адибнинг турли йилларда “Хат ташувчи бола”, “Қайтиш”, “Кудук тепасидаги ой”, “Азал ва абад” китоблари, “Тоҳир ва Зухранинг кулмаган бахти” киссаси эълон қилинди. Шунингдек, ёзувчининг “Кунтуғмишнинг кулмаган бахти”, “Биринчи муҳаббат киссаси”, “Кеча, бугуннинг сабоқлари” китоблари ҳам ўқувчилар оммаси томонидан илиқ кутиб олинди. У романнавис сифатида ҳам ўз ўқувчиларига эга. “Янги ой чикқан кеча” романи бунга мисолдир.

“Кудук тепасидаги ой” киссаси ҳамда “Эврилиш” бадияси учун Ғаффор Ҳотамов Республика ёшлар ташкилотининг мукофотига сазовор бўлган.

ХОТИНДАН ҚЎРҚУВЧИЛАР

Ҳикоя

Инсон боласи муттасил тарзда сиёсатга банди бўлиб яшай олмайди, хусусан, оддий кишилар. Қайта куриш, мажлис-тўполон, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик бобида эҳтирослар жунбушга келган бир пайтда бунинг тамомила акси бўлган жуда сокин ҳаёт ҳам азалий ўзанида давом этаёттир. Шундай жойларга қадамингиз етгудек бўлса агар, истайсизми ва ёки йўқми, тириклик дунёсидан узилиб қолгандек хис этасиз ўзингизни. Шундай кишлоқлардан бири Ширини деб аталади, у Навбахор туманида жойлашган. Айтишларича, бу кишлоқ аҳлининг феъли-хўйи габроволикларнинг ўзгинаси.

“Афанди мана шу кишлоқдан чиккан!”, дейди оксоқолларидан бири. “Тўғри, – дейди шириниликлар, – энди у киши сал оми бўлганлар, лекин биз...” Уларнинг инжилганича бор, на кечаси, на кундузи тиним билишмайди. Ҳозирга довур ўнга яқин норасмий ташкилотлар тузиб ташлашди. Хусусан, “Озгинлар”, “Кўзойнақчилар”, “Бурунбойлар”, айниқса, “Хотиндан қўрқувчилар жамияти” катта нуфузга эга...

“Хотиндан қўрқувчилар жамияти” раисининг айтганлари агар рост бўлса, ҳатто туманнинг сарқотиби ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбур экан! “Бизнинг ҳаракатни бўғиб, бўлиб-бўлиб ташлаш учун сарқотиб нималар қилмади, – дейди у. – Саъй-ҳаракати ҳеч натижа бермагач, “Хотиндан қўрқувчилар жамияти” тузди, ўзи шунга бош бўлди ҳам, қани энди, шу натижа берса экан! Одамлар ҳақ-ҳуқуқни танияпти ҳозир! Навбахорнинг атиги 0,5 фоиз йигитигина у кишига эргашган бўлди, тагин шулар ҳам амалимдан ажраб қолмай, деб юрак ҳовучлаган амалдорлар. Юқоридан ҳар қанча тазйик ўтказишмасин, бари бир, кундан-кунга бизнинг жамият аъзолари сафи кенгайиб бораёттир. “Хотиндан қўрқувчилар”ларнинг ёши ўтганлари ҳам мажбуран келиб бизга қўшилмоқда. Хуллас, ҳозир эркакман деганнинг тўксон беш фоизи бир тан-бир жон, бир жамиятда тутиб турибмиз уларни!”

Жамият раиси билан бўлган суҳбатимиз оёклаган пайтда ширинликлардан бири кажавали мотоциклда ховликиб келиб қолди.

– Ака, бизнинг кенжатоёни кўрмадингизми?

– Йўқ, тинчликми?

– Эрталаб десангиз, иситмаси чиқиб турган экан, дўхтирга олиб борувдим. Кўрди. Дори ёзиб берди. Етаклаб чиқиб, кажавага мингаздим, дорихонага кириб-чиккунимча йўқ-да касофат.

– Шундан бери ахтарасанми? – деди раис мийигида кулганча.

– Бормаган жойим қолмади, ака!

– Бола нарса, чўмиламан деб дарёга тушиб кетгандир?

Ширинликнинг ранги қув ўчди.

– Шундай, деб ўйлайсизми? Дарёвотни кўрсаммикан, а? – у мотоциклни дарё томон бурди.

– Нега ундай деддингиз? – дедим ранжиганимни яширмай. – Ўзи юраги ёрилгудай бўлиб турибди-ю, тагин сиз?..

Раис хохолаб кулиб юборди:

– Ана, каранг, кажавада ўтирибдию кенжатоёи. Бу афанди хаёл билан... Э-э, қойил-э!

Кейин, маълум бўлишича, ширинлик дорихонага чиндан ҳам кирган, уйқуси келган бола шу пайт ёпингични бошига довур тортиб уйқуга кетган экан. Ширинлик ярим кечагача ўғлини ахтарибди, кажавада ўтирган кенжатоёи: – Ада, уйга кетайлик! – дея хархаша қилса, у жеркиб ташлар эмиш: – Жим ўтир, тетак! Укангни топмасдан уйга бориш йўқ! Аянг нак теримизга сомон тикади-я!

Ширинлик дегани шунақа аломат халқ бўлади. Қуйидаги хангомалар эҳтимол сизга ҳазил-мутоёиба бўлиб туюлар, лекин аслида бор гап, агар ишонмасангиз, Афанди чиккан ўша кишлокқа ўзингиз боринг, бундан-да аломат ҳодисаларга гувоҳ бўлиб, ёқа ушлайсиз.

ПАЙШАНБАГА ҲАЛИ БОР

Ота-онамни кўриб келай, деб хотин Нуротага отланди, кетагуриб, эрига тайинлади:

– Пайшанба куни бориб мени опкеласиз.

Пайшанба куни ширинилик “Москвич”га миндида, кайдасан, Нурота? деб йўлга тушди. Бир ярим соат йўл юриб, ниҳоят, Нуротага етиб борди. Энди шаҳарга бурилган эди, Навойга катнайдиган автобус шундоқ биқинидан лип этиб ўтиб кетди. “Хотин ҳам шу автобусда кетди-борди-ёв”, деб ўйлади ширинилик ва “Москвич”ни шартта изига қайтарди.

Автобус билан қорама-қора Навойга келгач, қараса, йўловчилар орасида хотини йўқ. “И-я, – деди у хайрон бўлиб, – нега кўринмайди у? Ё уйга кетвордимикан?”

Бориб, болалардан суриштира, йўқ, хотини уйга ҳам келмапти. “Ёпирай, – деди у хайрон бўлиб, нега келмайди, а?”

– Бугун қайси кун ўзи? – деб сўради у катта ўғлидан.

– Пайшанба, – деди катта ўғил.

– Йўғ-э, – деди ширинилик, ахир, Нуротадан автобус келдими, келди.

Ундан бир дунё аёл тушдими, тушди. Шуларнинг ичида ойинг йўқмиди, йўқ эди, демак, бугун пайшанба эмас, пайшанба ҳали олдинда.

– Ҳа, шу куни бориб ойимларни опкеласиз-да.

– Шу-да, – деди ширинилик, – мен бўлсам, бугун – пайшанба, деб шунча йўлга бориб юрибман-а...



ХОСИЯТ БОБОМУРОВОДА



Таниқли муаллима, нозиктаъб шоира Хосият Бобомуродова 1950 йили Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги “Ибн Сино” жамоа хўжалигида зиёли оиласида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Хосият Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Физика - математика факультетида таҳсил кўрди. Ўрта мактабларда ўқитувчи, директор бўлиб ишлади; шеърлари республика га-

зета, журналларида босила бошлади. Бир неча йил давомида Хосият Бобомуродова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимини бошқарди.

Хосият Бобомуродованинг турли йилларда “Қалб титроғи”, “Турналарим”, “Самарқандга мактуб”, “Мен узган гуллар”, “Мурод қасри” каби бир қанча тўпламлари нашр этилган. Шоира асарларида табиат манзаралари, инсондўстлик, Ватан мавзулари айрича соз ва овозда тасвирланади. Уларда биз замондошларимизнинг ранг-баранг образларини кўрамиз, истиклол неъматларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида халқимиз олиб бораётган жасоратли кураш билан ошно бўламиз. Жумладан, муаллифнинг “Қирк ўғлон жасорати” (“Ўзбекистон”, 2007) китобида ғоятда ўқишли бадий публицистик лавҳаларда халқимизнинг кўпорувчи, газанда, террористик тўдаларга қарши олиб бораётган мардонавор кураши аниқ воқеалар тасвири, далиллар таҳлили орқали кўрсатиб берилган.

ЮРАК БЎЛАЙ

Такдир! Мени агар яратсанг такрор,
Гулмас, юрак килиб яратгин, такдир.
Ҳали ушалмаган армонларим бор,
Ҳали қанча эзгу ниятлар тоғдир.
Биламан, жисмимнинг умри мангудир,
Инсонман, тупрокман, гул... ё бошқаман.
Мавжудлигим сенда ҳар гал янгидир,
Сен мендай ё кўркам, ё хазон чаман.
Юрак бўлайин мен ўз тупроғимда,
Токи мени қалбим атаган кимса
Ватаннинг ҳар гули, ҳар япроғига
Меники деб суйиб, ташна тикилса.
Юрак бўлай! Қора парда тутиб кўзга,
Фарқ килиб кўргувчи яхши-ёмонни.
Одамлар боқсалар покиза изга,
Ёниб титрагайин мен ўша жонни.
Бировлар қўлида курол бўлмоғ-у,
Уйқули кўзларга киприк бўлмок ор,
Кибор, лоқайдларга бир ўткир оғу –
Юрак бўлай! Мени яратсанг такрор.
Менинг армонларим тугамас сира,
Энди юрак бўлиб топайин чора!
Оламда юракнинг ишлари ҳақдир,
Мени юрак килиб яратгин, такдир!

СЕЗМАБМАН...

Оппок сочларингда тўхтаб нигоҳим,
Тўймайин боқдим-у, ўйланиб қолдим.
Шу дамгача нега сезмабман оқин,
Онажон, сочларинг рангини ким олди?

Сезмабман сочларинг оқарганин ҳам,
Нур бўлиб кирмабман ўйчан кўзингга.
Сен менинг ҳовлимга меҳмон бўлган дам,
Нечун лаб қўймабман босган изингга?!

Оддий машқимни ҳам қувониб, ёниб,
Бахт тилаб тинглайсан, онажонгинам.
Барча мавзуларни ўзингдан олиб,
Ўзингга ёзмабман биргина шеър ҳам.

Оппок сочларингдан бир ўпай, она,
Тенги йўқ ишқингдан қилайин ҳузур.
Ёшлигинг жисмимда кезмоқда, мана,
Неларни истайсан, онажон, буюр.

1975

ҚОРХАТ

Оқ қор ёғиб юракларда гупирар оқ тилаклар,
Қордаин пок салом йўллаб, сизга қорхат ёзарман.
Хатни олиб парча қордай учса нетай юрак ҳам,
Айб санаманг, хатим билан тинчингизни бузсам гар.
Нома етгач, қанот боғлаб биз томонга учгайсиз,
Қордан кўркманг, сизни бунда оловли дил кутади!
Басдир менга! Бу гал сиз ҳам ишқ шаробин ичгайсиз.
Чидасангиз ичмоғига кутган дил гул тутади.
Териб беринг ўйларимни, сизни излаб сочилган,
Ул ўйларим – интиклигим, соғинчимдир, ноладир.
Қадам кўяр бўлсангиз гар боғимда гул очилгай,
Сизга фақат нур сингари яшнатмоқ ҳаволадир.
Майли шоҳона йўл солманг, мен ўзим йўл очарман,
Тайёр йўлда талтайишган мағрурларга қасдма-қасд!
Ваъда қилманг фароғатлар, барисидан кечарман,
Фақат ўчмоқ, ёнмоғимда ёнимда бўлсангиз бас.
Солманг бир кун юрагимга хиёнатнинг ўчини,
Ёзмоқ учун сиёҳ бўлар, ул дам юрагим кони!
Оҳ! – деганда англайсиз содда дилнинг кучини,
Ундоқ тунлар бизга насиб этиб юрмасин, яъни–
Шул дамгача висол ваъда этди, алдаб тушларим,
Мактубдан сўнг рост висолни кутмоқ бўлар ишларим.

АБДУСАИД КҶЧИМОВ

Фаол журналист, жамоат арбоби Абдусаид Кўчимов 1951 йил 15 майда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. У 1967 йили тумандаги 37-ўрта мактабни битирган. 1968–1972 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олган.



Абдусаид Кўчимовнинг меҳнат фаолияти 1972 йилда “Ўқитувчи” нашриётида корректорликдан бошланди. Мазкур нашриётда олти ой ишлагандан кейин, болаларнинг республика газетасига адабий ходим бўлиб ишга ўтди ва 1984 йилгача ана шу газетада бўлим мудирини, масъул котиб вазифаларида меҳнат қилди. 1984–1987 йилларда у “Шарк юлдузи” журналида масъул котиб, 1987–1991 йилларда ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида бош муҳаррир, 1991–1992 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари, 1992 йилда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари, 1996–1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида Ахборот раҳбари, 1997–2005 йилларда Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси, 2005–2006 йилларда Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари, “Тошкент” телерадиоканали директори вазифаларида хизмат қилди. 2006 йилдан буён “Хабар” газетасида бош муҳаррирлик вазифасини бажармоқда.

Ўзбекистон журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаларининг аъзоси Абдусаид Кўчимовнинг биринчи китоби – “Каш-

фиётчи болалар” 1978 йили чоп этилган эди. Ўтган йиллар давомида Абдусайд Кўчимовнинг “Менинг Ўзбекистоним” (1979), “Тошбургут” (1981), “Менинг юлдузим” (1984), “Чанок” (1985), “Ҳалқа” (1987), “Икки баҳор” (1990), “Умид дарахтлари” (1992), “Қиёфа” (1996), “Ёсуман” (2000), “Баланд тоғлар” (2002) каби насрий ва шеърый китоблари чоп этилди. Татар адиби М.Харисовнинг “Қизил сайёрага саёҳат” номли қиссаси Абдусайд Кўчимов таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилган.

Адибнинг “Баланд тоғлар” ва “Бойчечак” ҳикояси асосида бадиий филмлар суратга олинган. “Ҳалқа” ва “Ҳаёт ҳукми” номли китоблари Хитой Халқ республикасида чоп этилган. Бир қанча ҳикоя, қисса ва шеърлари рус, украин, молдован, турк ва бошқа жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган. Унга табиатни асраб-авайлаш мавзусидаги асарлари учун Халқаро ЮНЕСКО мукофоти, “Ҳалқа” китоби учун Гафур Ғулом номидаги Республика мукофоти берилган. Шоир 1994–1999 ва 1999–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган.

Абдусайд Кўчимов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” унвони, “Шухрат” медали, “Мехнат шухрати” ордени, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

БИР НИҲОЛ ЭКДИНГМИ?

Бир ниҳол экдингми Ватан боғига,
Мехрингни тўқдингми чўл, янтоғига,
Гулларга чанг-ғубор кўнган чоғида
Арта билолдингми чангу ғуборни –
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Битта ғишт қўйдингми майдонларига,
Бир васса ўйдингми айвонларига,
Бир мисра қўшдингми дostonларига,
Кураб ташладингми томларидан қорни –
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Кимдир узиб кетса дилбар гулларни,
Кимдир бузиб кетса сарвар йўлларни,
Кимдир узиб кетса музгар дилларни,
Дуосин олдингми меҳрга зорнинг –
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Уруш-жанжалларга хамиртурушлар,
Иллатфурушлару, миллатфурушлар,
Афиф осмонингга қилса хуружлар,
Ҳасад ҳақирларга тикдингми дорни –
Десалар, юртдошим, жавобинг борми?

Жавобинг бўлмаса мумтоз-мукаммал:
Қўлингда зулфикор, дилингда камар,
Дулдул тулпоринга ёр бўлса камар –
Йўлдошинг сабъаи сайёр бўлади,
Мукаддас жавобинг тайёр бўлади.

БАҲОР ТУЙҒУЛАРИ

Эй, дилим!
Бир нафас ўзингни унут,
Бир нафас ўзингни юборгин қўйиб.
Қиш бўйи ичингда бўғриққан бургут
Анбар ҳаволардан симирсин тўйиб.

Яйраб учиб ўтсин зангор зовлардан,
Мовий кенгликларга бурсин юзини.
Майда-чуйдалардан, тўсиқ-ғовлардан
Бир нафас баландроқ тутгин ўзингни.

Ўзингни бир нафас лоларух, тоза
Субҳи саҳардаги шабнамдек хис қил.
Ҳеч кимдан ранг олма, олма андоза,
Эрка кийиклардек яйрагин, эй, дил!

Эй, дил, манфаату мартабаларга,
Гина-кудратларга қолдирма асос.

Аламларни куйдир алангаларда,
Жисмингдан йўқолсин нобакор қасос.

Қасос! Ал-қасос, деб тишларин кайраб,
Фурсат пойлаганлар тошдай қотсинлар.
Улар ҳам ҳайратдан тўрғайдек яйраб,
Мовий самоларга ўзин отсинлар.

Отсинлар! Отсинлар ҳасадни ҳасад,
Таъмалар таъмани отиб ўлдирсин!
Маржон турналардек мафтункор ҳавас
Фазони тўлдирсин, ерни тўлдирсин.

Тўлдирсин қалбларни баҳорий ҳислар,
Туйғулар туйғуни олсинлар кучиб.
Тўралар савлатин ечиб отсинлар,
Чашмаи салсабилдан тўйсинлар ичиб.

Кечиб ялтиллаган хою ҳавасдан
Меҳру муҳаббат-ла кулиб боксинлар.
Тўғон деб аталмиш бетон қафасдан
Қутулган сел мисол тошиб оқсинлар.

Оқсинлар, гупуриб, кўпириб, тўзиб,
Чанг босган дилларда қолмасин ғубор.
Кўнглим, ичингдаги зиндонни бузиб,
Токка бургутингни учириб юбор!

Учириб юборгин, кўриб олсинлар
Дўстларинг сенинг ҳам шодмон юзингни.
Омонат дунёга тик қараб бир гал,
Бир марта англаб ол ўзинг ўзингни.

Яхшилар хато-ю, ох-вохларингни
Баҳор кунларида кечирадилар.
Эрка-шўхликлар-у, гуноҳларингни
Кўнгил дафтаридан ўчирадилар...

1995 йил.

ҲАМИД НОРҚУЛ

(1953–2010)

Серзавқ шоир, насрнавис ва журналист Ҳамид Норқул 1953 йили Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманига қарашли Уйшин қишлоғида дунёга келган. У ўрта мактаб таҳсилидан сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тугатади. Сўнг “Тонг юлдузи” газетасида меҳнат фаолиятини бошлайди. Бир неча йилдан кейин яна ўз қишлоғига қайтиб, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими муовини вазифасида хизматини давом эттиради. Бу лавозимда ўн йилдан ошиқроқ ишлаб, мазкур тумanning “Машъал” газетасига бош муҳаррир бўлиб ишга ўтади. Ижодкорнинг қалами айнан шу даврда чархланиб, шоир сифатида элга танилади. Умрининг охиригача ушбу газета редакциясида меҳнат қилди ва самарали ижод этди.



Ҳамид Норқул ҳозиржавоб серандиша ижодкор эди. У бир шеърда шундай деганди:

Болам учун айтилган сўзлар
Келажакка тикилган кўздир!
Ёнаётган бу Олов умрим
Ваган учун айтилган
СЎЗДИР!

Сермахсул шоир Ҳамид Норқул ўз ижодий фаолияти давомида шеърлар, дostonлар ёзиш билан бирга, публицист сифатида ҳам кенг танилган қалам соҳибидир. Сўнгги йил-

ларда унинг бир талай китоблари нашрдан чиккан. “Умр ранги”, “Ойдин ниятларим”, “Ёнар сўз”, “Белида белбоғи бор эл”, “Кўзлардаги дунё”, “Сиз барибир бошқачасиз” ва “Тансиқ кунлар” сайланмаси китобхонларнинг маънавий мулкига айланган.

ҚАДР

Дунёда саломнинг алиги бордир.
Эсига тушганнинг қўлин олиб қўй.
Ҳар куним байрам деб кувонма, лекин
Қадрингга етган кун
Асли битта тўй.

ЎЗИНГ БИЛАН ЎЗИНГ...

Ҳақиқатга
хассадек суян,
Судралувчи
қадам ташлама.
Ҳассам дарахт бўлсин
десанг гар,
Ўзинг билан ўзинг
яшама...

ЎЛИМ ҲАҚ

Ўлимнинг йўлини
кайтарма ҳарчанд,
Барибир айтганин
қилиб кетади.
Тўшақда ётганин
ҳисобламай гох,
Оёқда юрганни
илиб кетади.

ТИК ТУРГАН ЧОҚ

Элдан сўра кимлигингни,
жавоб сўрама.
Болам, менинг бошимдаги
қорни курама.
Йиқилганга елка тутсанг,
ортга қарама,
Тик оёқда турган чоғинг
Ёрдам сўрама.

ТАНБЕҲ

Омад, сенинг эсинг йўқ,
Эсинг қачон киради.
Қачонгача омадсиз
Изларингдан юради.
Бу аҳволда, айт, қачон
Ниятингга етасан.
Буюрганлар қолиб гоҳ,
Югурганга кетасан.

НИМА ТОПДИНГ...

Чопдинг,
Қопдинг,
Нима
Топдинг?
Борар -
Келар
Йўлни
Ёпдинг...

ЭЛ БИЛАН БЎЛ

Элдан чиқма,
Эл билан бўл.
Бу нимаси,
Чўнтакда қўл.

Суғир уни,
Меҳнатга сол...
Ана, энди
Кўксингга ол!

ВАТАН ХОИНИГА

Отанг тирик,
Онанг тирик,
Сен хоинсан,
Танинг ўлик.
Сендан колган
Иснод оғир.
Авлодингга
“Раҳмат” сағир...

СИЗНИ

Бахтнинг елкасига
Бош қўймоқ учун...
Сизни севмай
Бўладими?



ҲАМЗА ИМОМБЕРДИЕВ

(1954–1997)

Ўта хушчакчак, ҳамиша бедор қалб эгаси, серғайрат журналист, жонфидо дўст Ҳамза Имомбердиев 1954 йили Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятидаги Сўзоқ қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Ўрта мактаб таҳсилани тугутган Ҳамза Тошкентга келиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга дохил бўлди. Ўқиш давомида “Чашма” тўғарагининг раҳбари, шоир ва драматург Ўткир Рашид, зуллисонайн ижодкор Ҳакимжон Ҳомидий, замон алломаси Натан Маллаевлардан адабиёт сехрини ўрганди: “Чашма” тўғараги машғулотларида қатнашиб, илк шеърларини сабоқдошлари ва устозлари назаридан ўтказиб юрди.



Олий ўқув юрти хатмидан сўнг Ҳамза Имомбердиев “Тонг юлдузи” газетаси, кейинчалик умрининг охиригача “Чўлпон” нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Айни пайтда бетиним ижод дардини чекди: болақайларни жон-дилидан севган шоир жажжи қалбларнинг ранг-баранг кечинмалари: ўқиши, ўрганиши, ўйин-кулгу, меҳнат жараёнларидаги руҳий кечинмаларини, ҳайвонот ва наботот оламига муносабатларини ифодалаб шеърлар битди; яқин чорак аср давомида шу кўйда заҳмат чекди. Натижада, безовта, жонсарак ўтган йиллар ўз самарасини берди. “Қувноқлар қувончи”, “Шоколодхўрлар”, “Кулгу шаҳарчаси”, “Ғаройиб пуфак”, “Ғаройиб хангомалар”, “Қутичада миттича”, “Лофчилар –

алдоқчилар”, “Ойдаги томоша” сингари кўплаб китоблари шоирнинг турли ёшдаги болаларга инъомидир.

Ҳамза Имомбердиев ихчам шеърларида ҳам, эртагу достонларида ҳам болаларга табиат, атроф-муҳит, аждодлар тарихи, турмуш уринишлари ҳақида олам жаҳон илм беради: уларга хушхулқ, бир-бирларига меҳрибон, чин дўст, элини, Ватанини садоқат билан севиш, ҳамиша ҳалолу пок яшаш, устозлар, ота-оналарни эъзозлаш ҳақида ўғит беради. Биргина “Типратикон” шеърини олайлик. Асарда тасвирланишича, дайди сайёҳлар, дам олувчилар ўрмон этагида ўт ёқиб, дарахтларга хавф солишади. Митти типратикон бўлса, уларни ўчириш йўлида тимирскиланади. Кичик бир шеърда Ҳамза Имомбердиев табиатни муҳофаза қилиш ғоясини қуйма мисраларда ифодалаб қўйган. Шоирнинг вафотидан сўнг (1998) чоп этилган “Бир кунлик мўъжиза” китобида энг сара асарлари жамланган. Унинг асарлари шу кунларда ёзилгандай, болаларимиз томонидан севиб ўқилмоқда. Демак, Ҳамза Имомбердиев ҳамиша халқ билан ҳамроҳу ҳамнафас.

НИШОН

Омборга келганда Мош,
Сичқонлар тўқди кўз ёш.
Чийиллашди, қочдилар,
Ўн кун аза очдилар.
Омборга киролмаймиз,
Ризқимиз теролмаймиз.
Мош деган бало келди,
Ажални ола келди.
Бошимизга минг савдо,
Ташвишни сола келди.
Кунлар ўтди бирма-бир,
Мош эса ухлар хур-хур.
Хаёлига келмас ов.
Нима бўлди, шохмўйлов?
Дейишса дер: – Сут етар,
Сичқонхўр бўлиб нетай?!
Бу гапдан сичқонлар шод,

Диллари чоғ ва обод.
Эрта-кеч байрам килар,
Севинчдан яйраб-кулар.
Яшасин Мош меҳрибон,
Унга берилсин нишон,
Деб меҳрла боқдилар,
Олий нишон тақдилар.
Шунда ёзув нишонда:
“Зўр уйкучи Мошхон-да”.

ҒАЛАТИ ЖЎЖАЛАР

Товук ётар тухум босиб,
Тун-кун жилмай ҳеч ёққа.
Жаврар Хўроз хафа бўлиб,
Қўнганича қўноққа:
– Нега тезроқ очилмайди,
Бу нимаси, бу нима ҳол?
Товуқхоним шошилмайин:
– Бургут бўлар эҳтимол?!
Қирқ кун ўтар, тухумлар ҳам
Ёрилдилар поқиллаб.
Хўроз хурсанд кукуларди,
Қўшни ғоз ғаққилаб.
Шод карашар жўжаларга –
Сарғиш,оқиш пучуқларга.
Лекин қизик товушлари,
Бошқа тилда гаплашар.
Оёқда-чи, товушлари
Тап-тап қадам ташлашар.
Хўроз хайрон боқди бироз
Ҳар ён ташлаб калласин.
Сўнг дарс ўтди отага хос,
Тўплаб олиб хаммасин.
– Огоҳ бўлинг, аввал, қу-қу,
Мушук деган ёвуздан.
Лекин ундан хавфлироқ сув,
Узоқ юринг ҳовуздан!

Тугатмасдан сўзларини
Хўроз хайрон тош котди.
Жўжалар ўзларини
Тап-тап ховузга отди.
Вахимадан она товук
Хушдан кетиб йиқилди.
Курка чўкиб турган тарик
Нақ бўғзига тиқилди.
Жўжалар-чи, хайикмай,
Сузиб ёрар кайикдайин.
Сир очилгач, хандон отиб,
Кулди Ўрдак, кулди Ғоз
Бир чеккада қотиб-қотиб
Кулар китмир Матниёз...

ТАРБИЯЧИ

Тарбиячим бор ҳай-ҳай,
Айтишга тил бормайди.
Ҳаракатим баҳолай
Ҳормайди, хормайди.

Гуноҳ килсам, вой-баёв,
Жазолайди беаёв.
Баъзан дилхуш, дилрабо
Хоҳишимга бўлар ғов.

Тунов куни футболга
Кетаётсам шошиб,
Кўзи ожиз чол йўлда
Турган экан адашиб.
Иккиланиб турдим мен,
Бир оз хаёл сурдим мен
Футбол завки бир дунё
Йўлни тўпга бурдим мен.

Тўпга тегмасдан оёк,
Сомон каби тизгинга

Тарбиячим ўша чок
Қайгарди-ку изимга.

Қарши чикмок фойдасиз,
Қайга борай даъвога?
Қўлларидан олиб тез,
Йўл кўрсатдим бобога.

Тарбиячим шунақа,
Кун бермайди эрта-кеч.
Дерсиз балки унақа
Тарбиячидан воз кеч!

Кўп яширдим, бас, етар,
Сизга айтсам рост сўзим
Айбларимни фош этар
Тарбиячим мен ўзим.

ТИРИКЛИК

Тоғ мактанар: - Тириксан
Кўксимдаги муз қордан!
Бўш келмас Денгиз: - Қоринг
Бағримдаги буғ – пардан.
Куёш жилмаяр: - Бўлди
Баҳсни бас қилингиз сиз,
Яшай олмас экансиз
Демак бир-бирингизсиз.

ОЛЬГА ГРИГОРЬЕВА



Серкирра ижодкор Ольга Ивановна Григорьева 1954 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг Ольга Ивановна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди. Рус филологияси факультетини тугатиб, бир неча йил Ўзбекистон энергетика Вазирлигининг девонхонасига бошчилик қилди; 1982–1992 йилларда эса, у Тошкентдаги 4-касб-хунара мактабида Рус тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Шу орада Ольга Ивановна педуниверситетда рус адабиёти бўйича аспирантура курсини ҳам ўтади ва 1992 йили “Рус шоирлари ижодида Шарқ ҳақиқати инъикоси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1992 йилдан бери университетнинг Рус ва чет эл халқлари адабиёти кафедрасида аввал ўқитувчи, катта ўқитувчи ва ҳозир доцент вазифасида ишлади ва ишлаб келмоқда. У 2004 йили “Университетнинг энг яхши доценти” танловининг ғолиби бўлган. Ольга Ивановна магистратура тингловчилари учун “Ўзбекистондаги рус шеърляти” номли маърузалар матнини тайёрлаган.

Ольга Ивановна Григорьева илмий, илмий-услубий, педагогик фаолиятни бадиий ижод билан мутаносиб олиб бораётган соҳибқаламдир. Унинг илк шеърлари ўтган асрнинг 80-йилларида матбуот юзини кўрган. Адибанинг асарлари республикамиз газеталари саҳифаларида, “Звезда Востока” журнали ҳамда Россия, Англия матбуотида эълон қилинган. Шоиранинг “Очиқ қалб билан” китобини

варақлар экансиз, у шеърларида кўпроқ ишқ-муҳаббатни тараннум этганининг, бетакрор Ўзбекистонимиз манзараларини нозикбин мўйқалам устасидек акс эттиришга муваффақ бўлганлигининг гувоҳи бўласиз. Шоира ижодида ёш қалб тугёни, халқлар дўстлиги, ватанпарварлик тасвири етакчи мавзу. Кейинги йилларда Ольга Ивановна Григорьева қаламини насрда синаб кўрди. Адибанинг “Даҳшат ёхуд Матрешка қонуни” фантастик романида мураккаб ҳаётий, фалсафий-рухий муаммолар фантастик тимсоллар воситасида нафис тасвирланган. Асар китобхонни ўйлашга, бош қотириб, атроф-муҳитга тетик кўз билан қарашга ундайди.

ЎЗБЕКИСТОН

1

Қадимий, навқирон, эй сахий тупроқ,
Сўқмоқларин офтоб ялаган замин.
Пахталар рангида аксланар оппоқ
Чексиз далаларнинг ифорли таъми.
Боғ-боғчаларингга бахш этиб сайқал,
Қуёш нурга чайди, зийнатлаб ювди.
Эй, Навоий битган фусункор ғазал,
Сен – меҳрим чашмаси, орзулар юрти.
Осмонларинг тиниқ, мусаффо, тоза,
Инсонлар бағрида ҳарорат бисёр.
Ҳар фаслда гуллаб-яшнайсан роса,
Эй дўстликка содик, жаннатий диёр!

2

Яна баҳор келди.
Настарин гуллаб,
Ям-яшил гиламлар ерга тўшалди.
Қушлар парвоз қилар кўкда чийиллаб,
Булбуллар сайроғи жаҳонни олди.

Май ойи.
Далалар кизиб ётар ҳўб,

Ҳосил етилмоқда сахий тупроқда.
Шигил меваларга шира суриб кўп,
Тилла нур ўйнайди далада, боғда...

3

Ўз вақтида келар меҳнаткаш кузак,
Чор-атрофга ёйиб ранг-баранг гилам.
Биллур томчи ёғар осмондан лак-лак,
Нақшинкор хонатлас тўқиб дамо-дам.

Ноябрь кезинар йўлларда сармаст,
Далаларни қоплар қор парчалари.
Қишнинг салмоғига елка тутар даст
Озғин похолларнинг тик бўйчалари.

4

Эртак дейсиз, ҳар ён нурлар тўлкини,
Қумушдай порлайди музлар ялтираб.
Ана, ҳорғин замин урар уйқуни,
Тушда лолаларнинг бошини силаб.

Менинг буюк ўлкам, менинг бой юртим,
Бағрингда шодон кўз очганим учун –
Бахту қувончларни мен сенда кўрдим,
Қалбим ғурурланиб тушмасин нечун?!

Энди қайда бўлсам, қай юртда юрсам,
Фақат соғинчингда сенинг ёнарман.
Ҳар доим,
Ҳар лаҳза,
Ҳар он чинакам
“Ўзбекистоним!” деб фахрланарман!...

КУЗ ЁМҒИРИ

Кўча бўйлаб бораяпман,
Хаёлларим бетайин.
Томчилайди кузги ёмғир,
Ёғса ёғар, нетайин?
Кўлмаклардан сакраб ўтиб,
Қадам ташлаб бордим мен.
Бошга кўнар сарғиш барглар,
Барглар видо айтади.
Хаёлимда гоҳ Пушкин, гоҳ
Есениннинг байтлари...

ДЕРАЗЛАР

Ўртаган ғамларни қалбимга гизлаб,
Тунда кетаяпман. Чарақ-чарақ нур.
Цветаева сатрин пичирлайди лаб:
“Дарчалар ухламас, ундан кўринур
Шароб ичаётганлар, ёр кутаётганлар...”

Дарчалар тўқади чарақ-чарақ нур,
Ҳар бир деразанинг ўз тақдири бор:
Бирида дард-фиғон, ғам қилар зухур,
Бирдан кулгулар оқади бисёр.
Бир дарча зор бўлиб кутса инсонни,
Бири ҳайдаб солмоқ истар ҳижронни.

Хаёлга толаман уларга боқиб,
Мен учун ҳар дарча бутун бир олам.
Ҳар бири ўз сирин қўйгандай тақиб...
Тун билан ёнма-ён юраман мен ҳам.

Минг-миллион дераза – минг-миллион тақдир!
Тинмай нур тўқарлар кўча юзига.
Одамлар!
Бахт бордир, бисёрдир, ҳақдир,
Улкан бахт тилайман ҳар бирингизга!

ҚЎШИҚ


Бужур босган қари чинор тагида
Ҳазин-ҳазин қўшиқ куйлади йигит.
Гоҳ армон сасланди дутор оҳида,
Гоҳо қувончи учди мисоли бургут.

Йигит қўшиғига ошиқ, мастона,
Термулиб бокарди осмондаги ой,
“Дутордан янграган сеҳрли тарона
Боиси мен!” – дея ўйлаб, ҳойнаҳой.

Осмонни тўлдирган ҳар порлок юлдуз,
Йигит севгилисин ёдига солар.
Ошиқ ғазалининг ҳар сатри шаксиз,
Фақатгина ўша кизга аталар.

Тошдан-тошга уриб кўксини булок
Қўшиқни жўровоз куйлади нолон.
Йигит дардларини жам қилиб шу чок,
Оқизиб кетди сув маъшуқа томон...

Музаффар Аҳмад таржималари.



МУЗАФФАР АХМАД

Бадий ижод соҳасида шундай инсонлар ҳам бўладиларки, улар умр бўйи изланадилар, ўқиб-ўрганадилар, ёзиб-чизадилар, аммо яратганларини кўз-кўз қилишга кўпам қизикмайдилар, амал, мартаба, бойликка бепарво қарайдилар. Ўзбекистон Ёзувчилари ҳамда Журналистлари уюшмаларининг аъзоси, бадий ижод, таржимонлик ва журналистикани бақамти олиб бораётган, яъни уч жабҳада соҳибқалам Музаффар Аҳмад ана шундай шахслардандир. Бўлажак серқирра ижодкор Музаффар Аҳмад 1956 йили Қорақалпоғистоннинг Манғит шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Усмонжон Аҳмедов таниқли фольклоршунос, адабиёт муҳиби эди. Ёш Музаффар ана шундай маънавий муҳитда тарбияланди.



Ўрта мактаб хатмидан сўнг Музаффар Аҳмад Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетига кириб ўқиди. Ўқиш йилларидаёқ у “Чашма” тўғараги машғулотида фаол қатнашди; илк ижод намуналарини Ўткир Рашид, Тўхта Бобоев ҳамда Пирмат Шермухамедов сингари устозлари назаридан ўтказди. Олий таҳсилдан сўнг Музаффар Аҳмад республикамизнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Жамият ва бошқарув”, “Соғлом авлод учун” сингари газета ва журналлари ҳамда нашриётларида муҳаррир, катта муҳаррир бўлиб ишлади, узлуксиз изланди, машқ қилди. Гарчи дастлабки шеърларини у талабалик йилларидаёқ ёзган бўлса-да, улар ўтган асрнинг 80-йилларидагина матбуот юзи-

ни кўрди. Ҳозирга қадар “Икки дўст достони”, “Муқаддассан, Аёл”, “Ўзга сайёрада 7 кун”, “Кўприк курамиз”, “Ёшлигим – бебошлигим”, “Дилдаги оҳим менинг” сингари 10 дан зиёд китоблари чоп этилди. Шоир асарларининг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг. Уларда Она-Ватанга меҳр, миллий кадриятларни эъзозлаш, халқлар дўстлиги, юксак ғоялар ўзига хос халқона оҳангларда тасвирланган.

Музаффар Аҳмад фаол таржимонлардан ҳисобланади. Шу кунгача у козоқ, рус, туркман, уйғур, қорақалпоқ классиклари ва ҳозирги замон шоирларининг кўплаб асарларини халқимизнинг маънавий мулкига айлантирган. Жумладан, Музаффар Аҳмаднинг Қорақалпоқ шоирлари Жиян Жиров, Бердак, Кунхўжа, Ажиниёз ва Ибройим Юсуповлар ижодидан қилган ўғирмалари илм-адаб аҳли томонидан илиқ кутиб олинган ва таржимашунослар тарафидан муносиб баҳоланган. Шаркнинг буюк шоирларидан бири Махтумқули пандномалари, француз халқининг машҳур достони “Роланд кўшиғи” Музаффар Аҳмад томонидан ўзбек тилида жаранглатиб, кенг китобхонлар оммаси ҳукмига ҳавола қилинган. Шу кунларда шоир янги ижодий ниятларни амалга ошириш билан машғул. Унинг замонамизнинг буюк адиблари Собит Муконов билан Ғафур Ғулом дўстлиги васф этилган “Икки дўст достони” асари қозоқ тилида ҳам севиб ўқилмоқда.

ВАТАН

(Ҳамид Ғулом ғазалига мухаммас)

Десаларким: сен учун жонму азизроқ ё Ватан?
Дер эдим мен: жон азиз, жондин азизроқ, о, Ватан!
Мен Ватан посбонидирман, бахт куши хумо – Ватан,
Ўзбекистон мен учун олам аро танҳо Ватан,
Ҳамма бўстонлар ичида бекиёс, зебо Ватан!

Кўзларимга тутиёлар айлабон ҳар заррасин,
Ошиғи комил юрак ўтди ғолиблик маррасин,
Бахтлиманким, тўлдиролдим юртсеварлар даврасин,

Мен жаҳон кездим, томоша айладим ер куррасин,
Англадим: юртим ягона, жоним ичра жо Ватан!

Кел, жаҳон, айла зиёрат Ўзбекистон-онани,
Сев, тавоф қилгил Бухоро, Ҳиваи дурдонани,
Бу чаманларнинг зиёси дўст қилур бегонани,
Қай бирин таъриф этай: Тошкентними, Фарғонани?
Кўз очиб бўлдим Самарқанд васлига шайдо, Ватан!

Фахр этарман, инчунин, олий мақом топти тилим,
Қитъалардан қитъаларга ўтди, туташди йўлим,
Насибам бўлди ғолиблик, сўлмагай энди гулим,
Нурли Истиклол муборак сенга, эй озод элим,
Тан олиб кутлайди шону шавкатинг дунё, Ватан!

ИККИ МУҚОЯСА

Биринчи воқеа

Эсимда, қай бир дам мен қолиб мулзам,
Онам ҳимоямга етиб келганда.
Совут-қалқон каби паналаб шу дам,
“Мен борман-ку, болам, тиклан!” деганди.

Тоғ каби юксалди мўлтайган кўнгили,
Менга хавас билан боқди Само, Ер.
– Аждарҳодай онанг бор экан, ўғлим,
Ҳеч нарсанинг ғамин емай яшайвер!

Авалло, ўзингга бек бўл, хўжа бўл,
Пастларнинг ёнида паст кетма зинҳор.
Эрк – ихтиёрингга ўзинг эга бўл,
Онанг аждарҳоми – пурк оловли нур!..

Ўшанда сезганман: меҳр, инсонлик
Одам боласига ғурур уфургай.
Ўша аждарҳолик, ўша султонлик
Онамга ярашиб турганди нурдай!

Кўкрагим кенгайган, ортган ғурур, шаън,
Вужудимга тошиб келган куч-қувват.
Онамда аждарча олов бор экан,
Менда топилмасми чувалчанг ғайрат?!

Иккинчи воқеа

Уч-тўрт улфат давра тутгандик, хайхот,
Бир дўстимиз ғингшиб колди шу захот:
– Эҳ, менинг ит каби қилиқларим бор,
Уйда хотин безор, болалар безор.
Кеча тўкиб солди бари гина, кек,
Итқилиқ эканман, итқилиқман, эҳ!..

Икрор жиддий эди,
Ҳамма жим эди,
Ҳар ким уз қилиғин ёдига олди.
Биз-ку бу жониворни йўклайвермасдик,
“Итқилиқман” деб ҳеч йиғлайвермасдик.
Бу ўртоқ қадахни яларди ғингшиб,
Худди кучукками, канжикка ўхшаб.

– Итқилиғим курсин! Менга айтингиз,–
Қандай юпатишга хайрон эдик биз.
Шу одам (ёлғизмас, чин эди бизга)
Ит бўлиб кўринарди кўзимизга.
Итлигин билардик, ҳеч айтолмасдик.
– Бизга эргашма! – деб қайтаролмасдик.

Итдай қилиғидан безор бўлдик-ку,
Итни ҳамроҳ қилиб биз хор бўлдик-ку!
Тўрт йигит тўрт томон тарқалдик увлаб,
Бир ит баддуосин ит бўлиб “куйлаб”.

Қиссадан хисса

Ким ўзин оловли аждар агади,
Дилларга гурурни гулдай кадади.
Кимдир итлигини қилганди баён,
Ўзимни сезганман итдай хор, нолон.
Қачон шу ҳол ёдга тушаверади,
Онамга ҳурматим ошаверади...

* * *

“Манғитданман”, дединг, ўртанди жоним,
“Ҳовва-ховва”, дединг, кўпирди қоним,
Қитъа оша учиб келган тарлоним,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Бир гули эслатар Аму мавжини,
Бир гули эслатар “Лазги” авжини,
Кўзларимга босай ҳар тўрт бурчини,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Кўзим ёшларидан киприқларим чўғ,
Дил ватангадолик дардига тўлиқ,
Йўқ, дўппим кир дема, шу кир хам кутлуг,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Мен уни уйимга кийиб борайин,
Тўрда – гилам узра асраб қўяйин,
Маъракада масту мардон кияйин,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Ёдимда Боғотнинг замча, гурваги,
Олма, ўрик, хусайниси, тарнаги,
Воҳ-воҳай онамнинг гумма, чўраги,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Менинг манглайимда бир қора қисмат,
Кимга йиғлаб, кимга айтайин лаънат?!
Олдим Ватанимдан бир гулгун сурат,

Жон болам, дўппингни менга бериб кет!
Урушда қон кечдим, ёшлик, соддалик,
Асир тушдим, бошга келди жудолик,
Тақдирда бор экан Ватангадолик,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Олмонлар юртида ҳамма нарса бор,
Жонинг не истаса барчаси бисёр,
Фақат тўн, дўппи йўқ, ё раббим саттор,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!


Қундузлар сояси елкамда турсин,
Тунлар қараб ётай тепамда турсин,
Ўлсам, шу тож мен-ла қабрга кирсин,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!

Рухимни ўзига Жайхун чорласин,
Мен топа билмадим хижрон чорасин,
Гадо девонангман, жоним Хоразм,
Жон болам, дўппингни менга бериб кет!
Бермасанг, кел, мени сен ўлдириб кет!



ҲАМРОҚУЛ АСҚАР

Истеъдодли шоир ва ҳозиржавоб публицист Ҳамроқул Асқар 1958 йили Самарқанд вилояти, Фориш туманидаги Шоҳ Усмон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кириб, Рус мактабларида ўзбек тили бўлимини муваффақиятли битказди. Таҳсилдан сўнг у Фориш ва Ғаллаорол туманларида мактаб ўқитувчиси, ёшлар ташкилотларининг етакчиси бўлиб ишлади.



1982 йили Тошкентга келган Ҳамроқул Асқар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Ҳаёт ва қонун”, “Адвокат-пресс”, “Инсон ва қонун” нашрларида мухбир, адабий ходим, бош муҳаррир ўринбосари, Бектемир туманида “Маънавият маркази” директори вазифаларини бажарди. Ҳамроқул Асқар фаолиятининг бир неча йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида кечди. Бу ерда у раис ёрдамчиси, қасаба уюшмаси раиси, Адабиёт жамғармаси директори, Тарғибот маркази директори сингари юмушларни олиб борди; Саид Аҳмад, Одил Ёқубов сингари замонамизнинг буюк адиблари назарига тушди.

Ҳамроқул Асқар таълим-тарбиявий, маърифий-маънавий йўналишидаги жамоат ишларини доимий тарзда бадиий тафаккур билан узвий боғлаб олиб бораётган ижодкордир. Гарчи унинг дастлабки шеърлари муаллимлик йилларида битилган бўлса-да, улар ўтган асрнинг 80-йилларида матбуот юзини кўрди. Ҳамроқул Асқар ҳозирга қадар “Сўз изти-

роби”, “Тонгнинг бедор кўзлари”, “Дарё” сингари китобларни чоп эттирди. Улар шеърят муҳиблари томонидан меҳр билан, зўр қизиқиш билан пешвоз олинди. Зероки, аксарият шеърларида муаллиф азалий ва абадий мавзулар – ишқ, ваганпарварлик мавзулари айрича нафисликда тасвирланган, такобур, ахлоксизлик, мансаб-мартаба, бойликка ружу, жоҳиллик қаттиқ қораланган. “Бепул одам” шеъри бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳамрокул Аскарнинг турли йилларда ёзилган ва республикамизнинг ҳар хил нашрларида эълон қилинган “Иқтисоднинг сирли дастаклари”, “Ёш миллатмизми, бош миллат?”, “Барқарорлик замини”, “Адолат изтироблари”, “Тиғ тегмаган жароҳатлар” сингари мақолалари долзарб мавзуларга бағишланганлиги билан кенг жамоатчилик эътирофига сазовар бўлган. Айниқса, унинг ҳуқуқий мавзулардаги публицистикаси кенг китобхонларнинг баҳсу мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда.

УМИД

Ҳеч қачон дилимда сўнмади умид,
Ҳамиша ошиғу, хамиша мафтун!
Яшадим хамиша кўриб тараддуд,
Гоҳо Фарҳод бўлиб, гоҳ бўлиб Мажнун!

Гоҳо ойлар келиб кўксимга чўкди,
Гоҳо қамаштирди кўзимни офтоб.
Кундуз юрагимга гулларин экди,
Тунлар нигоҳимдан ёришди атроф.

Ҳамиша, хамиша ёниб яшадим,
Асло эгилмади бу мағрур бошим.
Пастларга султондек назар ташладим,
Сира тарк этмади метин бардошим.

Ғанимга тик қараб ёнди нигоҳим,
Хоинлар қўрқканда ўз соясидан.
Қўрқувга басма-бас юксалди руҳим,

Илохий қудратлар химоясида.

Ҳеч қачон дилимда сўнмади умид,
Ҳамиша ошиғу, ҳамиша шайдо!
Унутган маҳалинг бўлурман унут,
Эслаган чоғингда бўлурман пайдо!


Ҳамиша, ҳамиша ёниб яшадим,
Сира тарк этмади метин бардошим,
Фақат дўст олдида айладим таъзим,
Фақат ёр қошида эгилди бошим!

ОМОНАТ

Умрнинг эгови –
Афсус-надомат,
Ем берсанг депсиниб
Тишлар ёмон от.
Дунёнинг русуми шул,
Келган кетгайдир,
Мезбон ҳам омонат,
Меҳмон омонат!
Йўлга чиқар бўлсанг йўлингни берсин,
Ҳам ўнгингни берсин, сўлингни берсин,
Ҳазрати Хизрга кўлингни берсин –
Карвон ҳам омонат, сарбон омонат!
Дунёда хикмат кўп ҳеч адо бўлмас,
Иймони покларнинг руҳлари ўлмас,
Яхшининг боғлари сарғаймас, сўлмас –
Боғ ҳам омонатдир, боғбон омонат!
Юлдузлар бамисли тунги шамлардир,
Мазлумнинг кўзида қотган намлардир,
Дунёни қаритган эски ғамлардир –
Офтоб ҳам омонат, осмон омонат!

ЭСЛАШ

Ҳаммаси тугаган...
Қўмсайман гоҳо,
Қўпдан йўқотганим сирдош хаёллар.
Барглари тўкилган дарахтнинг гўё
Мажруҳ шохларини силкир шамоллар.
Баъзан юрагимнинг бўм-бўш саҳросин,
Тўлдиргандай бўлар ҳаётбахш бир сас.
Ўтган кунларимнинг мубҳам рўёсин
Чулғайди ногоҳон ҳаётий либос.
Шунда пайдо бўлар ул таниш рухсор,
Паноҳ излашади ҳорғин қайғулар.
Рухимда курашар иқрор ва инкор,
Юракни тилкалар турфа туйғулар.
Гўё танимайсан, боқасан ғамли,
Гапларинг пойма-пой, қийнайсан сўзни.
Қаҳ-қаҳ куласану, кўзларинг намли,
Шодмон кўрсатмокчи бўласан ўзни.
Сен қаҳ-қаҳ куласан, бардошим етмас,
Дўстим, кулгуларинг айлайди беҳуш,
Менинг кулоғимга кулгулар эмас –
Ёлғиз эшитилар йиғлаган товуш!



УШБУ КИТОБ МУАЛЛИФИ

Таниқли педагог, серғайрат ижодкор Ҳамиджон Ҳомидий 1935 йил 4 октябрда Наманган вилояти, Косонсой шаҳрида этикдўз оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Косонсой босмахонасида ҳарф терувчи, туман газетасининг масъул котиби бўлиб ишлаган. Ҳамиджон Ҳомидий 1956–1961 йиллари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Тарих-филология факультетида таҳсил кўрган.



Бўлажак зуллисонайн ижодкор Ҳамиджон Ҳомидий институтнинг Ўзбек тили кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1963–1967 йиллар давомида Ўзбек адабиёти кафедраси аспирантурасида ўқиди; 1968 йили номзодлик, 1990 йили докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган, 1992 йили унга профессорлик унвони берилган. Ҳамиджон Ҳомидий 1982–2010 йилларда университетнинг Ҳозирги ўзбек адабиёти ҳамда Ўзбек классик адабиёти кафедраларини бошқарди. Турли йилларда олимнинг “Гуманизм куйчиси”, “Барҳаёт шеърӣ қаср”, “Бокий бўстон таровати”. “Шоҳнома”нинг шуҳрати”, “Қирқ беш аллома хикояти”, “Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи”, “Кўҳна Шарқ дарғалари”, “Машрикзамин – ҳикмат бўстони” (хаммуаллифликда), “Тасаввуф алломалари”, “Олис-яқин юлдузлар”, “Наманган адиблари” (хаммуаллифликда), “Авестодан Шоҳномага”, “Даҳолар давраси”, “Косонсой тарихи” (хаммуаллифликда) сингари ўттиздан ортиқ китоблари нашр этилган. У бир неча ихтисослашган илмий кенгаш аъзосидир.

Ҳамиджон Ҳомидий мутаржим сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. У рус, форс, тожик тилларидан “Сафарнома”, “Етим”, “Қорача қиз”, “Нишонга тегмаган ўк”, “Кўхна одамлар”, “Ҳудуд-ул-олам”, “Муқанна исёни”, “Қайсар чумчуқ” сингари ўндан зиёд асарларни ўзбек тилига ўгирган. Унинг ҳикоя ва ҳикоятлари китобларига кирган, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Соғлом авлод учун” журналлари ҳамда газеталарда эълон қилинган. Ҳамиджон Ҳомидий Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Бундан ташқари, олим бир канча дарслик ва ўқув қўлланмаларининг муаллифидир. Турли илмий тўплам, журнал ҳамда вақтли матбуотда олимнинг 500 дан ортик мақолалари эълон қилинган. Ҳамиджон Ҳомидийнинг илмий мақолалари Техрон, Боку, Олмаота, Душанбе, Хўжанд шаҳарларидаги мажмуа ҳамда комуслардан ўрин олган. У “Дўстлик” ордени ҳамда “Мустақилликнинг 15 йиллиги”, икки марта “Халқ маорифи аълочиси” (1972, 1984) нишонлари билан тақдирланган.

АВЕСТОХОН МУАЛЛИМ

Ҳикоят

Бир кеча Ҳиндиё ҳамда Фарокин номли донишманлардан Авесто бўйича таълим олган ёш подшоҳ Кисро Анушервон туш кўрибди. Тушида гўзал бир оху саройга кириб келиб, подшо кўлидаги жомни олиб, бир қултум шароб симирибдида, жомни улоқтириб-синдириб, кўздан ғойиб бўлибди.

Тонг-саҳарлаб зўр донишмандларни йиғиб, туши таъбирини сўрабди, ҳеч ким жавоб беролмабди. Охир-окибат шох бир неча кунга муҳлат берибди. Бирон-бир уламо тушни таъбирлай олмабди. Шундан сўнг, подшоҳ чечан ва сўзамол одамларни йиғиб, қўлларига бир лагандан олтин бериб дебди:

– Бутун мамлакатни айланиб, жар солинглар. Кимда-ким тушим таъбиринини айтса, бошидан шу зарни сочинглар.

Ходимлар турли вилоят, шаҳару қишлоқларга боришибди. Сўрашибди, суриштирибди. Аммо подшоҳ тушини таъбирловчи бирон донишмандни учратишмабди.

Анушервоннинг Озодсарв деган надими бўларди. У кўп шаҳарларни айланиб, охири Марвга бориб, зодагонларга муддаосини изҳор этибди. Шунда улардан бири:

– Гулафшон гузарида бир авестохон муаллим йигитча бор. У гўдакларга Зенд Авестодан дарс беради. Туш таъбирини ўшандан бошқа киши айта олмаса керак, – дебди.

Озодсарв донишманд йигит хузурига борибди.

– Бу масалада билимим ожизлик килади. Аммо менга Авесто ёрдам берса керак, – дебди. Кечкурун у Авестони ўқиб караса, тушига кирган оху эр киши бўлади. У шаробни тўла ичса, ўлдиришади, ярим ичса, соғ қолиши мумкин, деб ёзилган экан. Эртаси куни муаллим йигит Озодсарвга:

– Туш таъбирини фақат шоҳнинг ўзига айтаман, – дебди.

Икковлон яшин тезлигида ярим кечада пойтахт Мадойинга етишибди. Эртаси куни Озодсарв йигитни саройга бошлаб борибди. У подшоҳ тушининг тафсилотини баён этибди.

– Шоҳим, саройингизда нечта канизак бор? – сўрабди йигит.

– Етмишта пари-пайкарим бор, – жавоб берибди шоҳ.

– Ана шу канизаклардан бири эркак киши бўлиши керак, – таъкидлабди муаллим. Анушервон хангу манг бўлиб қолибди.

– Буни қандай билиш мумкин?

– Эрта тонгда барча канизакларни тахт пойидан бир-бир ўтказасиз, юришидан аниқлаймиз, – дебди йигит.

– Эртаси куни шундай қилишибди. Аммо канизаклар хиромидан қайси бири эркаклиги билинмабди.

– Энди, шоҳим, бўлар иш бўлди, – дебди йигит. – Тонг саҳарда сиз тахтингизга чиқиб ўтирсангиз, мен ёнингизда тураман. Канизакларни эса, биттадан ички либосда хузуримиздан ўтказишсин.

Одатда канизаклар бир хонада икки кишидан яшашаркан.

Хуллас, Мохрўйи Чочий деган канизакнинг ҳамхонаси ёш йигит бўлиб чиқибди. Подшоҳ ғазаб билан “Бу не ҳол?!” – деб сўраган экан, канизак жавоб берибди.

– Бу йигит – менинг акам. Онамиз – бир, отамиз – бошка. Усиз мен ҳаётимни тасаввур этолмасдим. Шу боис уни машшоталар оркали қиз суратига киргизиб, ўзим билан бирга олиб келгандим...

– Энди бу кўрнамаклар тақдири нима бўлади? – сўрабди таъбирчи йигитдан Анушервон.

– Агар оху шаробни тўла сипкариб, қадахни улоктирган бўлса, жазолари ўлим, – дебди донишманд йигит.

Оқибатда, йигит билан қизни ўз хоналарида осиб ўлдиришибди.

Подшо тушини таъбирлаб, Моҳрўйи Чочий сирини очган ўн етти яшар донишманд кейинчалик Анушервон давлатининг мустаҳкам устунни бўлган, Шарқда адолатли вазир рамзига айланган Бузружмеҳр эди.

Ҳикматлар

Миннат ҳимматнинг кушшандасидир.


Ғазабни ичга ютмоқ буюк ибодатдир.

Айтилган ерга бормасанг, чакирувга зор бўласан.

Ота-онанг хатосини айтгувчи бўлма.

Фарзанд танбеҳи ургандан баттар.

Шогирднинг мунофиқлиги ўлимдан оғир.





МУНДАРИЖА

Илм, адаб маскани У.И. Иноятов	3
Музайяна Алавия	6
Галина Цодикова	10
Иззат Султон	15
Мамарасул Бобоев	22
Зафар Диёр	25
Восит Саъдулла	28
Зулфия	33
Ҳақим Назир	37
Исҳоқ Ўктам	41
Ёнғин Мирзо	46
Туроб Тўла	51
Шухрат	55
Ҳамид Гулом	60
Саид Аҳмад	65
Мавлон Икром	72
Шукрулло	76
Мирмуҳсин	80
Рамз Бобожон	85
Хибзиддин Муҳаммадхонов	89

Сунатилла Анорбоев.....	94
Пўлат Мўмин.....	99
Султон Акбарий	104
Кудрат Ҳикмат.....	109
Черкез Али.....	113
Владимир Барабаш.....	117
Султон Кўқонбеков	121
Шотурсун Ғуломов.....	126
Шамси Одил	130
Наримон Орифжонов.....	134
Ҳайриддин Салоҳ.....	140
Юсуф Шомансур	144
Ҳайдар Муҳаммад.....	148
Низомжон Парда	153
Низом Комилов.....	158
Толаген Айбергенов.....	161
Ўқтам Усмонов.....	164
Барот Исроил.....	169
Пирмат Шермухаммедов.....	173
Эргаш Раимов.....	177
Тўлаган Тўхтаев	181
Тохир Муллабоев	184
Эркин Малик	188
Нор Ҳайит.....	193
Рауф Толиб.....	196
Мекембай Омаров.....	199

Шукур Дадаш	202
Ғаффор Ҳотамов	206
Ҳосият Бобомуродова	210
Абдусаид Кўчимов	213
Ҳамид Норкул.....	217
Ҳамза Имомбердиев.....	221
Олга Григорьева	226
Музаффар Аҳмад.....	231
Ҳамрокул Аскар	237
Ушбу китоб муаллифи	241

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ

НИЗОМИЙ ДИЛБАНДЛАРИ

ТАЗКИРА

Мухаррир: Шукур Курбон
Техник муҳаррир: Дилмурод Жалилов
Рассом: Шуҳрат Одилов

Нашриёт лицензияси: АИ № 159, 14.08.2009.
Босишга 10.04.2012 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 14. Шартли босма т. 14,41.
Буюртма №.180 Адади 1000 нусхада.
Келишилган нарҳда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент шаҳри,
Истиклол кўчаси 33.

Оригинал макет МЧЖ “SHIDASP” матбаа корхонасида тайёрланди. Тошкент, Шайхонтохур тумани, Собир Рахимов кўчаси 70 б.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида
чоп этилди. 100128. Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.